

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси
(география) йўналиши**

**“ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИНИНГ
ТАРАҚҚИЁТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА
ИННОВАЦИЯЛАРИ”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент - 2016

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи: Низомий номли ТДПУ, г.ф.н., Н.Сафарова, катта
ўқитувчи М.Имомов**

**Такризчи: Гейделберг педагогика университети (Германия),
профессор. Hans-Werner Huneke.**

*Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2016 йил 19 майдаги
1/3.8- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	13
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	29
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	108
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	129
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	142
VII. ГЛОССАРИЙ.....	143
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	146

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва конунчилик нормалари, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

География фанлари бўйича замон талабларига жавоб берадиган назарий машғулотлар асосида профессор-ўқитувчиларнинг билимлар доирасини кенгайтириб, уларда билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талабларни такомиллаштирилиш дастурининг асосий мақсади килиб белгиланди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Географиянинг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари” модулининг мақсади: география фанларининг ривожланиши билан юзага келган турли кўринишдаги муаммоларни назарий талқин қилиш ҳамда географик фанларни ўқитишда педагог кадрларнинг юксак илмий-методик даражада ривожланишини таъминлашдан иборат.

“Географиянинг таракқиёт йўналишлари ва инновациялари”

модулининг вазифалари:

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан фаннинг назарий муаммоларини таҳлили қилишларида хорижий илмий мактаблар қарашлари билан тақоослаш жараёнини самарали ўзлаштирилишини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Географиянинг таракқиёт йўналишлари ва инновациялари”

модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

Тингловчи:

- замонавий географияда фанларнинг ўзвий боғлиқлиги, уларни ўрганиш билан боғлиқ масалалар, география таълимидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегияларини; география фанларининг умумий боғланиши ва уларни таснифлаш масалаларини; географик қобик ва унинг замонавий талқинини; география ва антропоген ландшафтшуносликнинг мазмуни, моҳиятини; ўзгарувчан шароитида табиатдаги ҳодиса ва жараёнларнинг табиий географик жиҳатларини; иқтисодий ва ижтимоий географиядаги муаммолар, районлаштириш масалаларини; географияда терминалогия муаммоларини; геотопонимика асосларини; географик муҳит ва этногеографиянинг моҳиятини; географияда картографик ёндошувни; географик информацион тизим технологияларини; география, геоэкология ва табиатни муҳофаза қилиш масалаларини; географик маданият ва глобал муаммоларни **билиши** керак;

Тингловчи:

-география фанларини тизими бўйича эгаллаган билимларини амалиётда қўллаш; география фанларининг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг интеграцияси бўйича; антропоген ландшафтшунослик, геоэкология,

этногеография, демография, топонимика фани назарий муаммоларини илмий талқин қилиш; фан-техника тараққиёти билан юзага келган глобал муаммоларни гуруҳлаштириш; талабаларда географик маданиятни шакллантириш бўйича **кўникма ва малакаларгаэга бўлиши** зарур.

Тингловчи:

- география фанларининг умумий боғланиши ва уларни таснифлаш; ўзгарувчан И. шароитида табиатдаги ходиса ва жараёнларнинг табиий географик жиҳатларини таҳлил қилиш; географик терминларнинг луғавий маъноси ҳамда уларни талабаларга тушунарли тарзда етказиб бериш; замонавий географиянинг асосий масалаларини таҳлил қилиш каби **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Географиянинг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Олий таълимда география ўқитиш методикаси”, “Педагогик квалиметрия” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг соҳага оид компетентлик даражасини ривожлантиришга хизмат қилади.

**Модулнинг олий таълим самарадорлигини
оширишдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим сифатини ошириш, географиянинг назарий масалалари ва муаммолари, мутахассислик фанларини ўқитишда инновацияларнинг ўрни ва уларни мақсадли йўналтиришга оид зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар ҳамда олий таълим муассасаси амалиётига кэнг татбиқ этадилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
			жами	жумладан		
				Назай	Амалий машғулот	
1.	Замонавий географияда фанларнинг ўзвий боғлиқлиги, уларни ўрганиш билан боғлиқ масалалар, география таълимидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари. География фанларининг умумий боғланиши ва уларни таснифлаш масалалари.	4	4	2	2	
2.	Географик қобик ва унинг замонавий талқини. География ва антропоген ландшафтшунослик.	4	4	2	2	
3.	Ўзгарувчан И. шароитида табиатдаги ҳодиса ва жараёнларнинг табиий географик жиҳатлари.	6	4	2	2	2

4.	Биогеография ва биологик хилма-хиллик.	4	4	2	2	
5	Иқтисодий ва ижтимоий географиядаги муаммолар, районлаштириш масалалари. Демография ва геоэкология.	6	6	2	4	
6	Географияда терминалогия муаммолари. Геотопонимика асослари. Географик муҳит ва этногеография.	6	6	2	4	
7	Географияда картографик ёндошув ва унинг муаммолари. ГИС технологиялари.	6	6	2	4	
8	География, геоэкология ва табиатни муҳофаза қилиш. Табиий офатлар географияси. Географик маданият ва глобал муаммолар географияси.	8	6	2	4	2
	Жами:	44	40	16	24	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Замонавий географияда фанларнинг ўзвий боғлиқлиги, уларни ўрганиш билан боғлиқ масалалар, география таълимидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари.

Замонавий географияда фанларнинг ўзвий боғлиқлиги, уларни ўрганиш билан боғлиқ масалалар, география таълимидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари. География фанларининг умумий боғланиши ва уларни таснифлаш масалалари.

2-мавзу: Географик қобик ва унинг замонавий талқини. География ва антропоген ландшафтшунослик.

Географик қобикни назарий жиҳатдан талқин қилиш хусусиятлари. География фанининг долзарб муаммолари. Антропоген ландшафтшунослик фанининг асосий мазмуни ва уни ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари.

3-мавзу: Ўзгарувчан И. шароитида табиатдаги ҳодиса ва жараёнларнинг табиий географик жиҳатлари.

Ўзгарувчан И. шароитининг ўзига хос хусусиятлари. Табиатдаги ҳодиса ва жараёнларнинг табиий географик жиҳатлари ҳамда уларнинг ўзгарувчан И. шароитида ўзгариши.

4-мавзу: Биогеография ва биологик хилма-хиллик.

Биогеография фанининг фанлар тизимида тутган ўрни. Унинг мазмуни, асосий назарий муаммолари. Биогеографияда биологик хилма-хилликнинг талқин қилиниши.

5-мавзу: Иқтисодий ва ижтимоий географиядаги муаммолар, районлаштириш масалалари. Демография ва геоэкология.

Иқтисодий ва ижтимоий географик фанларнинг назарий муаммолари, фанда иқтисодий районлаштириш масалаларининг талқин этилиши. Демография ва геоэкология фанларининг асосий масалалари.

6-мавзу: Географияда терминалогия муаммолари.

Географик терминаларнинг илмий таҳлили. Геотопонимика муаммолари. Географик муҳит билан алоқадор терминлар. Этногеография фанининг ривожланиш хусусиятлари.

7-мавзу: Географияда картографик ёндошув ва унинг муаммолари.

ГИС технологиялари.

Картография фанининг географик фанлар билан алоқадорлиги. Картографик ёндашув ва унинг муаммолари. ГИС технологиялари фойдаланиш.

8-мавзу: География, геоэкология ва табиатни муҳофаза қилиш. Табиий офатлар географияси. Географик маданият ва глобал муаммолар географияси.

Геоэкология фанининг ривожланиши. География таълимида табиатни муҳофаза қилиш, табиий офатлар масалаларининг қўйилиши. Глобал муаммолар ва уларнинг шаклланиш сабаблари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Замонавий географияда фанларнинг ўзвий боғлиқлиги, уларни ўрганиш билан боғлиқ масалалар, география таълимидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари. (2 соат)

Географик фанларнинг фанлар тизимида тутган ўрни. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги. География таълимини ташкиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари.

2- амалий машғулот: Географик қобик ва унинг замонавий талқини. География ва антропоген ландшафтшунослик.

Географик қобик хусусиятлари ва уни география фанларида талқин этилиши. Антропоген ландшафтшунослик фанининг географик фанлар орасида тутган ўрни.

3- амалий машғулот: Ўзгарувчан иқлим шароитида табиатдаги ҳодиса ва жараёнларнинг табиий географик жиҳатлари.

Ўзгарувчан И. шароитини юзага келтирувчи асосий омилларни таҳлил қилиш. Табиатдаги ҳодиса ва жараёнларнинг ўзгарувчан иқлим шароити ҳолати билан боғлиқлиги.

4- амалий машғулот: Биогеография ва биологик хилма-хиллик.

Биогеография фанининг биология ва география фанлар тизими оралигида шаклланганлиги, унинг фанлар тизимида тутган ўрни. Фанни ўқитишда замонавий педагогик технологияларнинг қўлланилиши.

5- амалий машғулот: Иқтисодий ва ижтимоий географиядаги муаммолар, районлаштириш масалалари. Демография ва геоэкология.

Иқтисодий ва ижтимоий география фанларида назарий муаммоларнинг ўрганилиши. Иқтисодий районлаштириш масалаларини талқин қилишнинг ўзига хос жиҳатлари. Демография ва геоэкология фанларини ўқитишда замонавий ёндашув.

6- амалий машғулот: Географияда терминалогия муаммолари.

Географик терминаларни таҳлил қилиш усуллари. Геотопонимика фанининг назарий муаммолари. Этногеография фанининг географик фанлар орасида тутган ўрни.

7- амалий машғулот: Географияда картографик ёндашув ва унинг муаммолари. ГИС технологиялари.

Картография фанининг ривожланишида географик фанларнинг таъсири. Картографи фани ўқитилишининг асосий муаммолари. ГИС технологиялари фойдаланиш йўллари.

8- амалий машғулот: География, геоэкология ва табиатни муҳофаза қилиш. Табиий офатлар географияси. Географик маданият ва глобал муаммолар географияси.

Геоэкология фанининг ривожланишида географик билимларнинг аҳамияти. География фанларида табиатни муҳофаза қилиш, табиий офатлар масалаларининг талқин қилиниши. Глобал муаммолар, уларнинг сўнгги йилларда кескин тус олиши.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари	2.5	1 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Тест топшириқлар		1 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда –янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзунинг мустақамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустақамлаш қисмида амалга оширилади.

“Ақлий ҳужум” методининг қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

Қуйида “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

“Ақлий ҳужум” методининг афзалликлари:

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.

“Ақлий ҳужум” методининг камчиликлари:

- таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бири-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси
“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари

қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:


- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.


“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.



Белгилар:
 1-таълим олувчилар
 2-айлана стол

Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган



“Давра суҳбати” методининг тузилмаси
“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан

иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.
7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.
8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“Давра суҳбати” методининг афзалликлари:

- ўтилган материалнинг яхши эсда қолишига ёрдам беради;

- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис этади;

- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

“Давра суҳбати” методининг камчиликлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;

- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

“Ролли ўйин” методи - таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини сахналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим олувчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

“Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характери, хулқ-атвори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида таълим олувчиларда

мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Қуйида “Ролли ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ролли ўйин” методининг тузилмаси

“Ролли ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.
5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

Ушбу методни қўллаш учун сценарий таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда таълим олувчиларни ҳам сценарий ишлаб чиқишга жалб этиш мумкин. Бу таълим олувчиларнинг мотивациясини ва ижодий изланувчанлигини оширишга ёрдам беради. Сценарий махсус фан бўйича ўтилатган мавзуга мос равишда, ҳаётда юз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак. Таълим олувчилар ушбу ролли ўйин

кўринишидан сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, керакли хулоса чиқаришлари лозим.

“Ролли ўйин” методининг афзаллик томонлари:

- ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивация (қизиқиш)ни шакллантиришга ёрдам беради;
- таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олишни ўргатади;
- таълим олувчиларда берилган вазиятни таҳлил қилиш малакаси шаклланади.

“Ролли ўйин” методининг камчилик томонлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчидан катта тайёргарликни талаб этади;
- таълим олувчиларнинг ўйинга тайёргарлиги турлича бўлиши мумкин;
- барча таълим олувчиларга роллар тақсимланмай қолиши мумкин.

“Баҳс-мунозара” методи - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
 - “ўнг қўл” қويدаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
 - фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
 - билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
 - бир-бирларига ўзаро ҳурмат.
- Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

“Баҳс-мунозара” методининг афзалликлари:


- таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ундайди;
- таълим олувчилар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилишига имконият яратилади;
- таълим олувчиларда тинглаш ва таҳлил қилиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.

“Баҳс-мунозара” методининг камчиликлари:

- таълим берувчидан юксак бошқариш маҳоратини талаб этади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

“Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Муаммони вазият” методининг тузилмаси

“Муаммони вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммони вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммони вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадиладар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

“Муаммоли вазият” методининг афзалликлари:

- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;
- таълим олувчилар муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларни топишни ўрганадилар;
- таълим олувчиларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;
- таълим олувчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.

“Муаммоли вазият” методининг камчиликлари:

- таълим олувчиларда юқори мотивация талаб этилади;
- кўйилган муаммо таълим олувчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;
- кўп вақт талаб этилади.

“Лойиха” методи - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиха ишлаб чиқиш яқка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиха ўқув гуруҳининг

биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллаш олишни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак.

Қуйидаги чизмада “Лойиҳа” методининг босқичлари келтирилган.



“Лойиҳа” методининг босқичлари

“Лойиҳа” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Муҳандис-педагог лойиҳа иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йиғадилар.

2. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик гуруҳлар иш режаларини тақдимот қиладилар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиладилар. Таълим олувчилар муҳандис-педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Муҳандис-педагог таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин.

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гуруҳлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси” да қайд этилади. Таълим олувчи ёки кичик гуруҳлар ҳисобот берадилар. Иш якуни қуйидаги шаклларнинг бирида ҳисобот қилинади: оғзаки ҳисобот; материалларни намойиш қилиш орқали ҳисобот; лойиҳа кўринишидаги ёзма ҳисобот.

6. Муҳандис-педагог ва таълим олувчилар иш жараёнини ва натижаларни биргаликда якуний суҳбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув амалиёти машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослайди. Агарда меъёрий кўрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

Муҳандис-педагог “Лойиҳа” методини қўллаши учун топшириқларни ишлаб чиқиши, лойиҳа ишини дарс режасига киритиши, топшириқни таълим олувчиларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиҳа иши билан таништириши, лойиҳалаш жараёнини кузатиб туриши ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминланиши лозим.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Замоनावий географияда фанларнинг узвий боғлиқлиги, уларни ўрганиш билан боғлиқ масалалар, география таълимидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари.

Режа:

1. Географик фанларнинг ўзаро боғлиқлиги.
2. География таълимидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари.
3. География фанларининг умумий боғланиши ва уларни таснифлаш масалалари.

Таянч иборалар: география фанлар тизими, географик фанларни тавсифлаш, география таълими муаммолари

1.1. Географик фанларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Бизнинг ер тўғрисидаги замонавий билимларимиз бир вақтда вужудга келган эмас, улар аста - секин пайдо бўлганлар ва одамзоднинг саноксиз авлодлари кўп асрлар давомида қилган ишларини натижасидан келиб чиққан. Географиянинг ривожланиши бутун инсониятнинг умумий маданий ривожланиши билан амалга ошган, замонавий география эса ўтган аср тарихи билан чамбарчас боғлиқ.

Номалум жойларга келиб қолган қадимги сайёҳлар ҳақиқатдан доимо кўрганларини тасвирлаб келган эдилар; дарёнларни тоғларни, ўрмонларни, денгизларни одамларни, уларнинг ҳўжалигини, урф-одатларини, дostonларини, табиат ва касаллик билан курашиш усулларини, уларнинг тарихини ва ҳ.к. Бу вақтларда бутун атроф-муҳит инсон учун илмий билиш объекти бўлган. Ўша узоқ даврларда география шундай асос бўлиб хизмат қилган, шундай ҳилма - ҳил малумотлар тўплами бўлганки, шулар асосида кўпдан - кўп фанлар ўз негизини бошлаган: физика, астрономия, иқтисодиёт ва этнография, тиббиёт ва тарих. География тарихи-бутун жаҳон тарихини асосий бобларидан бири бўлиб, география тараққиёти одамзоднинг дунёқаршига катта таъсир кўрсатди.

Ҳақиқатдан, географиянинг кераклигига ҳеч ким шубҳа билан қараган эмас. Одамлар янги ерларни очиб келиб, ер куррасидаги “оқ доғларни” ўчириб келган эдилар. География етказиб берган маълумотлар бошқа фанларни таъминлаб турар эди, инсоннинг амалий фаолияти хилма-хил ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида чуқирлашган билимлар талаб қилар эди. Шундай қилиб, янги илмий йўналишлар пайдо бўлар эди. Ёркин ва драматик даврдаги Буюк географик кашфиётлардан кейин (XV аср охири-ХVII аср ўрталари) янги ерлар тўғрисидаги маълумотлар шакллангач, географиядан ажралиб чиққан илмий мустақил фан соҳалари тез ривожланган.

Баъзи манбааларда география фан сифатида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида физика ва ижтимоий фанлар боғловчиси сифатида шаклланди. Ўша вақтларда география икки қисмга: ернинг табиий хусусиятларини ўрганувчи тизимли география ва ҳудудларга ҳос ҳолатларни таҳлил қилувчи минтақавий географияга ажратилди.¹

География энциклопедик фан бўлган, у мамлакат ва халқлар тўғрисидаги хилма-хил билимлар йиғиндисидан иборат бўлган. Ундан ўзининг аниқ текшириш объектлари мавжуд бўлган тор фанлар ажралиб чиқди. Бу-геоморфология-релеф тўғрисидаги фан, гидрология-сувлар тўғрисидаги фан, И.шунослик-ҳаво массаларини ўрганувчи фан ва ҳ.к.

Ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқадор замонавий табиатшуносликдаги назарий тасаввур географлар учун ўзига ҳос бўлган табиатни текширишда географик қулай йўл бўлиб қолди. Географик қулай йўл нима учун керак, уни устунлиги нимадан иборат? Балки атрофимиздаги табиий муҳитни тушиниш учун физика, биология, геология, химия фанларини билиши етарлидир? Ваҳоланки, бу билимлар зарур бўлиб етарли эмас экан. Табиат ва унинг объектларига комплекс “қўпқиррали” қараш зарур. Бизнинг атрофимизни 4 та ўзаро таъсир қилувчи ва бир–бирига ўтувчи атмосфера, гидросфера, литосфера, биосфера қобиқлари ўраб туради. Ернинг географик қобиғи бу бир бутун, қонуният

¹ N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005. p. 25

орқали ўрганиладиган табиий қисм-табиий географиянинг умумий объекти бўлиб қолди.

1.2. География таълимидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари.

Шундай қилиб, замонавий географиянинг асосий мақсадларидан бири-бу ернинг географик қобилигида бўлаётган жараёнларни текширишдан иборат.

Аммо, биз омиллар рўйхатида инсоннинг ҳўжалик фаолиятини эслатиб ўтмадик. Бу алоҳида омил ва табиий жараённи илмий таҳлил қилиш замонавий географиянинг мустақил вазифасидир.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалдаги босқичи таълим муассасаларини махсус тайёрланган педагогик кадрлар билан таъминлаш, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш, ўқув тарбия жараёнини сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш каби қатор вазифаларни амалга оширишни кўзда тутди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш ҳар бир таълим муассасасининг шу жумладан, педагогика олий ўқув юр்தларининг бевосита вазифаси саналади.

Таълим-тарбия жараёнида педагогик технологияларни муваффақиятли қўллаш учун География ўқитувчилари махсус методик билим ва кўникмаларни эгаллашлари, педагогик амалиётда зарур бўладиган методик тайёргарликка эга бўлишлари лозим.

Педагогик технология атамасига шу муаммо бўйича изланган ҳар бир олим ўз нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таъриф берган. Ҳали бу тушунчага тўлиқ ва ягона таъриф қабул қилинмаган. Ушбу таърифларнинг ичида энг мақсадга мувофиқи ЮНЕСКО томонидан берилган таъриф саналади.

Педагогик технология-ўқитиш шакллари оптималлаштириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида инсон салоҳияти

ва техник ресурсларни қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир.

Бу ерда инсон салоҳияти дейилганда ўқитувчининг педагогик ва ўқувчиларнинг билиш фаолияти, техник ресурслар деганда ўқитиш методлари ва воситалари назарда тутилмоқда.

Географияни ўқитишда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларни гуруҳлаштиришда дастлаб қуйидагиларга асосий эътиборимизни қаратишимиз лозим:

1. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари.

2. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг турлари.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва ўқитиш самарадорлигини ошириш масаласи Географияни ўқитиш методикаси фанининг асосий муаммоларидан бири саналади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш деганда, ўқувчиларда юқори даражадаги мотив, билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга бўлган онгли эҳтиёж, натижанинг юқорилиги ва ижтимоий нормаларга мос ҳулқнинг пайдо бўлиши тушунилади.

Мазкур типдаги фаоллик ҳар доим ҳам вужудга келавермайди, фақат ўқитувчининг мақсадга мувофиқ педагогик таъсир кўрсатиши ва қулай педагогик-психологик муҳитни ташкил этиш маҳорати туфайлигина вужудга келади.

Географияни ўқитишда мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш ва қулай ижтимоий-психологик муҳитни вужудга келтириши ўқитувчи томонидан қўлланилган педагогик технологияларга боғлиқ бўлади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг ўзига хос

хусусиятларга эга бўлиши билан биргаликда, таълим жараёнида таълим берувчи, ривожлантирувчи, тарбияловчи, ижодий фаолиятга йўлловчи, коммуникатив, мантиқий фикрлаш, ақлий фаолият усуллари шакллантириш, ўз фаолиятини таҳлил қилиш, касбга йўллаш, мўлжални тўғри олишга ўргатиш, ҳамкорликни вужудга келтириш каби функцияларни бажаради.

Бироқ, педагогик технологияларнинг функцияларини таққослаганда бу функциялар бир хил даражада ўрин эгалламаслиги маълум бўлди.

География ўқитувчиси дарсда ўрганиладиган мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари ва педагогик технологияларнинг дидактик функцияларини ҳисобга олган ҳолда қайси технологиядан фойдаланишини илмий-методик асосда танлагандагина кўзланган мақсадга ва самарадорликка эришади.

Таълим-тарбия жараёнига қўйилган буюртмаларни бажариш учун аввало таълим жараёнини дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштириш, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш, таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашувни талаб этади.

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш технологияси ўзида фалсафа, психология ва педагогиканинг инсонпарварлик ғояларини мужассамлаштиради. Ушбу технология диққат марказида ўз имкониятларини максимал даражада амалиётга қўллайдиган, ижодий ва ижтимоий фаол, турли ҳаётий вазиятларни англаб таҳлил қиладиган, мўлжални онгли равишда мустақил, тўғри оладиган шахсни шакллантириш ғояси туради.

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш технологияси орқали педагогик жараёнда ҳамкорлик, ғамхўрликнинг вужудга келиши, ўқувчилар шахсини ҳурмат қилиш ва эъозлаш орқали шахснинг таҳсил олиши, ижод қилиш ва ўз-ўзини ривожлантиришига қулай ижтимоий ва психологик муҳит яратилади. Мазкур жараёнда ўқувчи ўз ўқув фаолиятининг субъекти саналади ва ўқитувчи билан

ягона таълим жараёнининг иккита субъекти ҳамкорликда ўқув-тарбиявий вазибаларни ҳал этади.

Педагогнинг ўқувчи шахсига бўлган инсонпарварлаштирилган муносабати болаларни севиш, уларнинг тақдири учун қайғуриши, болаларга бўлган ишончнинг юқорилиги, ўзаро ҳамкорликнинг вужудга келиши, мулоқот маданиятининг юқори даражада бўлиши, ўқувчиларни тўғридан-тўғри мажбурлашдан воз кечиш ва аксинча ижобий рағбатлантиришнинг устунлиги туфайли таълим жараёнидан кўзланган мақсадга эришиш, болалар фаолиятида учрайдиган камчиликларга чидамли бўлиш, уларни бартараф этишнинг энг самарали йўлларини қўллашда намоён бўлади.

Таълим-тарбия жараёнини демократизациялаш ўқитувчи ўқувчиларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тенглаштириш, ўқувчиларга танлаш ҳуқуқининг берилиши, ўз фикри ва нуқтаи назарини эркин баён этиш, улар бу борада хатога йўл қўйиши мумкинлиги, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва болалар ҳуқуқлари Конвенциясига амал қилинишини тақозо этади.

Демократизациялаш таълим тизимидаги формализм, бюрократизмни йўқотиб педагогик ҳамкорликни юзага келтиради.

Ҳамкорлик-ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш, уларни маънавий, ахлоқий, интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш, бу жараёни бир-бирига уйғунлаштириш, фаолиятнинг натижаси ва боришини ҳамжиҳатликда таҳлил қилиш имконини беради.

Демократлаштирилган жараёни инсонпарварлаштириш ўқув-тарбиявий жараёнининг мақсадини амалга ошириш, таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, ўқув меҳнатининг характери ва мазмунини ўзгартиради ва шахснинг уйғунликда ривожланишига қулай психологик муҳит яратади.

Шу билан бирга география инсонларда миллий рух ва ватанпарварлик хиссини юксалтиришда ҳам аҳамиятлидир. Мазкур ҳолатга география

таълими ривожланишининг илк даврларида эътибор қаратилган. Яъни географик билимлар давлатлар фуқаролари учун ўзлигини англашда катта аҳамият касб этилиши ҳақида таъкидланиб, улар бошқа минтақалар ва давлатлар билан таққослаш асосида ўз юртларига хос хусусиятларни аниқлашлари таъкидланди.²

Табиат орқали туғилган одам табиат атрофига фақат меҳнати ва гидроки ёрдамида актив мослашиб боради, у ўз фаолиятида табиатга таъсир кўрсатиб уни ўзгартира бошлайди. Табиат устидан қўлга киритилган ғалабаларга хурсанд бўлиш керак эмас. Ҳар бир қўлга киритилган ғалаба учун табиат ўз қасдини олади.

Бугунги кунда жамиятни табиатга кўрсатаётган таъсири глобал масштабда олиб бориляпти. Ер шарида аҳоли сони жуда тез ўсаяпти-6 млрд.дан ортиқ. Натижада, табиатдан тўлароқ фойдаланиш ва ҳом ашёни казиб чиқариш ўсаяпти. Табиатни ўзгаришида инсоннинг ҳўжалик фаолияти ҳал қилувчи сабаб бўлиб қолмоқда. Цивилизация ривожланган сари инсон фаолияти натижасида табиат чекина бошлади, кўпинча ғалабалар ҳонавайрон бўлган ерларни,-кесиб олинган ўрмонларни, ҳайвонлари ва қушлари йўқ бўлиб кетган ўрмонларни қолдирди.

Бу глобал муаммони ечишда географлар бевосита иштирок этмоқдалар. Табиатга нисбатан ўйламасдан қилинган муносабат жамият учун ҳавfli бўлиб қолди. Табиатни ҳонавайрон бўлиши ёки экологик кризис-бу жамиятнинг кризиси, бу ҳаттоки цивилизацияни нобуд бўлишига олиб келиши ҳеч гап эмас.

1.3.География фанларининг умумий боғланиши ва уларни таснифлаш масалалари.

Шундай қилиб, география табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири муаммосида ижтимоий фан сифатида қатнашган. Ижтимоий-иқтисодий

² N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography:Fundamental Debates. USA 2005. p. 35

география нима билан шуғулланади? Ижтимоий-иқтисодий география ижтимоий фан бўлиб, у аҳоли ва хўжаликни, бутун дунёда, айрим худудларда, мамлакатларда ривожланиш ва жойлашиш қонуниятларининг татқиқ этади. Бу фан халқаро муносабатларга жамият билан табиатнинг ўзаро алоқаларига, бутун жаҳон муаммоларига оид масалаларига ҳам тўхталиб, жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичини яхшироқ тушинишга ёрдам беради.

Табиат ва жамият ўртасидаги муносабат мураккаб муаммо бўлиб, унинг вазифаларини чуқур ўрганиш фақат бир фан орқали эмас, балки бир неча йўналишларни бирлаштирган ҳолда табиатдан оқилона фойдаланишда кэнгроқ ва қулай йўللарни кидириш зарур. Табиий география ернинг географик қобиғини бир бутун моддий усулда ўрганди, унинг таркибидаги умумий қонуниятларни, тузилишини ва келиб чиқишини географик жараёнлар энергетикасини, уларни бир-бири билан алоқаларни, материк ва океанлар табиатидаги асосий ўхшашликлар ва фарқ қилувчи омилларни ўрганади. Географиядан ажралиб чиққан тор фанлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Ландшафтшунослик-геокомплекс усулларни ўрганади (геокомплекс-ернинг географик қобиғининг табиий бўлинмалари). Юқори поғонали комплекс бир бутун географик қобиқ, уни ҳар замонда ландшафт қобиғи билан тэнглаштиради. Тупроқшунослик-ернинг махсус моддий жинси тўғрисидаги фан. Тупроқ-бу тирик модда ва литосферани ўзаро таъсирдан келиб чиққан натижа, ҳилма-ҳил ва релеф шароитларида шаклланади.

Геоморфология-устки географик қобиғдаги бошқа компонентлар билан ўзаро таъсирини ўрганадиган фан. Бу ўзаро таъсир натижасида ер усти релефининг ҳилма-ҳил шакллари, уларнинг келиб чиқиши ва ривожланишини ўрганади.

Гляциология-музликшунослик (геокриптология)-бу фан ер устидаги (музлик, денгиз музликлари, қорликлар, қор кўчкилари ва бошқалар) ва

литосферадаги (доимий музлик, ер остидаги музликлар) музлар пайдо бўлиш шароитларини ривожланиши ва шакллари ўрганади.

Океанология-дунё океани тўғрисидаги фан.

Иқлимшунослик-ҳаво массаларини шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари тўғрисидаги фан.

Биогеография-умумлаштирувчи фан. Организмлар ва уларнинг туркумлари географик жойлашиш қонуниятларини аниқлайди.

Мамлакатшунослик-умумлаштирувчи географик йўналиш, табиий-ижтимоий комплексни махсус даражаси-давлатнинг бир бутун табиий-ижтимоий сифати ўрганилади.

Тарихий география-табиий-ижтимоий усулларни очилиши, вужудга келиши ва тарихий ривожланишини ўрганади.

Хулоса: замонавий география билимларнинг ўзаро боғланган бир бутун усулидир.

География фан сифатида жонли ва қизиқарли бўлиши учун уни химоя қилиш ва унга хизмат қилиш керак(Адам Тискелл, РСС бюллетень, декабрь 2002).

Кўпчилик одамлар учун география глобал муаммолардан бошлаб то табиатдаги энг масалаларни ҳам ўрганувчи фандир. У табиий, экологик, ижтимоий ва айрим гуманитар фанларни ҳам ўз ичига қамраб олади. География термини ҳам турлича маъноларда акс эттирилган. Лекин яқиндан қаралганда кўплаб масалалар бир-бирига боғлиқлиги, айрим ҳолатларда эса умуман зидлиги кўринади. Географилар томонидан ёритилган масалалар турли муаммоларни бир-бирига боғлаб кўрсатилади. Шундай қилиб ягона ,ва аниқ география борми ёки у бир қатор узвий боғланган масалалардан иборатми? Мутахассислар таъкидлаганидек географиянинг ягона объекти йўқ бўлиб, у билиниб кетган кичик фанлар тизимими?

Ушбу саволларга мазкур бобда географиянинг рангбаранглиги ва унинг амалий аҳамиятига эътибор қаратилади.

Менинг унчалик катта бўлмаган академик амалиетимда (40 йил) география маълум бир йўналишга эга бўлиб ривожланиб келди. Шу билан бирга унинг асосий мазмуни йўқолиб борди. Буни кузатиб бориш натижасида география фан сифатида давом этишга ҳақлими, еки у фақат университетларда ўқиладиган фан сифатида қоладими деган савол пайдо бўлди.

География университетларда жуда муҳим бўлган фанлардан ҳисобланади ва жамиятда ҳам ўрни мавжуд.

География энг асосий фанлардан бири бўлиб, узига хос яхлитликка, сиёсатига ва интеллектал даражасига эга академик фандир.

Твас Эвер. География қатор субсоҳалар сериясидан иборат мажмуами?

География ҳар доим ҳам тарқоқ ва бўлинган фан бўлганми? Была география всегда была раздроблена и некогерентного? Географияни бошланишида географияга аниқ асос ва когерентликни киритишга ҳаракат қилишган. Лекин бунда географик ҳақиқат эмас балки риторика кўпроқ. География фан сифатида ўн тўққизинчи асрнинг охири йигирманчи асрнинг бошларида табиий фанлар тизимидан ижтимоий фанлар қаторига, яхни табиат ва жамият асосларини ўрганишга қаратилди. Зарурат бўйича географиянинг у еки бу тармоғи университет талабалари учун ўқитила бошланди. Масалан, геологлар учун бошқа, иқтисобчилар учун эса бошқача кўринишда. Лекин Европада эса асосан мактаб географияси учун ривожланиш қаратилди.

География фан сифатида одамлар ва уларнинг миллий, регионал хусусиятларини ўрганишга, инсонларни бир-бири билан яқинлашишига хизмат қилувчи фанлар қаторида ўрганилди. Бошқа ҳудудларни билиш эса бир қатор инсонларга бошқалардан юқори эканлиги хизмат қилди. Бу борада айниқса Ғарбнинг бошқа ҳудудлардан устунлигини исботлашга қаратилди. (Джонстон ва Славал, 1984, Данбар, 2001).

Университетларда эса география Ер ҳақидаги фанлар, табиат ва унинг конунларини ўрганувчи фан сифатида шаклланди. Интегротив фан сифатида у ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш масалаларини ҳам ўрганувчи фан сифатида кўрилди. Бунинг асосий концепцияси Ер регионлар ва уларнинг ранг-баранглиги, турли жараенлар ва инсонларнинг яшаш шароитлари. Уларни қиёслаш географиянинг асосий предмети сифатида олинди. Бундан маълумотларни эса география бошқа фанларга таяниган холда кўриб чиқади. Шундан кейин географияга бўлган талаб янада ортиб борди.

ГЕОГРАФИЯ бўлиниб кетиш арафасидами?

Географиянинг предмети ва объектининг ноаниқлиги бунга сабаб бўлмоқда. География икки асосий қисмга: Ер табиатининг турли регионларини хусусиятларини (иқлим, табиий ресурслар) ва регионлар географиясига бўлиниб кетди. Бунинг натижасида у турли тизимларга бўлинишга мажбур бўлди. Хар бир географ ўзининг регионини билиш асосий мақсадга айланди. Бундай холат айниқса америка географияси учун хос. 50 йилларнинг ўрталарида Престон Джеймс ва Кларенс Джонс фаннинг умумий холати бўйича йирик маълумотнома тайёрлашди (Джеймс ва Джонс, 1954).

География концепциясида алоҳида ўринда картография бўлиб, у барча географик йўналишларни бирлаштириб туради. Тахминан 40 йилча америка географиясида алоҳида фан сифатида табиий ва аҳоли географияси мавжуд эди (Гале ва Уилмотт, 1989). Бу ўринда муаллифлар синоптик география фани қандай фан эканлигини сўрашди. Шундан кейин яна географиянинг аниқ тизими йўқ эканлигир маълум бўлди. Яни унда алоҳида ягона интегротив фан аниқланмади. Ранг-барагнлик ва дивергенция фанда бир қатор ўн йилликларда хукм сурди. Шунга қарамасдан табиат, аҳоли, замон ва макон тушунчаларни географияда бирлаштириш уринишлари ҳам тўхтагани йўқ. География фанини кўплаб олимлар ижтимоий фанлар тизимга киритдилар. Шу билан бирга табиий географлар экология билан бирлашишга ҳаракат қилдилар ва ягона географда бўлинишлар содир бўлди. Бу эса

умумий ва негонал географиядаги концепциялардаги бузилишларга сабаб бўлди. Бу борада айниқса регион тушунчасига катта зарбалар берилди.

Академик фанлар ва уюшмалар

Бугунги кунда география жуда кенг спектрта эга бўлган, макон ва замон, табиат ва атроф мухит концепцияларини бирлаштирувчи фандир. Фаннинг кучи унинг яхлитлиги ва бошқа фалар билан алоқаларидадир.

Географ Хизер Вилес иккинчи бобда табиий ва аҳоли географияси орасидаги ёриқ охирга пайтларда янада кенгайди ва бунинг сабаби табиий географларнинг бошқа фанлар билан интеграциясига боғлиқ дейди. Бу борада математика моделлаштириш, экология, биохимия ва бошқа фанларни кўрсатади. Бу ўринда аҳоли географияси эса ижтимоий фанлардан эпистемология, онтология ва методология каби фанлар билан яқинлашди. Бу ўринда катта лойиҳалар ҳам қилинди. Шу билан география икки катта гуруҳ фанлар тизимига айланди. Университетда ўқиладиган географик фанлар ва уларнинг бўлимлари алоҳида ҳаркат қилувчи холдинг компанияларга ўхшайдилар.

Ушбу фанларнинг назарий ва амалий қисмлари ўрнатилган парадигмалар ва чизмалар, келишилган янгиликлар билан шаклантирилган. Ушбу парадигмалар талабаларнинг ишларида, диплом химояларида ва илмий изланишларива муаммоларда намоён бўлади. Агарда бу ҳолат илмий давом эттирилганда шахсий натижалар ва чоп этилган нашрларда, илмий хулоса ва карталарда ўз аксини топади

Олимлар ва уларнинг изланишлари аниқ иерархияга эга. Университетларда улар география бўлимлари ва улардаги ўқишда географик даража олишда аниқланади. Бундай йирик жамоада географиянинг ривожланиши у ҳоҳ табиий ёки аҳоли географиясига тегишли бўлсин, аниқ кичик йўналишга қаратилади, масалан иқтисодий география ёки геогморфология фанига. Бу эса кўпроқ изланувчилар танлови билан боғлиқ бўлади.

Ҳар бир бўлим ривожланишида географиядаги у ёки бу муаммолар ечимига қаратилган масалалар кўриб чиқилади, шу билан бирга жамоанинг қолган аъзолари ушбу масалар ечимидан манфаатдар бўлиб, ўзаро фойдали ҳамкорлик қиладилар.

Бундай жамоларни Клиффорд Гирц (1983) кичик қишлоқларга таққослайди. Улардаги ривожланиш ўз масаласи билан боғланган ҳолда изланишлар чегараси кенгроқ бўлиши ҳам мумки, академик фанлар доирасидан ташқарида, бошқа фанлар билан боғланиши ҳам мумкин. Бу ҳолатда гуруҳлар бошқа гуруҳлар ва жамослар билан ҳамкорлик қилиши ва натижалардан фойдаланишлари мумкин. Макон ва замондаги изланишларда географлар сиёсатчилар, социологлар, статистлар ва бошқа фан олимлари билан ҳамкорлик қилиши кузатилади.

Кўплаб географлар изланишларда ўз мутахассиликларидан кенгрок даражада ишлар олиб борадилар (конференциялар, илмий семинарлар) ва бу уларнинг кенг миқдордаги илмий адабиётлар билан танишишга олиб келади. Айрим олимлар бир неча жамоларда ҳамкорлик қиладилар, айримлари ўз тадқиқотлар йўналишларини ўзгартириб бошқа жамоларга ўтадилар, бу эса уларнинг қизиқишлари билан боғлиқ бўлади. Шу билан умумий жамоларда ривожланиш ва фойдали алмашувларга сабаб бўлади.

Умуман олганда барча илмий жамоалар шундай ташкил топган, география бу ўринда истисно эмас. Фақат география ўзунинг илмий диапазонининг кенглиги билан бошқа фанлардан фарқ қилади. Унинг ичида жуда кўплаб турли қисмлар ва бўлимлар мавжуд. Буни биз табиий ёки аҳоли географияси, жамият ва табиат орасидаги муаммолар ўрганилишида кўришимиз мумкин. Бу эса асосан макон ва замон билан боғлиқ бўлган географиянинг кенг объекти билан боғлиқ турли фанларда намоён бўлади.

Географиянинг потенциал диапазони кейинги йилларда янада кенгайиб бормоқда, шу билан бирга фанни заифлашиб қолиб географиядан узоқлашмоқда. Кўплаб географик тадқиқотлар география доирасидан ўтиб,

лойихалар марказида бошқа фанлар талабалр жалб қилинишига қарамасдан, улар география кафедраларида олиб борилмоқда.³

Назорат саволлари:

1. Фан нима?
2. Фанлар тизими қандай қисмларга ажратилади?
3. Фан нима учун тизимга ажратилипти?
4. География фанлар тизими қандай қисмларга ажратилади?
5. Нима учун фанлар тизими шартли равишда қисмларга ажратилади?
6. Табиий география фанлар тизимига қайси фанлар киритилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005.
2. Баратов П. Умумий табиий география. -Т.: 2010.
3. Зокиров Ш.С, Тошев Х. Ландшафтшунослик. -Т.: 2013.

³ N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005. P. 9-14.

2-Мавзу: Географик қобик ва унинг замонавий талқини. География ва антропоген ландшафтшунослик.

Режа:

1. Географик қобик ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. География фанининг назарий муаммолари.
3. Антропоген ландшафтшуносликни ўқитиш масалалари

Таянч иборалар: географик қобик, атмосфера, гидросфера, биосфера, литосфера, географик қобик чегаралари

2.1. Географик қобик ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Географик қобик ҳақидаги таълимот XX асрда А.А. Григорьев томонидан ишлаб чиқилди.

Географик қобик деб, атмосферанинг қуйи қисми, литосферанинг юқори қисми, гидросфера ва биосферанинг бир-бирига ўзаро таъсири этиб, ўзаро бир-бирига киришиб ва тутшиб туридиган Ернинг қисмига айтилади.

Географик қобикқа гидросфера ва биосфера тўлиқ киради, у атмосферада озон қатламигача бўлган жойларни, литосферада эса гипергенез зонасини ўз ичига олади (грекча *hiper*-тепада, *genesis*-келиб чиқиш Ер юзасига яқин жойлашган литосферанинг бир қисми). Географик қобик унча қалин эмас, унинг энг катта қалинлиги 40 км. атрофида (Ер юзидан юқorigа ва пастга 15-20 км.га чўзилган).

Географиик қобикда жуда кўп ва хилма-хил воқеа ва жараёнлар содир бўлиб туради, уларнинг асосий сабаби, ушбу қобикда Ернинг ички ва коинот омилларининг биргаликда, айна бир пайтда, ҳамда жуда қарама-қарши таъсири остида вужудга келади ва ривожланади.

Ер қобиғида мазкур икки гуруҳ кучлари Ер юзида тўқнашиб ва Ер юзасининг ўзига хос шароитлари ва хусусиятлари билан қўшилиб, унда сайёрамизнинг бошқа ҳеч қандай қисмида бутунлай ўхшамайдиган ўзига хос табиий тизимни вужудга келтирган.

Фақат табиий ва табиий-антропоген тизим бўлган географик қобик доирасидагина ҳаёт мавжуд, ҳайвонлар ва ўсимликлар яшайди, тупроқ

қоплами ҳосил бўлади, тоғ жинслари ва турли рельеф шакллари вужудга келади.

Қуёшдан келган иссиқлик шу ерда тўпланади ва мазкур қобикдагина сув уч ҳолатда: буғ, суюқ ва қаттиқ ҳолатда бўлади ва ниҳоят кишилик жамияти фақат шу қобикда пайдо бўлиб яшамоқда ва ривожланмоқда.

Географик қобик тушунчасидан ташқари ландшафт қобиғи (Ю.К.Ефремов) ва эпигеосфера (А.Г.Исаченко) тушунчалари ҳам ишлатилади. Аммо ҳозирги пайтда географик қобик тушунчаси кенг тарқалган.

2.2. География фанининг назарий муаммолари.

Географик қобик тушунчасининг кенг тарқалганлигига қарамасдан, ҳозирги пайтда олимлар орасида мазкур тушунчани алмаштришга ҳаракат қилаётганлари ҳам учраб турибди.

А.А.Григорьев ва катор олимлар географик қобик ва георафик муҳит камрови битта, улар битта тушунчадир деган ғояни олға суришади. Уларнинг фикрича мазкур икки тушунча бир-бирини тўлдиради ва бир хил табиий ҳодисани турли томондан тавсифлайди. Аммо XIX асрнинг 70-йилларида францўз олими Элиза Реклю томонидан тавсия этилган географик муҳит тушунчаси табиий категория эмас, кўпроқ ижтимоий-тарихий категориядир. Географик муҳитнинг чегараси жамиятининг ривожланиши билан кэнгайиб боради. Ҳозирги пайтда эса инсон фаолияти географик қобик чегарасидан чиқиб кетди. Демак, географик муҳит кэнгайиб унинг чегараси географик қобик чегараси билан мувофиқ бўлиб қолмоқда. Ю.К.Ефремов географик қобикни ландшафт қобиғи деб аташ лозим деган фикрни билдиради. Аммо ландшафтлар географик қобикда жуда юпқа қатламни ташкил қилади. Шунинг учун ландшафт қобиғи тушунчасини географик қобик тушунчасига қарама-қарши қўйиш нотўғри ҳисобланади, чунки ландшафтлар географик қобикнинг бир қисмдир. Шунинг учун ландшафт қобиғи тушунчасини алоҳида ва ўз ўрнида қўлланган маъкул.

А.Г. Исаченко географик қобик бу Ернинг ташқи, тепадаги қобиғи бўлгани учун уни эпигеосфера (грекча *huper-юқори*) деб аташни тавсия этади. Аммо юқорида айтганимиздек, Ер қобиклари уларнинг жойланишига қарабгина эмас, балки моддаларнинг хоссаларига ҳам қараб ажратилиши ҳамда Ернинг ташқи қобиғини географик қобик эмас атмосфера ва магнитосфера ташкил этишини ҳисобга олсак эпигеосфера атамаси географик қобик тушунчасига мос келмаслиги маълум бўлади.

И.Б.Забелин эса географик қобикда ҳаётнинг вужудга келиши ва ривожланиши содир бўлганлиги учун географик қобик тушунчасини биогеносфера тушунчаси билан алмаштиришни тавсия қилган. «Биогеносфера» тушунчаси фанда кэнг тарқалган «Биосфера» тушунчасига жуда яқин. Агар мазкур тушунча қабул қилинадиган бўлса, «Биосфера» тушунчаси мураккаблашиб ва чалкашиб кетади. Бундан ташқари географик қобик тушунчасини алмаштиришга ҳожат ҳам, асос ҳам йўқ.

Географик қобикнинг юқориги ва пастки чегаралари ҳақида олимлар орасида турлича фикрлар мавжуд. А.А.Григорьев географик қобикнинг юқори чегарасини 20-25 км. юқорида жойлашган озон қатлаидан ўтказди. Озон қатлами Қуёшдан келаётган зарарли нурларни ушлаб қолади, ундан пастда атмосферани қуруқлик ва океанлар билан ўзаро таъсирида ҳаво ҳаракатлари кузатилади. Озон қатлаидан юқорида эса бундай ҳаракатлар кўзатилмайди. А.А.Григорьев фикрича географик қобикнинг қуйи чегараси Мохорович чизиғидан сал пастроқдан ўтади. Ёпишқоқлиги юқори бўлган Ер пўсти остидаги қатлам билан Ер пўстини ўзаро таъсири Ер юзаси рельефини шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Қуруқликда географик қобикнинг қуйи чегараси 30-40 км (Ер юзасидан) чуқурликдан ўтади, океанлар тубида эса 5-8 км чуқурликдан ўтади.

С.В. Калесник географик қобикни жуда тор маънода тушунади. У географик қобикни юқори чегарасини 20-25 км. баландликдан қуйи чегарасини эса қалинлиги 500-800 м. бўлган гепергенез зонасининг қуйи қисмидан ўтказган. Мазкур зонада чуқурдаги минерал моддалар ташқи

экзоген кучлар таъсирида ўзгаради. А.Г.Исаченко географик қобикқа тропосферани, гидросферани ва литосферанинг 5-6 км. чуқурликкача бўлган юқори қисмини киритади (мазкур чуқурликда чўкинди жинслар ўз хусусиятларини сақлаб қолдади). И.М Забелин ҳам географик қобикни худи шундай чегарада ажратишни маъқуллайди, аммо географик қобикнинг қуйи чегарасини ҳаёт ва сув тарқалган чуқурликдан ўтказишини таклиф қилади.

2.3. Антропоген ландшафтшуносликни ўқитиш масалалари.

Д.Л.Арманд бўйича географик қобикнинг юқори чегараси тропопаўзагача, қуйи чегараси эса Ер пўстининг остигача чўзилган. Ф.Н.Мильков ҳам ушбу фикрига қўшилади ва мазкур фикрини қуйидагича исботлайди:

- Ер И.ини ҳосил қиладиган тропосферадаги ҳаво массаларининг хоссалари Ер юзасини таъсирида шаклланади;

- Ер пўсти ландшафтларнинг литоген асосини ташкил қилади.

Мана шу чегарада географик қобикнинг қалинлиги куруқликда 80 км. гача, ўрта океан сув ости тоғларида эса 20-25 км. ни ташкил қилади.

Ҳозирги пайтда географик қобикнинг чегараларини аниқлашда В.Н Солнцевнинг фикри кэнгроқ тарқалмоқда. Унинг фикрича географик қобикда моддалар мураккаб иерархик тузилишига эга: майда атомлардан тортиб йирик жисмларгача мавжуд. Моддалар географик қобикда уч ҳолатда бўлади (қаттиқ, суюқ, газ) ёки тирик модда ҳолида бўлади. Географик қобикдан ташқарида эса моддалар субатом ҳолида (80 км. баландликда атмосферадаги ионлашган газлар; мантияда моддаларни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш, бу ўтиш атомлар зичлигини оритиши билан кузатилади) бўлади.

Географик қобик мураккаб тизим бўлиб, жуда узоқ вақт давомида шаклланиб ҳозирги ҳолатини олган. Унинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Географик қобик моддий таркибининг ва тузилишининг ўзига ҳосилиги ва ҳилма-ҳиллиги. Географик қобикда моддалар уч агрегат ҳолатда учрайди (қаттиқ, суюқ, газ). Уларнинг физик хоссалари (зичлик, иссиқлик

ўтказувчанлиги, иссиқлик сиғими, ёпишқоқлик, дарзланганлик даражаси, Қуёш нурларини қайтариш хоссаси ва х.к) жуда катта ораликларда ўзгаради. Моддаларнинг химик хоссалари турлича. Бундан ташқари географик қобикда моддалар тузилишига кўра ноорганик, органик ва аралаш турларга бўлинади. Моддаларнинг ҳар бир ажратилган тури ўз навбатида яна юзлаб ва минглаб хилларга бўлиниб кетади. Тирик организмларнинг турлари эса 1,5 млн. дан 2 млн. гача етади.

2. Географик қобикқа келаётган иссиқликнинг ва унинг ўзгаришининг ниҳоятда хилма-хиллиги. Географик қобикқа иссиқлик коинотдан ва Ернинг ички қисмидан келади. Улар ниҳоятда хилма-хилдир. Уларнинг ўзгариши ҳам турлича. Иссиқлик ўзгаришининг турлари ичида уни органик модда сифатида тўпланиши катта аҳамиятга эга. Қуёшдан келаётган иссиқлик ёғоч, кўмир, нефть, торф, ёнувчи сланец каби органик моддаларга айланади. Улар ёқилганда Қуёш иссиқлиги яна қайтиб чиқади.

3. Ернинг шарсимонли Ер юзасида иссиқликни нотекис тақсимланишига сабаб бўлади, бу эса географик қобикда мувозанатсизликни келтириб чиқаради. Мазкур мувозанатсизликни келиб чиқишига Ер юзасида куруқлик ва сувликни, музликлар, қор қопламини, рельефни, мураккаб тақсимланиши ҳам келтириб чиқаради. Географик қобикдаги мувозанатсизлик турли хил ҳаракатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай ҳаракатларга иссиқлик оқими, ҳаво ҳаракатлари, сув оқимлари, тупроқ эритмалари, химик элементлар миграцияси, химиявий реакциялар ва х.к киради. Модда ва иссиқликнинг ҳаракати географик қобикнинг ҳамма қисмларини бир-бири билан боғлайди ва уни бир бутунлиги ва яхлитлигини таъминлайди.

4. Географик қобикнинг моддий тизим сифатида ривожланиши давомида унинг тузилиши мураккаблаша борган, ундаги моддаларнинг турлари ва иссиқлик градиентлар орта борган. Географик қобик ривожланишининг маълум бир босқисчида унда ҳаёт вужудга келган. Ҳаёт бу моддий жисм ҳаракатининг энг юқори шаклидир. Ҳаётнинг вужудга

келиши-бу географик қобик ривожланишининг қонуний натижасидир. Тирик мавжудодларнинг фаолияти эса Ер юзаси табиатини сифат жиҳатдан ўзгаришига олиб келди.

5. Географик қобикнинг шаклланиши ва ривожланишида фаъзовий омилларнинг аҳамияти ҳам ўлқандир. Фаъзовий омилларга қуйидагилар киради: Ернинг оғирлиги, Ердан Қуёшгача бўлган масофа, Ернинг ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланиш тезлиги, магнитосферанинг мавжудлиги. Магнитосферанинг мавжудлиги Ер учун қулай термодинамик шароитни келтириб чиқаради. Фақат Ердагина жуда мураккаб моддий тизмининг вужудга келиши учун қулай шароит вужудга келган.

6. Географик қобик мустақил ривожланиш қобилиятига эга. Атмосферанинг, океаннинг, музликларнинг таркиби ва оғирлиги, Ер юзасида қуруқлик ва сувликнинг тақсимланиши, турли хил рельеф шакллариининг жойланиши ва қиёфаси жуда катта аҳамиятга эга. Чунки улар мустақил ўлчамларга эга. Ер юзаси қандай табиий офатлар натижасида табиат ўзгармасин маълум вақт ўтиши билан аста-секин қайта тикланади. Масалан, тўртламчи даврдаги муз босиш даврларида Шимолий Америка ва Евросиёнинг шимолий худудларида табиат комплекслари тамоман нобуд бўлган. Аммо муз қайтгандан кейин мазкур жойлардаги ўрмон, ўрмонтундра ва тундра ландшафтлари қайтадан тикланган.

Географик қобикдаги замон ва макон ичидаги ўзгаришлари натижасида ўзига хос ҳолат юзага келган. Ер шари ҳаракати шимолий худудларда ғарбга қараб қиялашувни келтириб чиқаради⁴.

Географик қобик ривожланишининг энг юқори босқичида табиий худудий ва табиий аквал мажмуалар вужудга келган.

⁴ N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005. P. 140

Географик қобикнинг чегаралари



Қуйи чегараси 30-40 км (Ер юзасидан) чуқурликдан ўтади, Океанлар тубида эса 5-8 км чуқурликдан ўтади.

«Географик қобик»
тушунчасига турли
олимларнинг қарашлари

1. **А.А. Григорьев** ва қатор олимлар географик қобик ва географик муҳит қамрови битта, улар битта тушунчадир деган ғояни олға суришади. Уларнинг фикрича мазкур икки тушунча бир-бирини тўлдиради ва бир хил табиий ҳодисани турли томондан тавсифлайди.

2. **Элиза Реклю** тавсия этади. Аммо француз олимнинг XIX асрнинг 70-йилларида географик муҳит тушунчаси табиий категория эмас, кўпроқ ижтимоий-тарихий категориядир. Географик муҳитнинг чегараси жамиятининг ривожланиши билан кенгайиб боради. Ҳозирда географик муҳит кенгайиб унинг чегараси географик қобик чегараси билан мувофиқ бўлиб қолмоқда.

3. **Ю.К. Эфремов** географик қобикни ландшафт қобиғи деб аташ лозим деган фикрни билдиради. Аммо ландшафтлар географик қобикда жуда юққа қатламни ташкил қилади. Шунинг учун ландшафт қобиғи тушунчасини географик қобик тушунчасига қарама-қарши қўйиш нотўғридир, чунки ландшафтлар географик қобикнинг бир қисмдир.

4. **А.Г. Исаченко** географик қобик бу Ернинг ташқи, тепадаги қобиғи бўлгани учун уни эпигеосфера (грекча хайпер-юқори) деб аташни тавсия этади. Аммо юқорида айтганимиздек, Ер қобиклари уларнинг жойланишига қарабгина эмас, балки моддаларнинг хоссаларига ҳам қараб ажратилиши ҳамда Ернинг ташқи қобиғини географик қобик эмас атмосфера ва магнитосфера ташкил этишини ҳисобга олсак эпигеосфера атамаси географик қобик тушунчасига мос келмаслиги маълум бўлади.

5. **И.Б. Забелин** эса географик қобикда ҳаётнинг вужудга келиши ва ривожланиши содир бўлганлиги учун географик қобик тушунчасини биогеносфера тушунчаси билан алмаштиришни тавсия қилган. «Биогеносфера» тушунчаси фанда кенг тарқалган «Биосфера» тушунчасига жуда яқин. Агар мазкур тушунча қабул қилинадиган бўлса, «Биосфера» тушунчаси мураккаблашиб ва чалкашиб кетади. Бундан ташқари географик қобик тушунчасини алмаштиришга ҳожат ҳам, асос ҳам

Фаннинг ва унинг қисмларининг ривожланиши изланишлар олиб борилиши ва уларнинг ҳисоботлари билан боғлиқ бўлиб, улар муҳокамалари ва ва нашрлари, уларга тақризлар ва илмий ҳамкорликлар билан акс эттирилади. Бу эса илмий журналлар ва конференция тўпламларида кўринади. Айрим танланган натижалар эса кенг аудиторияларда кўлланилиши ва кўрсатилиши ҳам мумкин. Лекин аксарият натижа ва хулосалар тор илмий журналларда чоп этилиб, кичик доиралар ва мутахасислар томонидан кўриб чиқилади холос.

Ҳар бир географиянинг тармоқғи ўзининг журналига ва тузилишига эга бўлиб, табиий ва ижтимоий географиясига бўлинади. Уларнинг аниқ жойлашуви журналларнинг ягоналигида, ва қисмларнинг бўлинишида намоён бўлади: масалан иқтисодий география, сиёсий география, транспорт географияси ва ҳ.к. Кўп ҳолларда журналлар университетларда нашр қилинади ва тармоқларга ажратилади. Шу билан бирга географилар фанлар аро журналларда ҳам изланишлар натижаларини чоп этадилар.

Географик журналларда асосан табиий география аниқ намоён бўлади ва аксинча ижтимоий география бошқа фанлар билан кенг ҳамкорлик қилади. Бу ҳолат айниқса америка географиясида аниқ намоён бўлади чунки бу ердаги тўловлар бирмунча юқори бўлганлиги туфайли.

Табиий география мустақил фан сифатида қараладиган бўлса, унинг аҳамияти камаяди. Табиий географиянинг илмий мақоми қадимдан ташкил бўлишидан қатъий назар, у умумий фаннинг бир бўлагидир. Илм-фанни турли икки асосий жиҳатига эътибор қаратиш ва тушуниш мумкин. Биринчиси, геоморфология қисқача тарихи, етакчи ғоялар вақт ўтиши билан ўзгариб бориши кўрсатилади. Иккинчидан, турли фан баҳслар асосида шаклланади.

Илм-фан бўлиши учун турли илмий фанлар бир кетма-кетликдаги фанларни ўз ичига олади, шунингдек бу ҳолат табиий география учун ҳам муҳим ҳисобланади. Бу фанлар - муҳим жиҳатдан фарқ қилсаларда, лекин уларни боғлаб асосий мавзу бор. Мураккаб тизимлар тушуниш ва

тушунтириш расмий, оқилона қурилмалар бир қатор воситалардан орқали эришиш мумкин. Аммо, ҳар қайси фан ўз тадқиқот доирасини аниқлаш учун ҳаракат қилиб кўриши мумкин, бунинг учун бизда жуда кўп турли хил йўллари бор, шу билан бирга ўзига хос муаммолар ҳам мавжуд⁵.

Назорат саволлари:

1. Географик қобикнинг чегаралари деганда нимани тушунасиз ?
2. Нима учун олимлар географик қобикнинг юқори чегарасини озон катламидан ўтказишади?
3. Географик қобик тушунчаси яна қандай таҳлил қилинади?
4. Географик қобикнинг қандай хусусиятларини биласиз?
5. Географик қобикдаги номувознатликнинг асосий сабаби нимада?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography:Fundamental Debates. USA 2005.
2. Ата-Мирзаев О.Б. О современной системе географических наук. «Амалий география» фанининг долзарб назарий ва амалий масалалар иқлим – Т.: 2008.
3. Баратов П. Умумий табиий география. –Т.: 2010.
4. Зокиров Ш.С, Тошев Х. Ландшафтшунослик. – Т.: 2013

⁵ N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography:Fundamental Debates. USA 2005. P. 14, 80-82.

3-мавзу: Ўзгарувчан иқлим шароитида табиатдаги ҳодиса ва жараёнларнинг табиий географик жиҳатлари.

Режа:

1. Ўзгарувчан иқлим шароитини юзага келтирувчи омиллар.
2. Табиатдаги ҳодиса ва жараёнларнинг ўзгарувчан иқлим шароитидаги хусусиятлари.

Таянч иборалар: иқлим, иқлимни юзага келтирувчи омиллар, ўзгарувчан иқлим шароити.

3.1. Ўзгарувчан иқлим шароитини юзага келтирувчи омиллар.

Иқлим атамаси грекча *klūma* – қиялик яъни қуёш нурларининг туш пайтида ер юзасига “оғиши” қиялигини англатади. Бу атама грек астрономи, математик география асосчиларидан бири Гиппарх (мил.ав. 160-125 й.й.) томонидан фанга киритилган.

Иқлим – Қуёш ва унинг атрофидан айланиб турадиган йўлдоши –Ер ўртасидаги муносабатлар натижасида ер бетига яқин бўлган атмосфера қатламида рўй бериб турадиган табиий жараёнлар натижасидир.

Ер юзасининг қуёш нурларига нисбатан оғишига боғлиқ равишда обҳавонинг муайян жойга хос бўлган кўп йиллик мароми, яъни бирон жойда бўладиган об-ҳаво шароитларининг мажмуи ва мавсумий географик ўзгариши; қуёш радиацияси, ер тўшама сирти хусусиятлари ҳамда улар билан боғлиқ атмосфера диркуляцияси таъсирида вужудга келади. Ҳар бир жой иқлими унинг бошқа ойлардаги иқлимга нисбатан ўзига хос хусусиятлари ҳақида кўп йиллик метеорологик кўзатишлар натижасидагина тўла тасаввурга эга бўлиш мумкин. Иқлим атмосфера ва фаол қатлам (ер юзаси)да бетўхтов давом этадиган табиий (Иқлим ҳосил қилувчи) жараёнлар (иссиқлик, кинетик ва б. шаклдаги энергияларнинг ўзгаришлари, сувнинг буғланиши, сув буғининг суюкликка айланиши, намнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши ва б.) натижасидир. Ер шарининг турли нукталарида иқлимнинг турлича бўлиши иқлим ҳосил қилувчи омилларнинг ҳар хил бўлишига, яъни бу жараёнлар содир бўладиган ўша географик шароитларга

боғлиқ. Географик омиллардан энг муҳимлари жойнинг кэнглиги ва баландлиги, денгиз соҳилига яқин-узоқлиги, орография ва ўсимлик копламининг хусусиятлари, қор ва музнинг бор-йўқлиги, атмосферанинг ифлосланганлик даражаси ҳисобланади. Бу омиллар кэнгликлар бўйлаб турли иқлимларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Ернинг шакли, унинг Қуёш атрофидаги ҳаракати ва эклиптика текислигига қиялиги, ер юзига қуёш энергияси турли кэнгликларда турлича тушиши, Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши натижасида ҳаво ва сув ҳаракатлари йўналишини ўзгартиришига таъсири ва бу таъсирнинг юқори кэнгликларда кучли бўлиши иқлим ҳосил қилувчи астрономик омиллар ҳисобланади. Бироқ бир кэнгликнинг ўзида ҳам иқлим ҳосил қилувчи жараёнлар табиий географик омилларга, яъни ер юзасининг қуйидаги хусусиятларига боғлиқ ҳолда турлича бўлади:

- а) қуруқлик ва сув иссиқликни ютиш, саклаш ва қайтариш, намни буғлантириш, ҳаво оқимларига таъсир этиш хусусиятига эга;
- б) қуруқлик рельефи ҳаво оқимларининг тутилиб қолишига, кескинлашувига ва ўзгаришига, ернинг турли ёқларига қуёш нурунининг турли микдорда тушишига, ер юзасидан сувнинг оқиб кетиш кетмаслигига ва бошқаларга ҳам таъсир кўрсатади;
- в) турли тоғ жинсларидан таркиб топган қуруқлик минтақалари ҳар хил иссиқлик ўтказиш хусусиятига эга. Ер юзида иқлим шароитларининг турлича бўлишига асосий сабаб астрономик ва табиий-географик омиллар ҳисобланади. Улар ер юзидаги ҳодиса ва жараёнларга ё бутунлай боғланмаган ёки, асосан, эндоген жараёнлар таъсири остида жуда секин ўзгаради. Бу омилларнинг энг катта тафовутлари (м-н: тропик ва мўътадил кэнгликлар ўртасида, қитъалар ва океанлар ўртасида) ҳаво оқимларининг умумсайёравий тизимини - атмосферанинг умумий циркуляциясини юзага келтиради. Бу оқимлар иссиқлик ва намни ер шарининг бир қисмидан иккинчи қисмига кўчиради, атмосферанинг турли вертикал қатламлари бўйлаб иссиқлик ва нам алмашинувини вужудга келтиради, булутлар ва ёғинлар ҳосил қилади ёки уларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймайди, атмосфера билан фаол қатлам ўртасидаги ўзаро таъсирни

жиддий ўзгартиради. Ҳар бир жойда ҳаво оқимларига боғлиқ ҳолда ҳаво салқин ёки иссиқ бўлади, юқорига кўтариладиган ёғинли ҳаво оқимлари, ё бўлмаса, тепадан пастга тушадиган қуруқ ва илиқ ҳаво оқимлари кўпроқ бўлади. Иссиқликнинг дунё океанларида турлича тақсимланиши ва атмосфера циркуляцияси туфайли денгиз оқимларининг пайдо бўлиши ҳам иқлимни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Оқимлар океаннинг турли қисмларида ё аномал иссиқ, ёки аномал совуқ фаол қатлам ҳосил қилиб, шу орқали атмосфера циркуляциясига ва бевосита денгиз устида иқлим шаклланишига таъсир этади. Ўрта Осиё ҳудудининг атмосфера циркуляциясида арктика, мўътадил ва тропик ҳаво оқимлари иштирок этади. Бу ерларда йилнинг совуқ фаслларида мўътадил минтақа континентал ҳаво массалари устунлик қилади ва, айниқса, циклон фаолияти жадаллик билан ривожланади. Бу эса қиш фаслининг жуда ўзгарувчан, одатда, серёмғир ва кўпинча, совуқ бўлишига олиб келади. Йилнинг совуқ бўлмайдиган даврларида Турон пасттекислигидаги чўлнинг жуда қизиқ кетиши туфайли паст босимли ҳаво қатлами вужудга келади. Бу ерга кириб келаётган ҳаво оқимлари ер сиртидаги иссиқ тўшаманинг кучли таъсирига дуч келади, уларда жадал ўзгаришлар жараёни юз беради. Натижада иссиқ ва қуруқ Турон континентал тропик ҳаво оқими вужудга келади. Трансформация (ҳаво оқимининг ўзгариши) таъсирида циклонли жараёнлар шу қадар сезилмайдиган даражада ўтадики, фақат ҳарорат қисман ўзгаради ва булутлар пайдо бўлади, нисбатан барқарор иссиқ ва қуруқ об-ҳаво вужудга келади.

3.2. Табиатдаги ҳодиса ва жараёнларнинг ўзгарувчан иқлим шароитидаги хусусиятлари.

Иқлимни ҳосил қилувчи иккиламчи омиллар ҳам бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: а) фаол қатламнинг альбедоси ва бошқа хусусиятларини ўзгартириб юборадиган қуруқликдаги қор ва музликлар ҳамда денгизлардаги музликлар; б) фаол қатламнинг сув ўтказувчанлиги, иссиқлик сифими, иссиқлик ўтказувчанлиги, альбедоси, ғадир-будирлиги,

буғлатиш қобилиятини ва хусусиятларини ўзгартириб юборадиган ўсимликлар (айникса, ўрмон) ва тупроқ қоплами.

Океанларда иқлимнинг ҳар бир элементи географик кенгликнинг ўзгаришига, бир денгиз оқими таъсиридаги ҳудуддан иккинчи оқим таъсиридаги ҳудудга ўтишига, жойнинг атмосфера умумий циркуляциясига нисбатан тутган ўрнига қараб аста-секин ўзгариб боради. Иқлим фақат океанлардагина соф ҳолда кузатиладиган бундай аста-секин ўзгариши макроиқлимий ўзгаришларга сабаб бўлади. Қуруқликдаги макроиқлимнинг аста-секин ўзгаришига рельеф, ўсимлик, сув ҳавзалари таъсир этади. Йирик ва ўртача рельеф шакллари, ўрмонлар, далалар, кўллар, йирик шаҳарлар таъсирида бир неча км ёки бир неча ўн км масофада иқлим элементларининг ўзлуксиз ўзгариб туриши маҳаллий иқлимни вужудга келтиради.

Охириги ўн йилликларда Орол бўйида гидрологик маромнинг ҳаддан ташқари салбий ўзгаришлари, Орол денгизи танглиги, бу ҳудуддаги шароитнинг ривожланиш тенденцияси, ҳавзадаги Амударё дельтасининг сув билан таъминланиши буғланишнинг ҳозирги вақтдаги ва иқлимнинг ўзгаришидаги маромини, унинг чегарасида табиат ландшафтлари экологик ҳолатини батафсил ўрганиш лозимлигини тақозо қилади. Кўзатишган исиш барча тоғ музликлар майдонининг қисқаришига сабаб бўлмоқда. Аэрофотокузатув маълумотларига қараганда Помир-Олай музликлари 1957-80 й.лар даврида 19% сувни йўқотди. Кейинги йилларда ҳам тоғ музликларининг қисқариш жараёнлари давом этмоқда. Бу эса ўз навбатида тоғдаги дарё оқимларининг қисқаришига ва ҳудудни янада аридланиши (курукланиши)га олиб келади.

Ер юзида ҳукм сураётган ҳозирги иқлим шароит асосан яқин ўтмишда, тўртламчи даврнинг қуйи, ўрта ва юқори қисмида рўй берган музланишлар давридан сўнг юзага келган. Ердаги ҳаётнинг асосий манбаи қуёш бўлса-да, атмосфера қобиғининг иқлим ҳосил қилувчи аҳамияти алоҳида ўрин тутди. Атмосфера таркибининг шаклланиши ва ўзгариши эса органиқ дунёнинг тараққиёти ҳосиласидир. Иқлимшуносларнинг ҳисоблашларига кўра,

атмосфера карбонат ангидрид гази бўлмаганда ҳарорат 6° Сга, сув буғлари бўлмаганда эса ер сиртидаги ҳарорат 25° Сга пасайган бўлар эди.

Ер юзасида қарор топган ушбу иқлимий шароит XX асрнинг ўрталарига келиб кучли антропоген таъсирга, кучга дуч келди. Яъни аҳоли сонининг кўпайиши, табиий ресурсларга бўлган талабнинг бетўхтов ортиб бориши ва ниҳоят фан ҳамда техника билан қуролланган инсоннинг табиатга таъсир кучининг ортиб бориши Ер шари иқлимнинг ўзгаришига олиб келади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар қуйидаги далиллар билан асослаш мумкин:

➤ Атмосферанинг кимёвий, физик таркибига антропоген фаолият таъсирининг ортиб бораётганлиги, аъзон қатламини емирувчи фреон газларини ҳамда карбонад ангидрид ва бошқа иссиқхона эффекти ҳосил қилувчи газларни ва аэрозолларни чиқариш, турли органик ёқилғиларни ёқиш ва энергия сарфлаш орқали атмосфера ҳароратига кўрсатилаётган таъсирнинг ортиб бораётганлиги;

➤ Табиий ресурсларнинг жадал суъратлар билан ўзлаштирилиши (ер, сув, ўрмон, тоғ-кон) туфайли Ер сирти альбедосининг ўзгарганлиги;

➤ Дунё океани сатҳининг кўтарилиши ва суви таркибининг ифлосланиши туфайли атмосфера-окен-қуруқлик тизимида кечадиган ҳаво, сув алмашинувига салбий таъсир кўрсатиш;

➤ Ер юзида содир бўлаётган этник низолар, давлатлараро келишмовчилик, урушлар, халқаро терроризм, табиий ва индустриал ҳалокатларнинг жадал тус олаётганлиги;

➤ Антропоген таъсир туфайли ер юзида модда, энергия алмашинуви туфайли табиий, иқтисодий-ижтимоий жараёнлар шиддатининг ортаётганлиги;

➤ Ҳаво транспорти ва яқин космосни ўзлаштириш туфайли атмосферага антропоген таъсир юкининг кўпайиб бораётганлиги ва б.

Иқлимшуносларнинг маълумотига кўра, юқорида қайд қилинган жараёнлар туфайли глобал иқлим исиши кўзатилмоқда. Бунинг асосий


сабаби ер юзасидан чиқадиган ўзун тўлқинли радиацияни ютиб, атмосферада “иссиқхона эффекти” ҳосил қилаётган газлардир. Иссиқхона ҳосил қиладиган газларнинг атмосферада ортиши эса юқорида қайд қилинганидек, инсоннинг ер юзидаги фаолияти билан боғлиқ. Бундай газлар асосан олтига. Энг асосийси карбонат ангидрид газидир (CO_2). Бундан ташқари метан (CH_4), азот оксиди (N_2O), перфторуглерод (PFC_s), гидрофторуглеродлар (HFC_s) ва олтингугурт гексафториди (SF_6) киради.

Инсониятнинг энергетик қўролланиш даражаси паст бўлган тарихий даврларда унинг глобал иқлим исишга таъсири сезиларли бўлмаган. Аммо XX асрнинг ўрталарига келиб, тобора кудратли кучга айланиб бораётган антропоген фаолиятнинг дунё иқлимига кўрсатаётган салбий таъсири сезиларли бўлиб қолди. Маълумотларга кўра кейинги 100 йил давомида Ер шарида ҳаво ҳарорати $0,6^\circ\text{C}$ кўтарилган бўлса, бу кўрсаткич Европа қитъаси бўйича $1,2^\circ\text{C}$ ни ташкил қилган. Ҳозирги даврда Ер сиртида ўртача глобал ҳарорат $+15^\circ\text{C}$ га тенг. Дунё океани ва денгизларида сув сатҳи 10-20 см.га кўтарилган.

Шу билан бирга атроф-муҳитнинг инсон фаолиятига таъсирини ҳам унутмаслик керак. Пеет фикрича, айнан атроф муҳит инсонларни маълум бир фаолият турини амалга оширишда йўналтиради. Шу билан бирга мазкур жараён ўзига хос тарзда экологик ҳолатга таъсир кўрсатишини ҳам эсдан чиқармаслик зарур⁶.

Ушбу глобал салбий жараёнлар 1960 йиллар охирида иқлимшунос ва дунё муаммолари билан шуғулланувчи олимлар эътиборига тушди ва ушбу муаммоларни ҳал этиш йўлидаги ҳаракатларга раҳбарлик қилишни БМТ ўз зиммасига олган.

⁶ N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005. P. 134



Назорат саволлари:

1. Ўзгарувчан иқлим шароити юзага келишига сабабчи ҳолатларни аниқланг.
2. Табиатни ифлословчи асосий манбаларни аниқланг ва улар натижасида вужудга келётган ўзгаришларни таҳлил қилинг.
3. Эндоген кучлар таъсирида қандай ўзгаришлар рўй бермоқда?
4. Экзоген кучларнинг иқлимга таъсирини таҳлил қилинг ва уларнинг ижобий ва салбий таъсирини аниқланг.
5. Озон туйнуғи билан боғлиқ муаммонинг шаклланиш сабабларини аниқланг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зокиров Ш.С, Тошев Х. Ландшафтшунослик. – Т.: 2013
2. Низомов А., Алимқулов Н.Р., Тилляходжаева З. Табиий географик жараёнлар. – Т.: 2015.
3. N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography:Fundamental Debates. USA 2005.

4-мавзу: Биогеография ва биологик хилма-хиллик.

Режа:

1. Биогеография фанининг мазмуни, фанлар билан боғлиқлиги.
2. Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсати.
3. Биогеография фанини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари.

Таянч иборалар: биогеография, биологик хилма-хиллик, зоогеография, палеонтология

4.1. Биогеография фанининг мазмуни, фанлар билан боғлиқлиги.

Ер шари юзасида ва турли хил муҳитларда тирик организмлар кэнг тарқалган. Ҳайвонларни географик тарқалишини ўрганадиган фан зоогеография дейилади.

Зоогеография ҳайвонларнинг тарқалишини ҳозирги замонда ва ўтган замондагисини ўрганади.

А) Унда тарқалишнинг омиллари ва қонуниятлари.

Б) Ҳайвонот оламини географик гуруҳларини келиб чиқиши йуллари ва ривожланишини ўрганади.

Биогеография фанини ривожланишида кўпгина Феилез академияси сессиялари, Павловнинг физиологик қонуниятлари ҳамда назария билан амалиётнинг бирлигини аҳамияти катта.

Зоогеография фанини асосий вазифаси фақат ҳайвон тарқалишини қонуниятлари эмас, балки ҳайвон тарқалишини маълум бир йўналишда ўзгартириш назариясини ишлаб чиқишдир. Ҳозирда зоогеографияни асосий масаласи табиатни инсон эҳтиёжига қараб ўзгартириш.

4.2. Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсати.

Биогеография бўйича ишлар албатта комплекс равишда олиб борилади. Ўрмончилар, дала ишчилари, тупроқшунослар, мелиораторлар биргаликда ишлаб, фаунист фақат кейинги ўзгаришларни инобатга олмасдан, ҳайвонларни кўпайиши, зарарлисини камайишини, акклиматизациясини

тадбирларини ишлаб чиқиши керак. Фаунист янги фаунистик гуруҳлар пайдо бўлишига имконият яратиши керак.

Зоогеография бошқа фанлар билан ўзвий алоқада бўлади ва бошқа фанларнинг маълумот ва хулосаларидан фойдаланиб бойитади.

1. Биогеография география билан биология ўртасидаги чегара фан бўлиб, физик, географик ва зоологик билимларга эга бўлиши керак.

2. Геология. Ҳайвонларнинг тарқалишини геологик билимларсиз тушиниш қийин. Хусусан куруқлик ва денгиз бўлиниши. Шу билан бирга зоогеография геология фанини бойитади.

3. Палеонтология-ҳозирги замон фаунасини тарихини ўрганиш, казилма фауналарини ўрганиш улар билан тўла танишишга боғлиқ, чунки музликлар фаунаси даври ҳозирги даврни синчиклаб ўрганишга асос булади.

4. Эволюцион таълимот-билиш ҳам зоогеография билан алоқада бўлиб, биогеография мазмунини бойитади. Эволюцион таълимотга асосланиб фаунага ривожланаётган қисмдай қаралмоқда. Шу билан бирга турлар келиб чиқишини тасдиқловчи маълумотларни зоогеография-эволюцион таълимотга берди.

4.3. Биогеография фанини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари.

Бошқа фанлар сингари зоогеография ҳам бирдан пайдо бўлмаган ва ўзини ривожланиш тарихига эга. Биогеография нисбатан анча ёш фан. У тахминан 17 асда бошланган. Биогеография ривожланишида бир неча босқичлар мавжуд.

1-ДАВР. Асосий вакили швед систематиги Карл Линнейдир. Унинг фикрича худо ўзи ўсимлик ва ҳайвонларни, орол ва тоғларни яратиб, унинг қояларида ва кэнгликларида ҳамма иқлимий зоналарни учратиш мумкин. Қутбийдан то тропик зонагача.

Иккинчи йўналиш асосчиси Жорчи Ковье эди. Унинг фикрича, организмларнинг тарқалиши доимий табиат инжиқликларига боғлиқ бўлиб, бу ҳолат Катаклизм назарияси дейилади. Ушбу назарияни (катастроф ва

катаклизмни) францўз табиатшуноси Бюффон кўллаб-қувватлади. Бундай катаклизмлар чексиз булмаи 7 марта бўлган.

Ўсимлик ва ҳайвонлар 3-сида пайдо бўлган. 4-сида куруқлик ҳайвонлари пайдо бўлган. 5-Америка билан Европа алоқада бўлган. 6-Совук тушиши муносабати билан ҳайвонлар экваторга тарқалган ва 7-сида одам пайдо бўлган.

2-ЎТИШ ДАВРИ. 18 аср охири - 19 аср бошида олимлар халокатли назариялардан воз кечдилар. Бунинг бошловчиси инглиз Чарлз Ляйелль. Унинг фикрича, органик дунёда ўзгаришлар халокат оқибати эмас, улар аста-секин вужудга келган.

3-ДАРВИН ДАВРИ. Бу давр 1859 й. Ч.Дарвинни «Турлар келиб чиқиши» асари билан характерланади ва зоогеография ривожланишида катта роль ўйнайди.

Дарвин биринчи бўлиб ўсимлик ва ҳайвонларни янги жойларга тасодифан, шамол билан, қушлар, сув оқими билан тарқалишини аниқлади.

4-ДАВР. Дарвиндан кейинги давр бўлиб, Зоогеография ривожланишига катта таъсир кўрсатади. СКЛЭТЭР (1875) томонидан қушлар оиласи, туркум, турларини пухталиқ билан ўрганиб табиий зоогеография областларни тўзди ва куруқлик зоогеография областларига бўлди: 1.Палеарктик. 2.Эфиопия. 3.Хинд-Малай. 4.Неоарктик. 5.Неотропик. 6.Австралик. 7.Пацифик (тинч океан ороллари).

Ушбу областларни оммалаштиришда инглиз зоогеографи Альфрез Руссель Уоллес муҳим роль ўйнайди. Унинг зоогеографияси генетик бўлиб, экологик факторларга кам эътибор берган. Бу унинг асосий камчилиги эди.

Марказий Осиё, Туркистон ва Уссурия ўлкаси фаунасини ўрганишда Николай Михайлович Прижевальский (1839-1888) хизмати катта.

Н.А.Северцев рус зоогеографиясини асосчиси ҳисобланади. У фаунист-эколог сифатида Воронеж губерниясида иш бошлаган.

Шу олим Ўрта Осиё ҳайвонот дунёсини ўрганди. У айниқса Ўрта Осиёда вертикал ва горизонтал тарқалишини ўрганди ва фаунасини келиб

чиқишини тарихига тушинтириш берди. Северцев Уэллен Варамага қарши зоогеографик бўлиниш асосига тарихий маълумот билан бирга физик географик шароитни киритди.

Назорат саволлари:

1. Биогеография фани ривожланиш хусусиятларини тавсифланг.
2. Биогеография фани тадқиқот усулларини кўрсатинг.
3. Биогеография фанининг асосий илмий йўналишларини таърифланг.
4. Биогеография фанини ўқитишнинг асосий хусусиятларини аниқланг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нигматов А. Экологиянинг назарий асослари – Т.: 2013.
2. Рафиқов А., Вахобов Х., Қаюмов А., Азимов Ш. Амалий география – Т.: 2008.
3. Рафиқов А.А., Хожиматов А.Н., Алимқулов Н.Р., Холмуродов Ш.А. Геоэкология асослари – Т.: 2015.
4. N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005

5-Мавзу: Иқтисодий ва ижтимоий географиядаги муаммолар, районлаштириш масалалари. Демография ва геоэкология.

Режа:

1. Иқтисодий ва ижтимоий география фанининг назарий муаммолари.
2. Иқтисодий географияда районлаштириш масалалари.
3. Демография ва геоэкология фанлари асосий муаммоларининг назарий талқини.

Таянч иборалар: иқтисодий география, ижтимоий география, иқтисодий районлар, географик меҳнат тақсимоли, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, аҳоли, демография.

5.1. Иқтисодий ва ижтимоий география фанининг назарий муаммолари.

Иқтисодий ва ижтимоий география географиянинг энг динамик фанларидан бири бўлиб, ўз тарихий ривожланишининг янги босқичида турибди. Иқтисодий ва социал география жами ижтимоий фанлар каби социал-сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг бевосита таъсирида бўлмоқда. Ижтимоий фанларнинг шу жумладан иқтисодий ва социал географиянинг ривожланишига умумфалсафий омил-ҳар қандай фан ички мантикий тараққиётининг диалектикаси билан бир навбатда, «социал буюртма» ҳам қатта таъсир кўрсатмоқда. Бундай вазифа тараққиётнинг ҳар бир аниқ босқичида жамият томонидан иқтисодий, социал, сиёсий ва географик фанлар олдига қўйилади. Ушбу «социал буюртма»ни ҳал этиш мобайнида ижтимоий фанлар у ёки бу истиқболли йўналишда, замон талабига мос равишда ривожланади.

5.2. Иқтисодий географияда районлаштириш масалалари.

Географик фанлар тизимида иқтисодий география нисбатан кейинги даврларда ривожланган фанлар қаторига киради. Тааффиқ фикрича, иқтисодий география 1970 йилларда ўзига хос жараёнлар ва намуналарга эга бўлган

худудий тўзилмаларни тадқиқ этиш орқали ривожланганлигини таъкидлайди⁷.

«Социал буюртма»нинг ифодаси унинг мафкуриси ва стратегияси тарихий тараққиётнинг малум босқичида жамиятдаги мавжуд сиёсий ҳолат билан кўп жиҳатдан аниқланади. Шунинг учун ҳам сиёсий омил ижтимоий фанларнинг ривожланиши жараёнини доимо асоси бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Бурилишлар хос бўлган босқичларда эса у этакчи ҳисобланади. Ижтимоий фанлар собиқ жаҳон социализм тизимига кирган мамлакатларда ҳозирги вақтда ўз тарихий тараққиётининг айнан ана шу «бурилиш» босқичида турибди.

Эволюцион тараққиёт натижасида иқтисодий география социал-иқтисодий географияга айланди. Иқтисодий географиянинг илмий-тадқиқот объекти оддийдан мураккаб томон ўзгарди, ривожланди. қисқача уни қуйидагича ифодалаш мумкин. Ишлаб чиқариш-Хўжалик-ишлаб чиқарувчи кучлар-худудий ишлаб чиқариш комплекслари (ҲИЧК)-ишлаб чиқарувчи кучларнинг худудий тизимлари (ИЧКҲТ)-худудий социал-иқтисодий тизимлар (ҲСИТ).

Фан предмети ҳам иқтисодий география илмий таҳлилининг янги усуллари тадқиқ этиш, илмий башорат ва бошқариш методологиясини ўзлаштириш мобайнида, аста-секин кэнгая борди. Иқтисодий географиянинг фундаменталлиги, унинг худудий ёндашиши орқали доимо сақланиб турган фан предметининг ривожини мажмуалилик ва тизимлилик ғояларининг шаклланиши ва ўзлаштирилиши йўлидан борган.

Географик фанлар тизимида табиий ва иқтисодий йўналишлар ажратилади. Улар орасида иқтисодий география ўз хусусиятлари билан ажралиб туради. Иқтисодий ва ижтимоий география турли мамлакат ва районларда ишлаб чиқариш кучларини жойлашув хусусиятлари ҳамда худудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг шаклланиш қонуниятларини ўрганади. Таркибий жиҳатдан қуйидаги фанлардан ташкил топади:

⁷ N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005. P. 140

I. Иқтисодий география (саноат географияси, қишлоқ хўжалиги географияси, транспорт географияси ва б.)

II. Ижтимоий-иқтисодий география (аҳоли географияси, шаҳарлар географияси, қишлоқ жойлар географияси ва б.)

III. Ижтимоий география (рекреация ва туризм географияси, тиббиёт географияси, динлар географияси ва б.)

IV. Тарихий география

V. Сиёсий ва ҳарбий география.



Фаннинг тўрт асосий таян тушунчаси мавжуд-ҳудудий меҳнат тақсимоти, районлаштириш, ҳудудий мажмуалар, иқтисодий географик ўрин.

2. Улар орасида иқтисодий районлаштириш фаннинг бирламчи тушунчаси ҳисобланади.

Иқтисодий район-табiiй ва иқтисодий шароитлари бир хил ва халқ хўжалиги тарихан таркиб топган, ихтисослашган ишлаб чиқаришга эга бўлган ҳудуд.

Турли олимлар район ҳосил бўлиш жараёнининг асосий шартларини турли кўринишда баҳолайдилар. Масалан:

- **В.М.Четыркин:** 1) маълум ҳудудга хос бўлган хўжалик юритиш шакли; 2) ўзаро боғланган табiiй ва иқтисодий шароит.

- **П.М. Алампиев:** 1) ҳудудий меҳнат тақсимоти (ихтисослашув, иқтисодий марказларга тортишув); 2) район хўжалигининг режали,

мажмуавий ривожлантирилиши.

- **И.И.Белоусов:** 1) район ичида хўжалик юретиш жараёнларининг самарали комбинацияси; 2) рационал меҳнат тақсимооти.

- **А.Солиев:** 1) район ҳосил қилувчи марказ; 2) район ҳосил қилувчи ихтисослашган иқтисодиёт тармоғи.

Шу билан бирга район ҳосил қилувчи омиллар ҳам турли олимлар томонидан турлича талқин қилинади:

А.Солиев ҳудудий меҳнат тақсимооти ва ҳудудий ихтисослашувни; бозорга мўлжалланган товар маҳсулот ишлаб чиқариш, бозор маконининг шакллланганлигини; район ҳосил қилувчи ва уни ташкил этувчи марказ ёки марказларнинг мавжудлигини; табиий шароит ва қазилма бойликлар, уларнинг ҳудудий бирикмаларини; транспорт тўрининг ривожланганлигини; аҳоли ва меҳнат ресурсларини; иқтисодий географик ўринни; минтақавий инфратўзилма ва инвестиция муҳитининг шакллланганлиги ва бошқаларни асосий ўринга қўйса, М.Голубчик Ишлаб чиқариш муносабатларини; ҳудудий меҳнат тақсимоотини; моддий техник базани; табиий шароит ва ресурсларни; меҳнат ресурслари ва уларнинг меҳнат кўникмаларини; ҳуқуқий бошқарув шакллларини (ҳудудий-маъмурий бўлиниш) асосий омил сифатида кўрсатади.

Иқтисодий районлар ўзига хос тармоқ ва ҳудудий тизимга эга. Район хўжалигининг тармоқ тизими иқтисодиётнинг турли соҳаларининг ўзаро боғлиқлиги ва унинг районлараро (халқаро) меҳнат тақсимоотидаги ўрни асосида аниқланади. Иқтисодий район доирасидаги қуйидаги ишлаб чиқариш тармоқлари ва соҳаларининг ўзаро боғлиқлигида намоён бўлади:

- Асосий-ҳудудий меҳнат тақсимоотида катта аҳамиятга эга бўлган районнинг ишлаб чиқариш ихтисослигини шакллантирувчи тармоқлар. Улар нафақат ички, балки ташқи истеъмолни ҳам таъминлаб беради.

- Базавий-барча соҳаларни хом ашё ва ёқилғи билан таъминловчи тармоқлар. Булар ёқилғи-энергетика мажмуаси тармоқлари, металлургия, кимё ва ўрмон саноатлари. Агар ушбу тармоқлар бошқа районларга ёқилғи ва

хом ашё етказиб берса, бунда ушбу гуруҳ асосий гуруҳга айланади.

➤ Йўлдош-ишлаб чиқаришда хом ашё ва ёқилғи ҳамда уларнинг колдикларидан биргаликда фойдаланадиган тармоқлар. Улар районнинг мажмуавий тарзда ривожланишини таъминлайди. Ички истеъмолни таъминлаши билан бирга ташқарига ҳам маҳсулот чиқаради.

➤ Қўшимча-ихтисослашув тармоқларидан бири бўлган, бошқа районларга ўз маҳсулотлари чиқарувчи, лекин асосий ва йўлдош ишлаб чиқариш тармоқлари билан боғлиқ бўлмаган соҳалар.

➤ Ички-асосан ички истеъмол учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳамда район аҳолисининг ҳаёт тарзининг қулайлашувига таъсир кўрсатувчи тармоқлар. Буларга энгил ва озиқ-овқат саноатининг кўплаб тармоқлари киради.

➤ Хизмат кўрсатувчи (инфратизим)-районнинг барча тармоқларини электроэнергия, иссиқлик, сув, умумий таъмирлаш ишлари, маҳсулотларни сақлаш учун омборхоналар билан таъминлайдиган соҳалар.

Иқтисодий район ўзига хос мажмуа ва ҳудудий тизимни ташкил этади. Албатта, бу ерда район, комплекс ва тизим тушунчалари айнан бир мазмунга эга эмас, аммо уларнинг бир-бирларига яқинлигини ҳам инкор этиш ноўриндир. Ҳар қандай иқтисодий район комплекс, ҳудудий мажмуа принципига асосланади. Бу комплекслилик, энг аввало, уларнинг ўзаро мувофиқлашган ҳолда мутаносиб ривожланишида ўз ифодасини топади.

1) район ҳосил қилувчи ихтисослашган, яъни бозор аҳамиятига эга бўлган тармоқ ва тармоқлар;

2) биринчи гуруҳ билан боғлиқ ва уларни тўлдирувчи ёрдамчи, иккинчи даражали тармоқлар;

3) кундалик эҳтиёжларга қаратилган маҳаллий бозорни тўйинтирувчи тармоқлар.

Демография–аҳолини, авлодлар алмашуви жараёнлари ва унинг қонуниятлари ўрганувчи фан бўлиб аҳолишунослик фанлар тизимида асосий ўринни эгаллайди. “Демография”-икки юнон сўзининг қўшилишидан иборат

бўлиб, “демос”-ҳалқ, аҳоли, “графия”-тасвирлаш, ёзиш, ўрганиш, яъни “ҳалқ ҳақида ёзмок”, ёки “аҳолини шарҳлаш” маъносини англатади. Бироқ, демография фани фақат шарҳлаш билан чегараланиб қолмай, балъки унинг ўрганиш доираси бир мунча кэнг ва чуқурдир.

Демографияда асосий кузатув бирлиги-инсон ҳисобланади. Инсон ҳаёти давомида унинг физиологик ва психологик хусусиятлари, маълумотлилик, даражаси, оилавий ҳолати, касби-кори, малакаси ижтимоий гуруҳи, яшаш жойи, тил билиш каби имкониятлари ўзгариб боради. Ана шу алоҳида инсон ҳаётида рўй берган ўзгаришлар йиғиндиси умуман аҳоли ҳаётида ижтимоий-иқтисодий ва демографик ўзгаришларга олиб келади. Никоҳга кириш натижасида, оилалар сони ошиб боради, ёлғизлар, бўйдоқлар сони камади. Никоҳнинг бекор этилиши, яъни ажралиш жараёни эса аҳоли таркибида тугалмас оилаларнинг ва бевалар салмоғининг кўпайишига сабаб бўлади. Инсон дунёга келар экан маълум давр яшайди. Ана шу давр мобойнида у улғайиб боради. Гўдаклик давридан болаликка, ўсмирлик, ёшлик ва ўрта ёшлик, етуклик, қариялик даврларига ўтади. Ҳар бир ўқув йили тугаши билан аҳоли таркибида маълумотлилар сони ошиб боради. Ана шу тарзда шахс ҳаётидаги ўзгаришлар аҳоли гуруҳидаги ўзгаришларга олиб келади. Инсонларнинг бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга кўчиб ўтиши-миграция, ушбу ҳудудлар аҳоли сонига ва таркибига таъсир этади.

Аҳоли сони туғилиш ва ўлим ҳисобига доимо ўзгариб боради. Туғилиш жараёни аҳоли сонини кўпайишига олиб келса, ўлим унинг камайиб кетишига сабаб бўлади. Туғилиш ва ўлим жараёнлари асосида аҳоли табиий ўсиши содир бўлади. Агар туғилганлар ўлганлар сонидан юқори бўлса, аҳоли кўпайиб боради, аксинча, ўлганлар сони туғилганлар сонидан кўп бўлса, аҳоли сони камайиб боради. Маълумки, жамиатда ҳар доим қандайдир сабабларга кўра аҳолининг бир қисми ҳаётдан кўз юмади, яъни вафот этади. Яна бир қисм аҳоли эса, дунёга келади. Жамиатдаги ўлган аҳоли ўрни, янги туғилганлар ҳисобига тўлиб боради, авлодлар алмашади. Ана шу жараён аҳоли такрор барпо бўлишининг асосини ташкил этади.

Бирор бир худудда, маълум даврдаги аҳоли таркиби, ўтган даврдаги аҳоли такрор барпо бўлишининг натижаси, кейинги даврдаги аҳоли такрор барпо бўлишининг замини ҳисобланади. Демак, аҳоли такрор барпо бўлиши жамият тараққиёти давомидаги доимий, мураккаб жараёндир.

Аҳолининг такрор барпо бўлиши натижасида аҳоли сони ва унинг ёш-жинсий таркиби мунтазам ўзгариб туради. Янги туғилган болалар жинси аҳоли жинсий таркибига маълум ўзгаришлар олиб келади. Ўлганлар сони эса аҳоли ёш таркибига таъсир этади. Аҳоли ёш ва жинсий таркибидаги ўзгаришлар жамиятда маълум социал муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёни эса, ўз навбатида қатор, ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида содир бўлади. Шу боис аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёни жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида ўзига хос хусусиятларга, қонуниятларга эгадир. Демографиянинг асосий предмети аҳолининг такрор бўлиш қонуниятларининг таҳлили ҳисобланади.

Аҳолини ўрганар экан, демография алоҳида фан сифатида, унинг миқдорий ва сифатий хусусиятларининг мукамал таҳлил этади.

Аҳолининг миқдорий хусусиятлари маълум миллат, худуд аҳолиси сонининг ўзгариб (кўпайиши ёки камайиши) боришида ифодаланади. Аҳолининг сифатий хусусиятлари эса, маълум миллат ёки худуд аҳолисининг саломатлик ва маълумотлилик даражасида, ўртача умр кўриш муддати, бандлиги каби жиҳатларда ифодаланилади.

Ҳар иккала жараён, яъни, аҳолининг миқдорий ва сифатий ривожланиши бир-бирига чамбармас боғлиқ, ҳолда содир бўлади. Масалан, аҳоли саломатлигини юқори даражада бўлиши, аҳоли ўртасида ўлимнинг камайиши, ўртача умр кўриш муддатининг ўзайишига олиб келади. Натижада аҳоли сони кўпайиб боради. Шунингдек туғилишнинг жуда юқори даражада бўлиши, кўп ҳолларда она ва бола организмнинг заифлашиб боришига ва ўлим ҳоллари кўпайишига олиб келади.

Жамият тараққиётининг энг дастлабки босқичидан то ҳозирги даврга қадар ҳар бир худуд аҳолиси ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан мунтазаи

ўзгариб келгандир. Демография аҳолининг миқдорий ва сифатий ўзгаришларини аҳолининг такрор барпо бўлишининг асосий омиллари сифатида ўрганади.

Аҳолининг такрор барпо бўлиши, кэнг маънода табиий ўсиш, ўлим, миграция аҳолининг ҳудудлар бўйлаб ҳаракати, бир ижтимоий гуруҳдан иккинчи ижтимоий гуруҳга ўтиши, муълумот олиши, меҳнат фаолиятининг бошланиши ва ҳ.к. натижасида аҳоли таркибини янгилаб туришини билдиради.

5.3. Демография ва геоэкология фанлари асосий муаммоларининг назарий талқини.

Демография асосий эътиборини табиий авлодлар алмашуви – яъни, туғилиш ва ўлим асосида аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнига қаратади. Ушбу жараённи жамият тараққиётининг турли босқичларидаги қонуниятларини, турли миллат, ҳудуд ва давлатлардаги хусусиятлари, омилларини ўрганади, муаммоларини аниқлайди ва истиқболини белгилаб беради. Бу вазифаларни бажариш учун демография жамият тараққиёти босқичлари, тарихий шарт-шароитларини атрофларича ўрганиш лозим.

Демак, демография, аҳолининг такрор барпо бўлиши қонуниятлари ҳақидаги фан бўлиб, бу жараённи ижтимоий-тарихий шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда ўрганади, омилларини, муаммоларини аниқлаб, истиқболини беогилаб беради.

Ҳар бир фаннинг вазифаси табиат ва жамиятнинг маълум қисмидаги ривожланиш қонунларини ўрганишдир. Лекин бу билан бир қаторда ҳар бир фаннинг ўзига хос амалий аҳамиятга эга бўган вазифалари ҳам мавжуд. Демография ҳам алоҳида фан сифатида ўз вазифаларига эгадир. Ушбу вазифаларни уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

1. Демографик жараёнлар ва уларнинг омилларини ўрганиш
2. Демографик прогнозларни ишлаб чиқиш
3. Демографик сиёсат чора тадбирларини ишлаб чиқиш

Демографик жараёнларга туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш ва оила киради. Демографик жараёнлар таркибида туғилиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, ўрганилаётган мавжуд аҳоли аввало туғилиш жараёни натижасида дунёга келган. Демография туғилишни алоҳида, аҳоли такрор барпо бўлишининг демографик замини сифатида ўрганади, унга таъсир этувчи барча ижтимоий-иқтисодий ва табиий омилларни таҳлил этади. Шунингдек, ўлим жараёни ҳам аҳоли такрор барпо бўлишининг асосий элементи сифатида демография фанининг эътиборида туради. Аҳолининг такрор барпо бўлишида биринчи навбатда оила ташкил топиши яъни шаклланиши аҳамиятлидир. Чунки дунёда туғилаётган инсонларнинг аксарияти оилади, оила муҳитида дунёга келади, шахс сифатида шаклланиб ўзининг демографик фаолиятини (оила қуриш, фарзандлар кўриш) бошлайди.

Оила шаклланиши эса, ўз ўрнида никоҳ ва ажралиш жараёнлари билан ҳамбарчас боғлиқдир. Демография никоҳ эволюцияси ва унинг аҳолига такрор барпо бўлишидаги ўрнини ҳам ўрганади.

Ажралиш, яъни никоҳни бекор этилиши ҳам аҳоли такрор барпо бўлишига таъсир этувчи демографик жараён ҳисобланади. Демография ушбу жараённи ўрганар экан, унга таъсир этувчи қатор сабаб ва оқибатларини атрофларича таҳлил этади.

Демография аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши-миграциясини ҳам ўрганади. Лекин бу жараённи ўрганишда, аҳоли географиясидан фарқли равишда, асосий эътиборини миграция жараёнининг худудий хусусиятларга эмас, балки ушбу жараён натижасида рўй берадиган худуднинг демографик ҳолатидаги ўзгаришларга қаратади.

Демографияда оила асосий ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида ўрганилади. Оилани жамият тараққиёти давомидаги ўрни, эволюцияси, аҳолининг такрор барпо бўлишидаги асосий фаолияти ва унинг ўзгариб бориш омиллари ва оқибатлари ўрганилиб, келажак ривожланишининг асосий йўналишлари аниқланади.

Маълумки, аҳоли, туғилиш ва ўлим жараёни натижасида мавжуд бўлган авлодлар алмашувини йиғиндисидир. Инсон мавжудлигини таъминловчи барча демографик жараёнлар-туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш унинг ҳаётидаги маълум даврида, яъни маълум ёшида рўй беради.

Шунинг учун, ёш демографик жараёнларни ўрганинишда асосий мезон ҳисобланади. Инсоннинг демографик ва ижтимоий ҳолатида, ўз ҳаёти давомида ёш ва жинс асосий кўрсаткичдир. Аҳолининг жинсий таркиби ҳам демографик ҳолатга таъсир этувчи асосий, демографик таҳлили лозим бўлган мезонлардандир.

Демографик прогнозлар ишлаб чиқишда демография фани, биринчи навбатда ўрганиланиётган ҳудуд ёки ижтимоий гуруҳ аҳолисининг демографик майлини (демографик жараёнларига бўлган муносабати) атрофлича таҳлил этади ва айни шу асосда демографик жараёнларда келажакда кутилаётган ўзгаришларни кўрсатиб беради.

Демографик сиёсат мазмуни ва тадбирларини ишлаб чиқиш жуда маъсулиятли ва мураккаб жараёндир. Ушбу юмушни бажаришда демография ўрганилаётган давлат ёки алоҳида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш қонинуютларини, демографик ҳолатини мукамал ўрганиши лозим.

Демак аҳоли географияси ва демография ўрганиш объектлари ва предметлари нуқтаи назардан, ўзаро жуда яқин туташ фанлардир. Улар ўз тадқиқотларида бир ҳил манбаларга асосланадилар, ва ўз йўналишлари, мақсадлари бўйича тадқиқот олиб борадилар, ва ҳулоса чиқарадилар. Масалан, демография маълум ҳудуд аҳолиси сони ва тадқиқотидаги маълум вақтда содир бўлган ўзгаришларни демографик жараёнларга асосан изоҳлайди, аҳоли географияси эса унинг географик омиллари ҳамда ҳудудий хусусиятларига эътибор қаратади.

Аҳоли миграциясини ҳам ҳар иккала фан мукамал ўрганади. Демографик тадқиқотларда аҳоли миграцияси демографик жараёнларга таъсир этувчи омил сифатида таҳлил этилса, аҳоли географияси эса миграция

оқимининг йўналишлари, ҳудудий хусусиятлари меҳнат ресурслари шаклланишда ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги ўрни ва аҳамияти каби жиҳатлари тадқиқ этади.

Аҳоли географияси ва демография фанларининг энг муҳим предметларидан бири аҳолининг такрор барпо бўлиши, туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралим каби демографик жараёнлар асосида авлодлар алмашувини; оила ташкил топиши ва ўзлуксиз давом этишини таъминловчи жараён сифатида таҳлил этади. Шунингдек, аҳоли сони динамикаси ва таркибининг шаклланишида ҳам аҳоли такрор барпо бўлишини, асосий омил сифатида ўрганеди. Аҳоли географияси эса аҳоли такрор барпо бўлишидаги ҳудудий фарқларни ўрганеди. Аҳоли географияси ҳар бир ҳудуд аҳолиси сони динамикаси, ёш-жинсий оилавий таркиби, такрор барпо бўлиши, меҳнат ресурсларининг ҳудудий шаклланишини ўрганганда бевосита демографик кўрсаткичларга, демографик тадқиқот натижаларига асосланади. Ана шу боис географ мутахассислар асосий демографик тушунчалар, кўрсаткичлар, услублар ҳақида батафсил билимга эга бўлишлари зарур.

Ҳар бир фан ичида таснифлаш жараёнида муаммолар бўлгани каби, география фани ичидаги ҳам муҳим баҳслар борлигини инкор эта олмаймиз. Икки фан кесишувида шаклланган географиянинг яна бир йўналиши (beyond-science) иқтисодий география ҳисобланади. Шу билан бирга илмий жиҳатдан географияда ўзига хос баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган ижтимоий география ҳақида ҳам тўхталишимиз зарур. Кўплаб олимлар таъкидлаганларидек, фан бу катта ижтимоий жараёнлар ва сиёсий шароитларга зарурий тарзда киритилган кучлар нисбати сифатида баҳоланиши зарур (Сардар бошқ, 2002.). Географик илмий тамойиллари таҳлили ҳам буни тасдиқлайди (Маттинглй ва Фалсонер-Ал-Ҳинди, 1995). Шунинг учун, алоҳида таъкидлаш керакки, таҳлилий иқтисодий география, «ташқари фан» эмас, балки география фанининг муҳим қисмидир. Бу эса таҳлилий (аналитик) иқтисодий географияга хос тадқиқотларга жиддий ёндашув талаб этади.

Шу ўринда ҳали қирралари тўлиқ очилмаган илмий баҳслар талаб этиладиган жиҳатлар ҳам мавжудлигини таъкидлаб ўтиш керак. Илмий билим ва чуқур париетал-илмий ҳамжамият оралиғида остига қонуний илмий амалиётини ташкил этади. Табиий фанлар доирасида илмий таълимотлар яратиш ва синовдан ўтказиш юзасидан давом этаётган мунозаралар мавжуд. Ушбу «илмий баҳслар»нинг келиб чиқишига нисбийлик, квант механикаси ва математика назарияси таъсир сабабчи бўлган (Барнз,1994). Мунозараларда юзага келган эпистемологик ва услубий-мантикий муаммолар мавжуд билимларга нисбатан шубҳа юзага келишига сабабчи бўлди (Бест ва Келлнер, 1997: 7) ва илмий ҳамжамиятда кўплаб мунозараларга сабабчи бўлди. Натижада, илмий фаразлар ва усуллар ёрдамида илмий тадқиқот олиб бораётган социологлар томонидан олиб борилаётган изланишлар четга сурилиб, дунё, инсонлар, уларга боғлиқ муаммолар устида ишлаётган ижтимоий географлар ишлари қизиқиш билан кузатила бошланди.

Иқтисоди географияни мутахассислик фанларидан ташқарида кўрилиши бизни қаттиқ ҳайрон қолдириши мумкин. Иқтисодий географиянинг илмий мавқеини аниқлашда биз икки ҳолатга эътибор қаратишни лозим топдик. Биринчидан, тадқиқотлар олиб боровчилар жамиятда ўз мавқеларига эга ва улар ўз фикрларига нисбатан танқидий фикрларнинг юзага келишига йўл қўймайдилар (Лавсон, 1995;. Маклефферти, 1995). Иккинчидан, танқидий фикр билдирувчилар ишлари ноилмий эканлиги кўрсатилган ҳолда рад этди. Фан аслида жамиятдан ажралиб қолиши ёки уни ўраб олиши мумкин эмас (Маттинглу ва Фалсонер - Ал-Ҳинди, 1995: 430). Илмий амалиёт, унинг талқини ва тарқалиши ижтимоий муносабатларда билимга бўлган талабларни оширади. Ижтимоий география намоёндалари фанни рад қилиш ўрнига, жамиятда фаннинг ўз ўрнига эга бўлиши учун ҳаракат қилмоқдалар.

Маълумки, илмий билимлар тарихан муайян сиёсий кун тартибига, ижтимоий дастурлар ва иқтисодий сиёсатини тарғиб қилиш йўлида

ишлатилган. Чунки, улар орқали доимо ижтимоий сўровномалар орқали ўз атрофидагиларнинг фикрлари ўрганилиши зарур . Фан жамият ва ижтимоий (ва фазовий) муносабатлар шаклланишида муҳим рол ўйнайди, ва шунинг учун илм-фан жамият ичида қандай ишлашини ўрганиш ижтимоий фанлар доирасида қонуний ва муҳим талабга эга объект сифатида талқин қилинади.

Юқорида таъкидланганидек, турли ёндашувлар ўртасидаги фарқлар пайдо бўлишига қонуний билимлар кураши сабабчи бўлди. Хусусан, барча географик тадқиқотларда юзага келган асосий хулоса ва далиллар бошланғич тахминларни ва саволларни қайта кўриб чиқиш заруриятини туғдирмоқда. Бошқа сўзлар билан айтганда географлар қайтарилувчи саволларларга, сўровномаларга қатъийлик билан қайта ёндашмоқдалар. Ҳозирги илмий тадқиқотлар фан ва оралик фан ўртасидаги назария ва тушунчаларни аниқлашни умумий мажбурият сифатида белгилаганлиги билан характерланади (Ливингстоне, 1992; Жоҳнстон, 1997).

Мавжуд узвийлик билан бирга танқидий иқтисодий география ва борлик билан боғлиқ қарашлар орасида фарқ мавжуд бўлиб, айниқса улар баъзи бир жараёнларга баҳо беришда кескин фарқни келтириб чиқаради (Диксон ва Жонес, 1996, 1998; Жоҳнстон, 1997). Шу билан бирга танқидий иқтисодий география ичида асосий билимлар асосини аниқлашга қаратилган кучли баҳслар ҳам бор (Росе, 1997). Ушбу мунозараларнинг қай тарзда яқунланишини билиш қийин, чунки танқидий иқтисодий география ичидаги кузатилаётган ўзига хос жараёнларга баҳо бериш қийин.⁸

Назорат саволлари:

1. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг тадқиқот усуллари ҳақида маълумот беринг.
2. Иқтисодий ва ижтимоий география фанининг ривожланиш тарихи қандай босқичлардан ташкил топган?
3. Иқтисодий районлаштиришнинг асосий мезонларини санаб беринг.

⁸ N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005. P.96-100.

4. Ўзбекистон иқтисодий районларининг ихтисослашув тармоқларини аниқланг.

5. Демография фани Ўзбекистонда қачондан бошлаб ривожлана бошлади?

6. Аҳоли такрор барпо бўлиш турларини тавсифлаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рафиқов А., Вахобов Х., Қаюмов А., Азимов Ш. Амалий география – Т.: 2008.

2. Рафиқов А.А., Хожиматов А.Н., Алимкулов Н.Р., Холмуродов Ш.А. Геоэкология асослариқлим – Т.: 2015.

3. Солиев А. Ўзбекистон географиясиқлим – Т.: 2014

4. N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005

6-мавзу: Географияда терминалогия муаммолари.

Режа:

1. Географик терминларнинг илмий таҳлили.
2. Геотопонимика асослари.
3. Географик муҳит ва этногеография.

Таянч иборалар: географик термин, ороним, ойконим, спелолим, гидроним, этнос, халқ, миллат.

6.1. Географик терминларнинг илмий таҳлили.

Географик номлар, айниқса уларнинг маънавий аҳамиятига қизиқиш қадимги юнонларда пайдо бўлган. Топонимик кичик мақолалар Геродотнинг “Тарих”, Страбоннинг “География”, Диодор Сицилийскийнинг “Библиотека” ва бошқа юнон олимларини асарларида учратилади. Географик номлар қадимги рус солномаларида “Слова о полку Игореве”, “Книга Большому чертежу” ва бошқаларда ҳам учрайди. Буларда фақатгина географик номлар келтирилмасдан балки уларнинг келиб чиқишини аниқлашга ҳам интилишлар бўлган.

Туркистон худудида ўрта асрларда яшаб ижод қилган олимлар (Абу Райхон Беруний, Махмуд Қашғорий, Бобур ва бошқалар) асарларида топонимикани муҳит муаммолари таҳлил қилинган. Масалан, Абу Райхон Беруний тўққизинчи асрдаёқ бирон худудни бошқа тилда сўзлашувчи халқ, қабила босиб олса номлар тез ўзгаради. Уларнинг нутқ аъзолари номларни нотўғри талаффуз қилади ва шу ҳолда ўз тилига ўтказилади, бу юнонларда кўпроқ кўзатилган. Улар сўзни дастлабки маъносини олишади, бироқ номлар ўзгаришларга дучор бўлади. Шундай йўл билан юнонлар ва араблар турк тилидаги кўпгина географик номларни бўзиб ёзганлар.

Ўрта асрларда ижод қилган Махмуд Қашғорий топонимика ривожига катта хисса қўшган. Бу олим “Девону луғотит турк” номли асар ёзиб қолдирган. Ҳозирги замон кўп олимларнинг фикрича, бу асар жой номлари луғати десак бўлади. Махмуд Қашғорий ўз асарига бир ҳарита илова қилган, унда 200 га яқин географик номлар (мамлакатлар, шаҳарлар,

кишлоқлар, табиий географик объектлар) келтирилиб, уларга географик ва этимологик изоҳлар берган. У турк тили гуруҳига кирувчи деярли ҳамма тилларни ўрганган.

Захриддин Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида географик номларга катта эътибор қаратган. Бу асарда жуда кўп географик номлар учратилади ва уларга изоҳлар берилади.

Географик номларга Рус олимлари ҳам катта эътибор беришган. Булардан В.Н.Татишев, А.Х. Востаков, В.И. Даль, Н.П.Борсов, Н.И.Березин, В.Г.Т. Симёнов - Тянь-Шанский, Н.И.Надеждин ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Россияда топонимикани ривожланишида Н.И.Надеждиннинг роли айниқса катта бўлган. Унинг фикрича тарихни биринчи бети географик ландкарта бўлиши керак, ландкартани ўрганиш тарихни ўрганишдан бошланмоғи зарур. Шундай қилиб Надеждаин топонимик тадқиқотларда биринчи бўлиб ҳариташунослик услубларни қўллаш масаласини кўтариб чиқади. У топонимларни ўрганишда шошқалоқликка қарши чиқади. Унинг ёзишича, сўз бизнинг ихтиёримизда, у химоясиз ундан ҳар қандай маънони чиқариш мумкин. Унинг фикрича тарихни ўрганиш географик ҳариталарни таҳлил қилиш билан бошланиш керак. Надеждин Топонимика- бу Ер тили деган иборани биринчи бўлиб айтган.

XIX асрнинг охирлардан бошлаб топонимикага қизиқиш кучаяди. Географик номларни ўрганиш учун жамиятлар тузилади. Масалан, АҚШ да 1890 йилда географик номлар Бюроси, 1923 йилда эса топонимик жамият ташкил қилинган. Россия география жамияти қошида географик терминларни ўрганиш учун махсус комиссия ташкил қилинган. 1904 йилда Россия география жамияти қошида ҳариташунослик комиссияси ташкил қилиниб, унда географик номларни транскрипциясини ишлаб чиқувчи кичик комиссия ташкил қилинган. Комиссия 400 дан ортиқ географик терминлардан луғат тўзади, луғат тузишда Надеждин, Даль ва бошқалар қатнашади.

6.2. Геотопонимика асослари.

XX асрнинг 40 йилларидан бошлаб топонимика фани тез ривожлана бошлайди. Бу даврдан бошлаб топонимиканинг назарий муаммоларига ҳам катта эътибор берилди. Э.М.Мурзаев, В.А.Никонов, А.И. Попов, В.А.Жучкевич, Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, Е.Н.Поспелов, С.Қораев, А.В.Суперанская, О.Мўминов, Ф.Гуломов ва бошқалар топонимика фанининг ривожига катта хисса қўшдилар ва қўшмоқдалар.

2. Географик номлар қандай объектларнинг номлари эканлигига қараб қуйдаги гуруҳларга бўлинади.

1. Топоним-лотинча *topos-er*, жой, номо-исм, ном сўзларидан ясалган бўлиб жой номи демакдир. Ер юзидаги барча географик объектларнинг Юкеанлар, денгизлар, қишлоқлар ва бошқаларнинг атоқли отлари. «Ҳар қандай топоним бирон маънони англатади.

2. Топонимия-маълум худуддаги жой номлари йигандиси.

3. Ороним-рельефнинг бурма шакллари-тоғ, тепалик, ясситоғлик, чўққи ва бошқаларнинг номлари.

4. Гидроним- умуман сувликлар номи. Айрим типлари:

а) Потамоним-дарё, сой, ариқ ва каналларнинг номи

б) Лимноним-кул, булоқ, ҳавўз ва қудукларнинг номи.

в) Пелагоним-окш, денгиз ва қўлтиқларнинг номи

5. Ойконим-аҳоли яшайдиган жойларнинг (қишлоқ, шаҳар номи).

6. Спелеоним-ғорлар ва ер ости бўшилиқлари номи.

7. Топотермин-жой номларини ҳосил қилувчи турдош отлар.

8. Топоформант-таркибида кўпроқ учрайдиган қўшимчалар, суффикслар, терминлар.

9. Транскирипция-номларнинг тўғри ёзилиши.

10. Горонимлар-шаҳарлардаги кўчалар номлари.

11. Агоронимлар-шаҳардаги боғлар, хиёбонлар номи.

12. Хороним-катта худудлар (давлатлар, вилоятлар ва бошқалар) номи.

13.Калька- номлар айнан таржима қилинган, маъноси бир бўлсада икки тилда икки хил аталадиган номлар. Қорасув-Сиоб, Қизлсув-Сурхоб.

14.Антропонимлар- кишилар номи, лақаби, фамилияларидан келиб чиққан номлар.

15.Этнонимлар-халқ, қабила, уруғлар номидан келиб чиққан географик номлар.

Кўпчилик топонимика соҳасида ишлаётган олимлар топонимларни йирик ёки майда номлари эканлигага қараб қуйдагиларга ажратадилар:

1.Микротопонимлар бу омонат расмийлаштирилмаган кичик географик объектларнинг атоқли отлари.

Микротопонимлар учун омонатлик, ўзгарувчинлик, ҳаракатчанлик хосдур. Микротопонимлар фақат географик тушунча эмас, маънавий тушунча ҳамдир. Микротопонимлар одатда оғзаки нутқда қўлланилади, камдан кам ёзув маълумотларида ишлатилади. Тилнинг ўзгариши билан микротопонимлар ҳам ўзгаради.Уларнинг кўпчилиги йўқолиб кетиши ҳам мумкин. Микротопонимлар кўп вақтда маълум ҳудудда яшовчилар ичида учратилади. Микротопонимларни яқка шахс яратиши мумкин.

Микротопонимлар иккига бўлинади:

1.Табиий тўқилган микротопонимлар. Булар бирон халқ, қабила маълум ҳудудда узоқ вақт яшаса келиб чиқади.

2.Суний яратилган микротопонимлар, яъни суний яратилган микрообъектлар. Масалан: хаёбонлар, боғлар. Буларга кўпинча яратилиш жараёнида ном берилади.

Микротопонимлар бир тилда сўзлашувчи маълум халқнинг ижодий маҳсулидир. Маълум ҳудудда халқ ва тилнинг ўзгариши микротопонимларнинг ўзгаришига олиб келади.

Микротопонимларнинг сони жуда кўп лекин улар жуда кам ўрганилган.Сурхандарё вилояти Бойсун туманининг ҳудудининг ўзидагина 7 мингдан ортиқ микротопонимлар борлиги маълум.

2. Хақиқий топонимлар-бу ҳарита, маълумотномаларга тушган географик номлардир. Булар микротопонимлардан келиб чиққан, бироқ улар микротопонимлардан тез ажралиб кетади. Демак хақиқий топонимлар табиий ва сунъий объектларнинг яқка номи. Улар объектни хусусиятини ўзида акс эттирмайди. Булар ҳар-хил халқ ва турли тиллар махсулидир, жуда кўп ишлатилади ва ўзи жойлашган худуддан бошқа жойларда ҳам маълумдир.

3. Макратопонимлар-бу кэнг худудлар, катта объектлар (материклар, океанлар, тоғлар ва бошқалар)нинг атокли отлари. Булар олимлар сайёҳлар томонидан берилади ва расмийлаштирилади. Масалан: Осиё, Арктика, Турон текислиги ва бошқалар

Шуни қайд қилиш керакки, ер шаригадаги кўпгина худудларнинг умумийлаштирилган номлари йўқ. Макратопонимлар баъзида ерли аҳолига маълум бўлмайди, чунки улар асосан микротопонимлар ва хақиқий топонимлардан фойдаланадилар.

Миллий мустақиллик халқимиз тарихида янги уйғониш даврини бошлаб берди. Рус чоризми ва тоталитар тузум иллатлари ва тазйиқидан холос бўлиб, ўтмиш тарихимизни, аждодларимизнинг бой илмий-маданий меросини янгича рух ифтихор ва шижоат билан холисона ўрганишга киришдик. Барча жабҳада бўлаётган ислохотлар сингари маънавий ҳаётимизда ҳам чуқур ҳамда янгича тафаккур асосида кэнг тадқиқот ишлари олиб борилмокда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Мадомики ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни энгиб бўлмас экан. Биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур”.

6.3. Географик муҳит ва этногеография.

Юртбошимиз тарихчилар олдига қўйган энг долзарб ва устивор вазифалар-миллий давлатчилигимиз тарихи ва ўзбек халқининг этногенезини тадқиқ этишда этнография (этнология)-элшунослик (халқшунослик) фанининг ўрни беқиёсдир. Этнография кўп қиррали

ижтимоий фан бўлиб, унинг асосий тадқиқот объекти миллатлар, халқлар ва элатлар (етнослар) ҳисобланади.

Жаҳон халқлари этнографияси фани ер юзаидаги халқларнинг келиб чиқиши (етногенези), ўзига хос моддий ва маънавий маданияти, антропологик (ирқий) ва лингвистик (тил) белгилари, анъанавий хўжалиги, маросим ва урф-одатларини ўрганиш жараёнида ҳар бир этноснинг жаҳон цивилизациясида ўзи эга эканлигини кўрсатади.

Дунёдаги 5 та қитъада яшаётган 7 млрд.дан ошиқ аҳоли муайян ҳудудда нотекис жойлашган. Ҳозир жаҳон аҳолиси ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузумига қараб, турли типдаги этнослардан-миллат, халқ, қабилавий бирикма ёки айрим қабилалардан иборатдир.

Тарихий жихатдан илк этнос типи-ибтидоий жамоа қабиласи бўлиб, у дастлаб бир неча қариндош-уруғлардан ташкил топган. Ҳозирда ҳам сақланган қабилалар улардан тубдан фарқ қилиб, бир неча юз кишидан миллионгача етадиган аҳолидан иборат. Уларда ибтидоий тузум элементлари сарқит сифатидагина сақланган. Амалда феодал ёки бозор муносабатлари тизимига тортилган бўлиб, ижтимоий табақаланиш белгилари сезилиб туради. (мас. Эрондаги белужий ва қашқайлар). Бундай муносабатлар кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларда кўпроқ сақланган.


Дастлабки қабилавий табақаланиш ибтидоий-жамоа тузумини емирилиши билан боғлиқдир. Кейинчалик қариндошлик ўрнига ҳудудий муносабатлар шаклланди. Шимолий Америкадаги ирокезлар лигаси, мексикадаги астяклар, жанубий африкадаги зулуларнинг қабилавий иттифоқи шулар жумласидандир. Ирқларнинг пайдо бўлиши биологик асосга эга бўлиб, этнослар билан ирқларнинг жойланиши бир-бирига камдан-кам мувофиқ келади. Аслида ирқлар қитъаларнинг катта ҳудудларида жойлашиб турли ва ҳар хил тилдаги этносларни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, Африкада яшаб бир неча тилда сўзлашадиган халқ ва элатлар негроид ирқига оид бўлса, Шимолий Америкада турли ирқлардаги кишилар бир тилда сўзлашадиган Америка миллатини ташкил қилади. Баъзан халқлар диний

этикод асосида ўзига хос микроэтностлар ва макроэтностлар бирлиги билан ҳам фарқланадилар. Масалан, бутун Жанубий Осиё халқлари феодализм даврида пайдо бўлган индуизм теварагида турли тилдаги халқларни бириктирган макроэтностлар бўлса, Филиппин халқининг бир қисми ислом дини этикоди асосидаги маро номли элатлардир. Эрондаги гебрлар (зоастризм тарафдорлари) ёки Хитойдаги мусулмон (дунгон)лар микроэтност сифатида махсус этнографик гуруҳларни ташкил қилганлар. Макроэтностларга ижтимоий-иқтисодий формациялар ёки сиёсий birlik асосида пайдо бўлган йирик гуруҳлар ҳам киради. Хуллас, кўп сонли жаҳон халқлари тартибга солиб, классификациялаш анча мураккаб масаладир.

Аҳолини рўйхатга олиш жараёни уларга хос бўлган демографик ҳолат хусусиятларини аниқлаб қолмай, балки, аҳолининг ирқий, миллий таркибига хос кўрсаткичларга эга бўлиш имконини яратиб беради. Давлатларга хос имкониятлар асосида ҳар 5 ёки 10 йил оралиғида ўтказиладиган рўйхатга олиш жараёнлари маълумотларини таҳлили давлатлардаги этник таркибдаги ўзгаришларни яққол кўрсатиб беради. Лекин, бу жараён ҳар бир давлатда ижтимоий ҳолатга хос жиҳатларни кўрсатиш билан бирга турли нохушликларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Масалан, Буюк Британиядаги 1971, 1981, 1991 йилларда бўлиб ўтган рўйхатга олиш ишлари вақтида бир қатор ирқий, миллий асосдаги тартибсизликлар келиб чиққан. Шу билан бирга этник кичик гуруҳларга нисбатан юзага келган тазйиқлар 2001 йилда ўтган аҳолини рўйхатга олиш ишларида аҳолининг берилган анкета саволларига нисбатан мужмал жавоблар берилишига сабабчи бўлган. Бу ҳолатда айниқса, полициянинг аралашуви ишнинг янада чигаллашувиغا олиб келди.⁹



⁹ N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005. P. 253



География тарихи дала тадқиқот хусусиятлари асосида белгиланган. Бундан анча даврлар олдин миқдорий таҳлил ва таҳлилий билимлар дунёвий манзара баёни ва унда истиқомат қилувчи одамлар ҳақидаги билимлар мажмуаси ерни тасвирлашга қаратилган – гео-ер, graphy - тасвирламоқ (Зелинский, 2001: 3-4). Албатта, ер, унинг ресурслари ва унинг халқини эрта каталоглаштириш мустамлакачилик сиёсати номидан қилинган ва ушбу ҳолатлар бир қатор географлар томонидан танқид остига олинган (Годлевска ва Смит, 1994; Драйвер, 2001). Бошқа гуруҳ олимлар учун дала тадқиқотлари ўта жасурликни талаб этувчи ҳолат сифатида юксак баҳоланади. Лекин кўп географларда қандай ландшафт ҳосил бўлган, улар инсонлар билан ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этиш учун кучли қизиқиш бор. Тарих ва табиий ҳамда иқтисодий география ўз тадқиқотларида талабаларнинг ландшафтлар ва уларда истиқомат қилувчи аҳоли ҳақидаги муаммоларни ҳал қилишга йўналтиришга ҳаракат қиладилар.

1960 йилга келиб, миқдорий ўзгаришларга қаратилган инқилобий ўзгаришлар камая (Рундстром ва Кензер, 1989) бошлади. Миқдорий ўзгаришларни ўрганувчи иш гўёки табиий ва инсон жараёнларини бошқариш мавҳум қонунлар кашф этишга ҳаракат бошлаб, дала тадқиқотлари билан шуғулланувчи контекстуал таҳлил омма эътиборига ҳавола қилинди. Шу нуқтаи назардан, улар жуда кўп махсус маълумот олишга индивидуал

холларда тадқиқотлар муҳимлигини кўрсатди (Херберт, 2000; Симандан, 2002) .

Қисқаси, дунё ҳақида оддий қизиқувчанлик кўплаб географларни вилоятларга сафар қилишларига сабабчи бўлди. Лекин манзаралар ҳар доим ҳам ҳар қандай шаффоф тарзда намоён бўлиб, уларнинг сирлари ҳеч кимга етказиб берилмайди. Биз ландшафтлар таржимони сифатида, бир қатор тадқиқот тизимларидан фойдаланамиз.

Қисқача қилиб айтганда оддийгина қизиқиш кўплаб географларни турли ҳудудларга йўл олишларига сабабчи бўлади. Лекин ландшафтлар ўз сирларини оммага бир зумда ошкор қилмайдилар. Тадқиқот ва уни таҳлил қилиш жараёни узок муддат талаб қиладиган машаққатли жараён бўлиб, кўп вақт талаб қилади.

Тадқиқотлар мақсади ва уларни ҳал йўлида қуйидаги саволларга жавоб излайди: (1) дала тадқиқотчилари жой ҳақида хулосалар чиқаришда унинг мураккаблиги ва унинг ўзига хос жиҳатлари қандай; (2) дала тадқиқотчилари сифатида жой ҳақида ҳар қандай бундай саволларга тўлиқ жавоб бериш учун қандай усуллардан фойдаланади; ва (3) Қандай қилиб у ерда соҳага хос муқаррар юзага келувчи муносабатларни бошқариш мумкин?

Биринчилардан бўлиб Лос-Анжелес полиция бошқармаси томонидан Стив Герберт этнографик дала тадқиқотлари Лос Анжелес полиция бошқармаси томонидан муҳокама қилинган. Герберт учун бу ҳолат ўз қарашларини бошқа дала тадқиқотчилари орасида исботлаб беришга қаратилган. Ушбу қарашларни доимийлаштириш учун маълум ҳудудларга хос муҳим қонуниятларни кашф этиш зарур.

Мисол учун, икки турли шаҳарларини ўрганиш, умумий фикрларга таянган ҳолда таҳлил қилиш ёки икки хил дарё тизимлари мувозанат ўзига хос назарий концепция асосида таҳлил қилиниши мумкин. Лекин назариянинг асосий хусусияти - кўндаланг таққослашни тақаззо этади, шу бир вақтда унинг тарқоқ табиати мураккаблиги эътиборсизлик қилмаслик керак. Дала тадқиқотчисини топиш, уни зарурий йўналишга йўналтириш ўта

муҳим масала бўлиб, дала тадқиқотчиси бир вақтнинг ўзида жалб қилиш ва хулоса қилиш имкониятига эга бўлиши керак. Географлар назарияларни кашф қилишда қандай саволлар аниқлашга ёрдам беради, улар нимадир аниқлаш учун ишонч ҳосил қилиш учун ҳаракат қилмоқда. Ва бу яширин назарияси, соҳада мураккаб саволлардан бири бўлади.

Жаклин Галлагхер тадқиқотларда иштирок этаётган табиий географларни назария саволлари камроқ ўйлантиришини айтиб ўтган. Назариянинг марказий саволлари ўзига хос ҳодисаларни тушунтириб бериш учун қабул қилинади. Лекин бу ҳолат иқтисодий географияга нисбатан табиий география бир оз осонроқ ўрганати деган маънони англатади¹⁰.

Назорат саволлари:

1. Топонимика ва этногеография фанлари орасида қандай боғлиқлик мавжуд?

2. Ўзбекистонда топонимика фанининг ривожланиш хусусиятларини айтиб беринг.

3. Топонимика тадқиқот усулларини кўрсатиб беринг.

4. Этногеография фанининг ривожланиш тарихи ҳақида маълумот беринг

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рафиқов А., Вахобов Х., Қаюмов А., Азимов Ш. Амалий география – Т.: 2008.

2. Рафиқов А.А., Хожиматов А.Н., Алимқулов Н.Р., Холмуродов Ш.А. Геоэкология асослар иқлим – Т.: 2015.

3. Солиев А. Ўзбекистон географияси иқлим – Т.: 2014

4. N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005

¹⁰ N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005. P. 226-229.

7-мавзу: Географияда картографик ёндошув ва унинг муаммолари. ГИС технологиялари

Режа:

1. Картография фани ривожланиш хусусиятлари.
2. Картография фани ривожланиш тарихи.
3. ГИС технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари

Таянч иборалар: Топография, картография, картографик усул, ГИС технологияси.

7.1. Картография фани ривожланиш хусусиятлари.

Топография ва картография асослари фани географик фанлар ичида муҳим фанлардан бири бўлиб, унда кишилик жамиятида ва инсон фаолиятида муҳим ҳисобланади. Кишилик жамиятида картанинг ўрни алоҳида бўлиб, турли географик тадқиқотлар ва ер юзасидаги воқеа-ҳодисаларнинг ҳудудий тарқалиши картада яққол намоён бўлади. Географик карталар асосини топографик карталар ташкил қилади. Бирорта ҳудуднинг географик картасини тузиш учун, ўша ҳудуднинг топо плани ва картаси тузилади. Жойнинг топо картасини тузиш учун картанинг негизи ҳисобланган геодезик асос бўлиши зарур. Бу орқали ернинг шакли, катталиги ва бошқа ўлчамлари аниқланади.

Геодезия – (грекча-гео-ер, дио – ўлчаш , яъни ерни ўлчаш деган маънони билдиради) ернинг шакли ва катталигини ўлчаш, ер юзасида ҳар хил инженерлик, лойиҳалаш ишлари ва топографик карта ҳамда план олиш учун зарур бўлган геодезик таянч пунктларини ташкил қилиш усулларини, геодезик асбобларнинг тузилишини ва у билан ишлаш йўллариини ўргатади.

Геодезия олий, қуйи ва инжинерлик геодезияга бўлинади: *Олий геодезия* – ернинг шаклини, унинг ўлчамларини аниқлаш, карталар тузиш учун геодезик нуқталарни барпо этиш мақсадида катта ҳудудларда олиб бориладиган ўлчаш ишлари ва уларни ташкил қилиш билан шуғилланади. *Қуйи геодезия* – ер юзасининг айрим бўлақларини план, карта ва профилларда чизиб тасвирлашдаги ўлчаш усулларини ва геодезик асбоблар

билан ишлаш усулларини ўрганади. *Инженерлик геодезия-инженерлик* иншоатларининг ўрнини қидириб топиш, уни планда, картада ва профилда лойиҳалашда бажариладиган ишлар билан шуғилланади.

Топография – (грекча топос-жой, графо-тасвирлаш) ер юзасининг маълум бмр кичик қисмини план ёки картада тасвирлаш усулларини ўргатади. Ҳозирги вақтда топографик план олишда аэро ва космосуръатлардан фойдаланилмоқда.

Картография-табиат ва жамиятда вақт ўтиши билан ўзгарадиган воқеа ва ходисаларнинг тарқалишини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини, картографик маълумотларни белги-моделлар воситасида кўргазмали равишда тасвирлаш йўлларини ўргатувчи фан ҳисобланади. Картография-қадимий фанлардан бири бўлиб, дастлаб милоднинг 2-асрида яшаган Клавдий Птоломей томонидан фанга киритилган.

Картография фанининг тадқиқот объекти бўлиб, карта ҳисобланади. Карталар бир неча асрлардан буён географик борлиқнинг тасвирий ифодаси сифатида эътироф этиб келинган. Атроф муҳитни англашдаги самарали ва фойдали восита ҳисобланган карталар тадқиқ қилинувчи ушбу фанга географиянинг бир ажралмас бўлаги сифатида қараб келинган.¹¹

7.2. Картография фани ривожланиш тарихи.

Топография ва картография асослари фани тарихи ҳам бошқа фанлар қатори тарихий манбалар асосида ўрганилади. Дастлабки картографик тасвирлар ибтидоий жамоа даврида пайдо бўлган. Масалан, милоддан аввалги икки мингинчи йилларда Шимолий Италиядаги тоғларда тошларга йўллар, дарёлар ва суғориладиган ерлар тасвирланганлиги маълум ва улар ҳар хил чизиқли шакллардан ташкил топган. Бундай тасвирлар қадимги Вавилония шаҳрининг археологик тасвирларида ҳам учрайди. Ўрта Осиё ҳақидаги дастлабки географик ва картографик маълумотлар милоддан аввалги 5-асрларда яшаган юнон алломаси Геродот томонидан ёзилган асарларда учрайди. К.Птоломей томонидан яратилган “География” китобида

¹¹ N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography:Fundamental Debates. USA 2005. P. 189

27 та картадан иборат “Дунё атласи”ни яратади, бу атласда даража турлари ҳам тасвирланади. Юнон олими Эротосфен томонидан ер юзасидаги жойларнинг ўринлари, кэнглик ва узоқлик орқали аниқлаш ва градус ўлчаш йўли билан аниқ ўлчаш усуллари ишлаб чиқилган. Страбон томонидан яратилган китобларда ернинг шарсимонлиги ва уни ўлчаш усуллари тўғрисида, ўша даврларда маълум бўлган ҳудудларнинг карталари ва уларнинг географик тасвирлари баён этилган.

Мазкур фаннинг ривожланишига Ўрта Осиёлик бир қанча алломалар ўз ҳиссаларини қўшишган. Хусусан, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Беруний, М.Қошғарий, З.М.Бобур, Ҳайдар Мирзо каби алломалар шулар жумласидандир.

9-асрнинг бошларида ал-Хоразмий томонидан 1⁰ ёй узунлигини ўлчаш бўйича экспедициялар ўтказилган, “Дунё атласи”ни яратиш бўйича ишлар амалга оширилган. Унинг “Суръати-ал-арз” китоби “Хоразм географияси” номи билан машҳур бўлиб, унда ўнлаб карталар ва уларнинг изоҳлари берилгандир.


Ал-Фарғонийнинг геодезия соҳасидаги ишлар кўп бўлиб, “Ал-Комил фил устурлоб” (Устурлоб тўғрисида мукаммал маълумотлар) ва “Устурлоб санъати тўғрисида” номли асарлари геодезик ўлчаш ишларини бажаришда асосий манбалар бўлиб ҳисобланади.

7.3. ГИС технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари.

А.Р.Берунийнинг 11-12 асрлардаги геодезия ва картография фанларига қўшган ҳиссаси каттадир. Унинг “Картография” номли асарида даража тўри, шарни текис юзага кўчириш ва картографик проекциялар, осмон глобусини яшаш тўғрисидаги маълумотлар берилган. “Ҳиндистон” китобида турли шаҳарларнинг географик координаталарини ҳисоблаб, уларни текис юзада тасвирлаган ва дунёдаги 600 дан ортиқ жойларнинг географик координаталарини аниқлаган. Беруний томонидан бундан ташқари “Дунё картаси” ва 995 йилда “Дунё глобуси”ни яратган.

М.Қошғарий 11 асрда Ўрта Осиёда картография фанида карталарга ранг бериш ва шартли белгилардан фойдаланиш ишларини амалга оширган. М.Улуғбек даврида унинг шогирди Али Қушчи Самарқандий ясаган дунё картаси ва ер шари глобуси ушбу фаннинг ривожланишида муҳим манба бўлиб хизмат қилган. 19-асрда Ҳожи Юсуф Мирфаёзов томонидан ясалган глобусда (бўйи 117 см, ер шари айланаси узунлиги 160 см, масштаби 1:25000000 (1см-250км)) меридиан ва параллеллар қора рангда, тропик чизиқлар қизил рангда берилган.

Бундан ташқари ўрта асрларда Европада картография фани буюк географик кашфиётлар даврида ривожланди ва махсус карталар тузилган. 16-аср ўрталарида ғарбда компас ёрдамида оддий ўлчаш усули билан олинган топографик планлар вужудга келган. 1570 йилда яратилган Авраам Ортемейнинг “Ер шари манзараси”, 1569 йилда яратилган Герард Меркаторнинг “Дунё картаси” ва “Дунё атласи”, Вегенернинг “Денгиз атласи” сермазмунлиги билан ажралиб туради.



Халқаро Картографик уюшмаси (ХКУ) картага “географик ҳақиқат хусусиятларни ифодаловчи рамз тасвири” сифатида таърифлайди (ХКУ, 1995: 1). Хариталар минглаб йиллар “танланган хусусиятлар ёки географик ҳақиқат хусусиятлари” кўринишида “география” деб номланган ва эътироф этиб ўрганилган фандан анча олдин пайдо бўлган. Лекин биз атрофимизни

Ўраб турган кўплаб объектларни тасвирловчи қадимий карталарни география фани томонидан ўзининг тўлдирувчи воситаси сифатида қабул қилинди. Карталар ва картография фаннинг инсоният ва турли жисмоний шахслар учун зарур бўлган хос хусусиятларини ифодалайди. Визуаллаштириш ёки илмий визуаллизация карталардан кўра анча ёш бўлган, компьютерлар ва компьютер графикаси кучиндан фойдаланган ҳолда бошқарув органлари томонидан дунё ҳақидаги билим ҳосил қилиш воситаси сифатида эътироф этилувчи тушунча ҳисобланади (Маккормик ва бошқ, 1987.). Компьютер теологиясидан фойдаланган ҳолда илмий визуализация тобора катта ва мураккаб рақамли маълумотларни ўзлаштирган ҳолда табиий объектларнинг тасвирини «ғойибдан кўриши» керак. Мазкур ҳолатларни қабул қилган географлар ва картографлар бу тушунчани қабул қилганлар. Натижада карталар ва картография ҳақидаги анъанавий тушунча бир парча қоғоз шаклидан секин аста кўпроқ компьютер хариталаш билан алмаштирилди ва электрон ҳолда сақлана бошлади.

Карталар ва карта билан қизиқиш мактаб давларидан бошланади. Масалан, мени Викториан давридаги Лондон ҳақида намойиш қилинган сериални томоша қилиш асосида карталар ва картография қизиқтириб кўйган. XIX асрда Лондондаги ижтимоий ва турмуш шароитлари билан бирга ушбу дастурда вабо эпидемияси ҳамда ифлос ичимлик суви билан таъминланганлик ҳолати карталар ёрдамида тасвирлаб берилган эди. Бу боғлиқликни хариталар ёрдамида тадқиқ этиш асосида вабо ва ифлос ичимлик суви ўртасидаги боғлиқлик кўриб чиқилиб, зарарли газлар ва Лондондаги коллектордан ва чиқаётган оқава сувлар сабаб деб қабул қилинди. Ушбу ҳолатларни ўрганган доктор Жон Снов 1854 йилда катта сил эпидемияси пайтида, Лондоннинг машҳур табиби сифатида тасвирланади ҳамда у карта асосида Голден-сквер кўчасидаги эпидемиянинг ўчоғини реал манбасини изоляция қилиш орқали касалликни бартараф қилганлиги қайд қилинади. У мазкур кўчаларни карта ёрдамида ўрганиб чиқиб (1-расмга қаралсин) сув насосининг алоҳида уланган касаллик келтириб чиқишининг


очик-ойдин маълумотлар олиш учун тадқиқотчиларга ёрдам беради. Улар тезислар ва ғояларни ифодалаб берувчи восита сифатида эътироф этилади.

Баъзи ҳолларда, фақат чоп этилган карта юқорида таъкидланган хусусиятларнинг фақат тўртинчи босқичини англатади.

Улар замонлар оша доктор Снов тадқиқ қилган карталардан ҳозирги вақтга келиб анча ўзгариб кетганлиги ҳаммага маълум. Айниқса соҳада сўнгги 30 йил ичида компьютер технологиялари ёрдамида янги босқичларга олиб чиқилди. Компьютерлар инсонларга карталардан фойдаланишнинг янги йўллари очиб берди. Энди компьютер ёрдамида нафақат турли касалликлар тарқалиш ҳолатини, балки дастурий таъминот ва хариталаш таъсирида осонлик билан зарурий хариталарни яратишингиз мумкин. Энг муҳими, компьютер хариталаш фойдаланувчининг карта билан таъсир ўтказишнинг юқори даражасини кўрсатиб беради. Натижада, Макикрен (1994а) ДиБиасенинг карталардан фойдаланишнинг концептуал моделини компьютер технологияси ёрдамида қайта кўриб чиққан ҳолда замонга мослаштириган. Картадан фойдаланишнинг бу модели Картография сифатида танилган бўлиб, унинг график тасвири 2- расмда берилган¹².

2-расм

Картографик тадқиқотлар ёрдамида карталар яратиш жараёни



¹² N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005. P. 189-195.

Назорат саволлари:

1. Топография ва картография асослари фанининг географик фанлар тизимидаги тутган ўрнига баҳо беринг.
2. Бу фаннинг ривожланиш тарихини таҳлил қилинг.
3. Масштаб ва карталарни гуруҳлаштиринг.
4. ГИС технологиялари география фанлари ривожланишига қандай таъсир кўрсатади?
5. ГИС сўзининг луғавий маъносини айтиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рафиқов А., Вахобов Х., Қаюмов А., Азимов Ш. Амалий география – Т.: 2008
2. Алимқулов Н.Р., Абдуллаев ИҚЛИМХ., Холмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.
3. N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005. P. 189

**8- мавзу: География, геоэкология ва табиатни муҳофаза қилиш.
Табиий офатлар географияси. Географик маданият ва глобал
муаммолар географияси.**

Режа:

1. Геоэкология фани ривожланиш хусусиятлари.
2. Географияда табиатни муҳофаза қилиш масалаларининг тадқиқ этилиши.
3. Глобал муаммолар ва уларнинг назарий таҳлили

Таянч иборалар: экология, геоэкология, биосфера, абиотик ва биотик омиллар.

8.1. Геоэкология фани ривожланиш хусусиятлари.

“Экология” атамасини фанга биринчи бўлиб немис олими Эрнст Геккел 1866- йили киритган. Лекин ҳозирги кунда жуда оммалашиб кетган бу атаманинг мазмуни (Грекча «Ойкос»-уй, яшаш жойи, логос»-фан) ушбу фаннинг асл моҳиятини тўла тушуниш имконини бермайди. Экология ҳаёт жараёнларини ўзига хос услубларда тадқиқ қиладиган мустақил фан ҳисобланади. Экология биологик фанлар туркумига киради ва ҳозирги кунда бу фаннинг ижтимоий ҳаёт билан бевосита боғланган тармоқлари ҳам ривожланмоқда.

Экологиянинг жуда кўп таърифлари мавжуд. Улардан бирида шундай дейилади: «Экология организмларнинг (ҳар қандай кўринишдаги, барча даражада уйғунлашган) ҳаёт фаолиятини қонуниятларини улар ҳаёти кечадиган табиий муҳитда инсон омилининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўрганадиган фандир» (В.А.Радкевич, 1977).

Тирик табиат қандай тузилган, қайси қонунлар асосида мавжуд ва ривожланади, инсон таъсирига қандай жавоб беради-буларнинг барчаси экологиянинг предмети ҳисобланади. Ҳозирги кунда экологиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- 1) ҳаётнинг ташкил топиш қонуниятларини инсон таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш;

2) биосферадаги жараёнларни ўрганиш, бошқариш, башорат қилиш, инсоннинг яшаш муҳитини сақлаш;

3) биологик ресурслардан оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини яратиш ва бошқалардир.

Дастлабки экологик тушунчалар қадимги юнон олимлари асарларида қайд қилинган. Ўсимлик ва ҳайвонлар, инсон ҳаётининг атроф муҳит билан боғлиқлиги Ибн Сино, Беруний асарларида ҳам ёритилган. XIX-асрга келиб экология илмий асосда А.Гумболдт, Ж.Ламарк, К.Руле, Ч.Дарвин, Э.Геккел асарларида ёритилди. Лекин экологиянинг фан сифатида шаклланиши XX-аср бошларида амалга ошди. Дастлаб ўсимликлар ва ҳайвонлар экологияси, XX асрнинг 20-йилларидан ижтимоий экология ва инсон экологияси ривожланди. 20-30 йилларида Ўрта Осиё Давлат университетида Д.Н.Кашкаров ва Е.П.Коровинларнинг экология-география мактаби ташкил этилиб, ўлкамиз табиатини экологик тадқиқот қилиш бошланди. 1940-50 йилларда собиқ иттифоқда экологик билимларнинг ривожланиши сусайиб қолди. Атроф-муҳит ҳолати тез ўзгара бошлаган XX асрнинг 60- йилларига келиб экология жадал ривожланди, турли янги йўналишлари вужудга келди.

Умумий экология барча организмларнинг алоҳида даражаларда муҳит шароитлари билан ўзаро муносабатлари экологиясини ўрганади. Ҳозирги кунда экологиянинг ижтимоий ва табиий фанлар чегарасида ривожланаётган тармоқларига инсон экологияси, социал экология, геоэкология, глобал экология ва бошқалар киради. Экология умумбиологик фан бўлиб, барча хусусий биологик фанлар таркибига киради ва ўз навбатида комплекс биологик фанларнинг асоси ҳисобланади. Экологиянинг ижтимоий ва табиий фанлар чегарасида вужудга келган тармоқлари фанлар тизимида ўзига хос ўрин эгаллайди.

2. Организмни ўраб турувчи ва у билан доимий муносабатда бўладиган табиатнинг бир қисми ҳаёт муҳити деб аталади. Ер юзида организмлар тўрт ҳаёт муҳитини ўзлаштирганлар - сув, ҳаво, тупроқ, организм. Организмларнинг яшаши учун бир ёки бир нечта муҳитлар зарурдир. Ҳаёт

муҳитлари алоҳида яшаш муҳитларига бўлинади. Яшаш муҳити – ҳаёт муҳитининг географик ва экологик хусусиятлари билан ажралувчи қисмидир. Масалан: сув ҳаёт муҳитида чучук ва шўр сувли яшаш муҳитлари, оқар ва оқмас сув яшаш муҳитлари ажратилади. Яшаш муҳити яшаш жойи ва биотопларга бўлинади.

Ҳаёт муҳитининг организмларнинг яшаш фаолиятига таъсир кўрсатиладиган элементлари ёки хусусиятлари муҳит омиллари ёки экологик факторлар деб аталади. Жонсиз (абиотик), жонли (биотик) табиат омиллари ва инсон (антропик) омил гуруҳлари ажратилади. Экологик омиллар барча организмлар ва инсоннинг ҳаётига турли даражада таъсир кўрсатади. Организмларнинг (шу жумладан инсоннинг) экологик омиллар таъсирига мослашув хусусиятлари йиғиндиси адаптация дейилади. Экологик омиллар таъсирига чидамли ва ер юзидан кэнг тарқалган организмлар эврибионт организмлар дейилади. Омиллар таъсирига чидамсиз организмлар стенобионтлар деб юритилади. Фақат алоҳида организмлар эмас, балки организм жамоаларининг ҳам муҳит омиллари таъсирига мослашуви кузатилади.

МУҲИТНИНГ ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАРИ ТАСНИФИ

1. Абиотик омиллар
2. Биотик омиллар
3. Иқлимий: ёруғлик, ҳарорат, намлик шамол, босим.
4. Эдафоген: тупроқ хусусиятларининг организмларга таъсири
5. Фитоген: ўсимликлар таъсири Зооген: ҳайвонлар таъсири
6. Орографик: ер юзаси паст-баландликларнинг таъсири
7. Гидрологик: сув муҳити хусусиятларининг организмлар ҳаётига таъсири
8. Микробоген: вируслар, бактерияларнинг организмларга таъсири
9. Антропик омиллар
10. Инсоннинг организмларга бевосита ва яшаш муҳитларига таъсири

Инсон ва атроф муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатлар кескинлашган, фан-техника жадал ривожланаётган даврда табиатни муҳофаза қилиш энг асосий муаммолардан ҳисобланади. Табиатни муҳофаза қилиш тушунчаси инсоннинг атроф муҳитга салбий таъсири юзага келган узок ўтмишдан яхши маълум. Агар илгари табиатни муҳофаза қилиш деганда маълум амалий тадбирлар мажмуаси тушинилган бўлса, сўнгги йилларда алоҳида комплекс фан шаклланмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш антропоген модда ва энергия алмашинуви қонуниятлари, бу жараённинг табиат ва жамият ўзаро алоқадорлигига таъсири хусусиятлари, инсониятнинг келажак ривожланиши мақсадларида ушбу жараённи бошқариш йўллари ишлаб чиқадиган фандир. Ушбу фаннинг социология, социэкология, антропоценология, табиатдан фойдаланиш каби турли номлари ҳам таклиф қилинган.

8.2. Географияда табиатни муҳофаза қилиш масалаларининг тадқиқ этилиши.

Табиатни муҳофаза қилиш жамият ривожланишининг турли босқичларида мақсад ва мазмунига кўра фарқланган. Табиатни муҳофаза қилишнинг дастлабки босқичида йўқолиб бораётган алоҳида ўсимлик ва ҳайвон турларининг муҳофазаси амалга оширилган. Инсониятнинг эҳтиёжлари ўсиши билан табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш босқичи вужудга келган. XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб табиий ресурслар билан бир қаторда алоҳида ноёб табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш босқичи ажратилади. Атроф муҳитнинг ҳозирги замон экологик муҳофазаси босқичи инсоннинг табиатга таъсири умумсайёравий миқёсга етган XX асрнинг ўрталаридан бошланган.

Бу босқичнинг асосий вазифаси экологик системаларни муҳофаза қилиш, уларнинг ўз-ўзини тиклаш қобилиятини таъминлаш ва биосферадаги мувозанатни сақлашдир.

Табиатдан фойдаланиш, уни ўзгартириш ва табиатни муҳофаза қилиш ўзаро чамбарчас боғланган жараёнлар ҳисобланади. Табиатни муҳофаза

қилишнинг ҳозирги асосий вазифалари – табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, чиқиндисиз ишлаб чиқаришни жорий қилиш, атроф муҳитни ифлосланишдан сақлаш, салбий ўзгаришларни башорат қилиш ва уларнинг олдини олишдан иборатдир. Табиат муҳофазаси ҳақидаги фан жуда серқирра бўлиб, у фақатгина география, биология, физика, химия, иқтисод ва бошқа кўплаб табиий ва ижтимоий фанлар туташган жойдагина муваффақиятли ривожланади.

Инсоннинг табиатга бевосита ва билвосита, ижобий ва салбий таъсир шакллари ажратилади. Ўрмонларнинг кесилиши, ҳайвонларни овлаш, янги ерларни ўзлаштириш, конларни қазиб олиш натижасида инсон табиатга бевосита таъсир кўрсатади. Инсоннинг табиатга билвосита таъсири бевосита таъсирининг салбий оқибатлари сифатида намоён бўлади. Масалан, янги ерларнинг ўзлаштирилиши ҳам ўсимлик ва ҳайвонларнинг қирилишига олиб келади. Ташландиқ ерларни, ўрмонларни тиклаш, кўкаламзорлаштириш, ўсимлик ва ҳайвонларни кўпайтириш инсоннинг табиатга ижобий таъсирга киради. Ҳар қандай ижобий таъсирнинг ҳам салбий оқибатлари бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда инсоният олдида турган энг катта муаммолардан бири бу-табиатни муҳофаза қилишдир.

Табиий ресурслар-бу инсоннинг яшаши ва хўжалик фаолияти учун зарур бўлган ҳамда унинг хилма-хил эҳтиёжини қондирувчи ягона манбаадир. Инсон ўзи учун керакли озиқ-овқатни, кийим-бош, ёқилғи ва энергия, саноат хом ашёси, қурилиш материаллари ва бошқа кўп нарсаларни табиатдан олади.

Инсон табиатдан оладиган барча моддий бойликлар-ер ости, ер усти, сув, ҳаво, ўсимликлар, ҳайвонот олами ва бошқалар табиий ресурс ҳисобланади.


Табиий ресурсларнинг тугайдиган ва тугамайдиган турлари мавжуд.

Жамият ҳаётини яшаш воситаси бўлган турли табиий ресурсларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Табиий ресурс деганда инсоннинг ҳаёти, хўжалик

фаолияти учун зарур бўлган барча табиий жисмлар, ходисалар, жараёнлар тушунилади.

8.3. Глобал муаммолар ва уларнинг назарий таҳлили

Глобал муаммолар деб жамият ривожланиши билан юзага келган, инсоният учун хавф туғдирувчи ҳамда уларни ҳал этиш учун жаҳон ҳамжамиятининг биргаликдаги фаолиятини талаб этувчи муаммоларга айтилади.



Глобал муаммоларнинг асосий турлари:

- ❖ Тинчликни сақлаш муаммоси
- ❖ Экологик муаммо
- ❖ Демографик муаммо
- ❖ Энергия билан таъминлаш муаммоси
- ❖ Хом ашё муаммоси
- ❖ Озиқ-овқат муаммоси
- ❖ Дунё океанидан фойдаланиш муаммоси
- ❖ Космосни тинч мақсадларда ўзлаштириш муаммоси
- ❖ Қолоқликни бартараф этиш муаммоси ва б.

Мазкур муаммолар келиб чиқиши ва ривожланишини ўрганиш кўпгина фанларнинг тадқиқот доирасидаги масалалар бўлиб ҳисобланади. Социал фанлар билан бир қаторда географик фанлар ҳам глобал муаммоларни тадқиқ қилишга тэнг ҳақли бўлиб ҳисобланади. Хорижий географик тадқиқотлар

таҳлили глобал экологик муаммо, тоза сув билан таъминланиш муаммоси ва унинг ечимига катта эътибор қаратилишини кўриш мумкин¹³.

Тинчлик ва қуролсизланиш.

Тахминан 14,5минг марта уруш бўлган 3,5млрд одам ўлган. 1980 йили қуролланишга 1трлн АҚШ доллари сарфлаган.

Экологик муаммо.

Экологик “чиқиндини космосга” углерод оксиди сульфат гази (Турсунзодада фтор гази, мол тиши, анор гули) CO₂ни атмосферада кўпайиб бориши ҳаво ҳароратини 3-4⁰га кўтаради. +2⁰С исиса муз эриб ярим метр сув босади, иқлим. ўзгаради.

Атмосфераси углерод оксиди билан энг кўп ифлосланган давлатлар: Япония (2,9 минг т. 1 км² ҳудудга), Германия (2,5), Буюк Британия (2,4), Франция (0,7), АҚШ (0,5), Россия (0,1), Хитой (0,3).

Демографик. БМТ томонидан оилани режалаштириш. Дунё аҳолисининг ўсиши 1960 йил-2%, 1980 йил-1,6%, аср охирига бориб 1,5%, 2100 йиллар-1,2% бўлади.

Аҳоли-экология-иқтисодий-ижтимоий ривожланиш.

Энергетика ва хом-ашё муаммолари.

Мазкур муаммо келиб чиқишини 1-сабаби жаҳон хўжалигини энергетика ва хом-ашёга нисбатан “иштаҳасини” жуда ошиб бораётганлигидир.

Масалан: XX асрда қазиб олинган бутун кўмирнинг 40%, темирнинг 55%, нефт ва табиий газнинг,бокситнинг 80%и сўнги 20йилликка тўғри келади.

2-сабаби текширилган захираларнинг чекланганлиги.

3-сабаби дунёдаги айрим регионлар ва мамлакатларнинг табиий ресурслар билан бир хил таъминланмаганлиги. Масалан: Форс кўрфази бўйи мамлакатларида жаҳонда аниқланилган нефт захирасининг 2/3 қисми мавжуд. Масалан: Саудия Арабистонида ЯИМ 95%и нефтдан келади.

¹³ N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography:Fundamental Debates. USA 2005. P. 32

Озиқ-овқат муаммоси.

Медикларнинг ҳисобига кўра, инсон истеъмол қиладиган таомнинг калориялик медицина нормаси суткасига 2300-2600 ккал ва 70-700г оқсилдан кам бўлмаслиги керак. Лекин БМТ маълумотига кўра, дунё аҳолисининг 1/3қисми (ривожланган мамлакатлар)гина шундай озиқ билан таъминланган холос.

Озиқ-овқат билан таъминланганлик даражаси бўйича аҳоли жон бошига ҳисобланганда Италия 1-ўринда. Африкада эса Ливия.

Ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат муаммоси анча мураккаб. Дунёда етиштириладиган ғалла ҳосилининг 1/3қисми, гўшт, сут, тухумнинг 15-20%и ана шу мамлакатларга тўғри келади. Масалан: Индонезия, Покистонда аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш 4кг (йилига). Ҳиндистонда 1,5-2кгни ташкил этгани ҳолда, АҚШ, Франция, Австралияда бу кўрсаткич 100кг дан ортиқ.

Озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш учун 2 хил усулдан фойдаланиш мумкин:

1.Экстенсив йўл.

2.Интенсив йўл.

XX аср мобайнида суғориладиган эрлар майдони 4млн. гектардан 350млн. гектарга кўпаймоқда. Обикор деҳқончилик жаҳоннинг 135 мамлақатида тарқалган бўлиб, унинг ярмидан ортиғи Осиёга тўғри келади.

Дунё океанидан фойдаланиш муаммоси.

Дунё океанининг ҳар томонлама тадқиқ этилиши ва ўзлаштирилиши “Дунё океани муаммоси”ни келтириб чиқарди.

Энергетика ва хом-ашё муаммосини бартараф этиш учун океан биологик ресурсларидан фойдаланиш. Ҳозирча дунё океани инсониятнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини 2%ини таъминласада, океандан ҳайвон оқсилининг 12-15%и олинмоқда.

ХГМТ туфайли жаҳонда халқаро савдони тезкорлик билан ўсиши Дунё океанида юк ташиш ишлари ҳажмини тобора оширмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларни қолоқликдан чиқариш энг катта умумбашарий муаммо ҳисобланади. Ҳозирда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида аҳолисининг 40%и қашшоқ яшайди. 70дан ортиқ давлат озиқ-овқат маҳсулотини четдан келтиради. Қашшоқлик, очлик сабабли турли касалликлар ва болалар ўлими юқори. “XX аср ўлати” (СПИД) тропик Африканинг қашшоқ мамлакатларида кэнг тарқалган.



География, бир фан сифатида ўзининг аниқ амалий тадқиқотлар ва амалий ечимлари билан сиёсат учун муҳим аҳамиятга эга. Лекин айнан унинг муҳандислик, экология, социология, иқтисод каби фанлардан таъсир жиҳатидан қай жиҳатлари билан ажралиб туради? Кўпгина муаллифлар ушбу ўзига хос жиҳатларни таҳлил қилишга ҳаракат қилганлар (масалан, Кук, 1992, Пасионе, 1999; Массей, 2001). Уларнинг фикрларида ягона бирдамлик бўлмаса-да, географиянинг давлат сиёсатига ижобий таъсир кўрсатадиган камида олти хусусиятлари бор. Табиий ва иқтисодий географияда топиш мумкин бўлган қуйидаги хусусиятлар танлаб олинди.

Фан тараққиёти даврида улар асосан глобал муаммолар ва тизимлар доирасида ривожланиб, атмосфера ва океанлар ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлиги, гео-кимёвий даврлар ва биологик хилма-хилликни тадқиқ қилишда намоён бўлади. Бундай тадқиқотлар кўпинча катта миқдордаги электрон маълумотларни ўз ичига олади: “Фан Интернет ёрдамида кенг тарқалган глобал хусусиятдаги жуда катта маълумотлар тўпламларини

визуаллаштириб, юқори иш фаолиятининга оид этади”. Улар орасида 2004 йилда шахсий компьютерлардан фойдаланиб, дунёдаги энг йирик иқлим башорат қилиш имкониятига эга бўлган иқлимий лойиҳаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Географлар одатда бундай лойиҳаларда бошқа фанлар олимлари билан ҳамкорликда иш олиб борадилар (Ливерман, 1999). Лекин Географиянинг ўзига хос кучи жараёнларнинг катта минтақавий таъсирини тушуниш ва уларнинг глобал моделларини яратиш имкониятига эгаллиги билан ажралиб туради. Масалан, дарёнинг шаклланиши глобал моделлари ва қирғоқбўйини сув олиш сценарийларини яратиш (Рев ва бошқ., 1997).

Минтақалар ва асрлар миқёсида инсон ва табиий омиллар бир-бирлари билан алоқадорликда шаклланиб, математик тадқиқотлар ёрдамида шаклланган моделларга ўзгартиришлар киритадилар. Бу - географик тадқиқотларнинг сиёсат олиб боришдаги жуда зарур бўлган хусусиятларидан бири.

Сиёсат юритишдаги географиянинг, иккинчи хусусияти ўзига хос қадамлар таклиф этиш, мунозара юритиш имконияти билан баҳоланади. Географлар барча ҳудудларда универсал тушунча ёки стратегик шарт-шароитлар мос келмаслигини яхши биладилар. Дунёнинг бир қисми самарали ишлайдиган модел ва албатта, бошқасига мос тушмайди. Куча (1999) тадқиқотчиларни бир жойга хос стратегик қарорларни иккинчи ҳудудга ҳам тадбиқ қилишни истовчи “калтабин” тадқиқотчилар ва маҳаллий шарт-шароит билан таниш бўлган ҳар бир ҳудудга хос ечимлар таклиф этувчи “илмли” тадқиқотчиларга ажратади. Трудджилл ва Ричардс (1997) нуқтаи назарига кўра дунё сиёсати имтиёзлар экологик сезувчанлик билан умумлаштирилган ҳолда амалга оширилиши керак деб ҳисоблайдилар. Бундан ташқари, улар кенг кўлам учун ишлаб чиқилган сиёсат кичикроқ ҳажмдагига нисбатан муваффақиятли бўлмайди, деб огоҳлантирадилар. Ижтимоий ва табиий географлари ҳам бу фикрга қўшиладилар.

Учинчидан, географияга хос тушунчалар ва усуллар бошқа ижтимоий фанлар ва табиий фанлардагига нисбатан кенг қамровли ёндашувни таъминлайди. (Вилес, 2-боб). Социологлар ва табиатшунослар ўртасидаги география бўлимларидаги яқинлик мавжуд бўлиб, улар алоқадорликда атроф-муҳитга хос муаммоларни тадқиқ этадилар. Ижтимоий ва табиий география нуқтаи назарида ушбу алоқадорлик атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ стратегик фанларни ривожлантиради.

Географияда анъанавий, амалий аҳамиятга эга дала тадқиқотларининг мавжудлиги унинг тўртинчи хусусияти бўлиб ҳисобланади. Мустақил тарзда турли намуналар йиғиш, ёки маҳаллий ишчи ва аҳоли билан суҳбатлашиш ҳам ўзига хос тарзда янги билимлар тўплашга асос бўлади. Роналд Кук (1992) кузатишлар аниқ жой бўйича муҳим кўникмалар ҳосил қилишга ёрдам беришига таъкидлайди. Кук, масалан, саҳродаги тош йўлак, у ердаги шамол эрозияси жойларини аниқлашга ёрдам беради деб таърифлайди.

Дала тадқиқотлари бошқа кўникма, усул ва услублар билан алоқадорликда географлар учун асосий илмий билимлар мажмуини ташкил этади. Даврлар ўтиши билан бундай таҳлил ва хариталаш каби усуллар технологик янгиликлар натижасида янада янги аҳамият касб этди. Булар орасида рақамли маълумотларни, масофадаги зондлаштиришни, географик ахборот тизимларини хариталашда автоматик уланиши ва фазовий моделлаштириш имконини яратди. Энди ГИС имкониятлари тадқиқотлар, таҳлил жараёнида кенг қўлланила бошланди (МакДоннелл, 2003). Орфорд ва бошқ. (2003) илмий визуаллаштириш картография билан анъанавий географик алоқалар ажойиб имкониятларни яратишини таъкилдайдилар.

Географиясининг навбатдаги олтинчи ва сўнгги хусусияти. Мазкур фан тўққиз Европа университетларида X асрлардан бошлаб ўқитила бошланган. У орқали аҳоли ўртасида географик таълим ва огоҳликни тарғиб қилинган. Бу фақатгина университет маъруза зали ёки синфлардаги маърузалар сифатида чекланган эмас эди. Улардан ташқари, театр ва черков йиғинлари, вилоят бирлашмалари ва ишчи синф клублари учрашувлардаги маърузаларни

хам ўз ичига олар эди. Ҳозирги даврда эса географик билимларни тарқалишида журнал, телевидение ва веб-сайтлар имконияти кўпроқ бўлади. Хендерсон-Селлерс (1998) илм-фаннинг ахлоқий нормалар билан ҳамоҳангликда ривожланиши “жуда қийин”, деб даъво қиладилар. Мисол сифатида, иқлим ўзгариши ҳақидаги фандаги маълумотлар, оммавий ахборот воситаларида тўғри талқин қилинмаслик оқибатида турли ноаниқликларни яратади. Юқорида санаб ўтилган хусусиятлар географлар томонидан сиёсат шаклланишига ҳақиқатдан ҳам таъсир кўрсатиш мумкинлигини ифодалайди¹⁴.

Назорат саволлари:

1. Экология фанининг ривожланиш босқичларини кўрсатиб беринг.
2. Ўзбекистонда экология фанининг ривожланишининг ўзига хос қандай жиҳатлари мавжуд?
3. Экология ва геоэкология орасидаги умумийлик ва фарқли жиҳатларни айтиб беринг.
4. Глобал муаммоларнинг юзага келиш сабабларини айтиб беринг.
5. Глобал муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклиф этилаётган лойиҳалар орасида энг оптимали қайси бири деб биласиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography:Fundamental Debates. USA 2005. P.280-283
2. Рафиқов А., Вахобов Х., Қаюмов А., Азимов Ш. Амалий география – Т.: 2008.
3. Рафиқов А.А., Хожиматов А.Н., Алимкулов Н.Р., Холмуродов Ш.А.
4. Геоэкология асослари – Т.: 2015.
5. Рафиқов А., Вахобов Х., Қаюмов А., Азимов Ш. Амалий география – Т.: 2008

¹⁴ N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography:Fundamental Debates. USA 2005. P.280-283

5. Алимкулов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Холмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.

6. N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography:Fundamental Debates. USA 2005. P. 32

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Замонавий географияда фанларнинг ўзвий боғлиқлиги, уларни ўрганиш билан боғлиқ масалалар, география таълимидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари.

Ишдан мақсад: География фанлари орасидаги ўзвий боғлиқликни аниқлаш, фанлар тизими билан боғлиқ тўқинчаларга хос тўғри жавобларни топиш.

Топшириқлар

1. Блиц саволларга қисқа жавоб қайтаринг.
2. География фанлар тизимини қисмларга ажратган ҳолда кластер тўзинг

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Фан нима?
2. Фанлар тизими қандай қисмларга ажратилади?
3. Фан нима учун тизимга ажратилапти?
4. География фанлар тизими қандай қисмларга ажратилади?
5. Нима учун фанлар тизими шартли равишда қисмларга ажратилади?
6. Табиий география фанлар тизимига қайси фанлар киритилади?

2.Кластер тўзинг



3. Жадвалда берилган маълумотлар асосида тўғри жавоб жуфтлигини аниқланг.

№	Саволлар	Якка жавоб	Тўғри жавоб	Сизнинг ҳаракатингиз
1.	Фан мақсад ва вазифаларни			Сиёсий ва ҳарбий,

				тиббий, рекреация ва туризм, инженерлик, географик башорат, мелиоратив ва хизмат кўрсатиш географиялари
2.	Табиий фанлар тизими			Тоғ жинслари, сувлар, ҳаво, тирик модда
3.	Техника фанлари тизими			одамзоднинг мавжудлигидир
4.	Ижтимоий фанлар тизими			геодезия ва картография, машинасозлик
5.	Табиий фанлар олдида турган асосий вазифалардан бири			Географик қобик
6.	Умумий Ер билимининг ўрганиш объекти			математика, физика, химия, география, кимё, биология ва геология
7.	Махсус география фанлар тизими			Тарих, фалсафа
8.	Географик қобикнинг таркибий қисмлари			Географик қобик табиатини бир бутун ҳолда ўрганиш
9.	Географик қобикнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим хусусияти			объектив борлиқни бошқаришни усуллари ва йўллари ишлаб чиқиш. Борлиқ ҳақидаги билимларни ишлаб чиқиш ва уларни назарий жиҳатдан тартибга солишдир.
10.	Табиий географиянинг асосий мақсади			фанлараро аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ишлаб чиқишдир.

Назорат саволлари:

1. Фан нима?
2. Фанлар тизими қандай қисмларга ажратилади?
3. Фан нима учун тизимга ажратилапти?
4. География фанлар тизими қандай қисмларга ажратилади?

5. Нима учун фанлар тизими шартли равишда қисмларга ажратилади?

6. Табиий география фанлар тизимига қайси фанлар киритилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ата-Мирзаев О.Б. О современной системе географических наук. «Амалий география» фанининг долзарб назарий ва амалий масалалари қилим – Т.: 2008.

2. Баратов П. Умумий табиий география. –Т.: 2010.

3. Зокиров Ш.С, Тошев Х. Ландшафтшунослик. – Т.: 2013

4. N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005.

2-амалий машғулот:

Географик қобик ва унинг замонавий талқини. География ва антропоген ландшафтшунослик.

Ишдан мақсад: Географик қобик хусусиятлари ва хоссаларини аниқлаш.

Топшириқлар

1. Саволларга қисқа жавоб қайтаринг.

1. Географик қобик - ?
2. Географик қобикнинг асосий хусусиятлари-?.
3. Географик қобикнинг асосий қонуниятлари-?.
4. Географик қобик чегаралари - ?

2. Инсерт – самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда олдиндан берилган маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар асосида тингловчи географик қобик ҳақидаги тушунчаларини аниқлаштиради. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матрни белгилаш тизими

(V) – мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) - янги маълумот


(-) – мен билган нарсага зид

(-) – мени ўйлантирди. Бу борада мэнга қўшимча маълумот зарур

Тушунчалар	V	+	-	?
Географик қобик				
Географик қобик чегаралари				
Географик қобик тушунчасига турли олимларнинг қарашлари				
Географик қобик хусусиятлари				

Географик қобикнинг киёвий таркиби				
Моддаларнинг физик хусусиятлари				
Географик қобик тузилиш даражалари				
Туташ юзалар				
Симметрия				
Диссимметрия				

3. Венна» диаграммаси асосида Географик қобикнинг асосий хусусиятлари моддаларнинг физик ва кимёвий хоссаларини ва улар орасидаги фарқларини аниқланг.



4. Саволларга жавоб беринг:

1. Географик қобикнинг чегаралари деганда нимани тушунасиз ?
2. Нима учун олимлар географик қобикнинг юқори чегарасини озон қатлаמידан ўтказишади?
3. Географик қобик тушунчаси яна қандай таҳлил қилинади?
4. Географик қобикнинг қандай хусусиятларини биласиз?
5. Географик қобикдаги номувознатликнинг асосий сабаби нимада?

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Баратов П. Умумий табиий география. –Т.: 2010.
2. Зокиров Ш.С, Тошев Х. Ландшафтшунослик. – Т.: 2013
3. Низомов А., Алимқулов Н.Р., Тилляходжаева З. Табиий географик жараёнлар. – Т.: 2015.
4. N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005.

3-амалий машғулот: Ўзгарувчан иқлим шароитида табиатдаги ҳодиса ва жараёнларнинг табиий географик жиҳатлари.

Ишдан мақсад: Ўзгарувчан иқлим шароитини юзага келтирувчи омилларни аниқлаш. Унинг таъсирида юзага келган жараёнлар ва улар тарқалган минтақаларни кўрсатиш.

Топшириқлар:

1. Саволларга жавоб қайтаринг.

1. Ўзгарувчан иқлим шароити юзага келишига сабабчи ҳолатларни аниқланг.
2. Табиатни ифлословчи асосий манбаларни аниқланг ва улар натижасида вужудга келаётган ўзгаришларни таҳлил қилинг.
3. Эндоген кучлар таъсирида қандай ўзгаришлар рўй бермоқда?
4. Экзоген кучларнинг иқлимга таъсирини таҳлил қилинг ва уларнинг ижобий ва салбий таъсирини аниқланг.
5. Озон туйнуғи билан боғлиқ муаммонинг шаклланиш сабабларини аниқланг.

2. Инсонни хўжалик фаолиятини таъсирида юзага келаётган ҳодиса ва жараёнларни ва уларнинг оқибатларини жадвалда ифодаланг.

№	Табиат ҳодисаси ва жараёнлари	Юзага келиш сабаблари	Ҳодиса ва жараёнлар кўзатилаётган минтақалар

3. Гуруҳларда муҳокама ва хулосалар чиқариш учун саволлар:

1. Инсоннинг табиатга таъсири нималарга боғлиқ?
2. Инсоннинг табиатга таъсири оқибатида қандай муаммолар келиб чиқмоқда?

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳлар тақдимотини баҳолайди, мезонлар бўйича балларни жамлайди.

Гуруҳлар	Бажарилган ишнинг тўлиқлиги (1,2)	Тушунтириш (мантик ва аниқлик) (1,2)	Фаоллик (саволлар ва жавоблар) (0,6)	Баллар йиғиндиси 3 балл
1				
2				
...				

Назорат шакли (ҳисобот, тақдимот): Кичик гуруҳларда ишлаш натижасида охирига етказилган иш ҳисобот тарзида ўқитувчига топширилади. Бунда берилган топшириқлар ва жадвал тўлиқ бажарилгач иш якунланган ҳисобланади ва тингловчи машғулоти бажарган саналади. Натижалар «аъло», «яхши», «қониқарли», «қониқарсиз» баҳолар кўринишидаги балларда акс эттирилади. Бу машғулотда максимал балл 3 балл ҳисобланади ва қуйидаги мезонларда инобатга олинади:

2,2-3 балл – аъло: хулоса ва қарор қабул қилиш, ижодий фикрлай олиш, мустақил мушоҳада юрита олиш, амалда қўллай олиш, моҳиятини тушуниш, билиш, айтиб бериш, тасаввур ҳосил қилиш даражаларига эга бўлса қўйилади.

1,2-2 балл – яхши: мустақил мушоҳада юрита олиш, амалда қўллай олиш, моҳиятини тушуниш, билиш, айтиб бериш, тасаввур ҳосил қилиш даражаларига эга бўлса қўйилади.

0,5-1,1 балл – қониқарли: моҳиятини тушуниш, билиш, айтиб бериш, тасаввур ҳосил қилиш даражаларига эга бўлса қўйилади.

0-0,5 балл – қониқарсиз: берилган топшириқлар бўйича тасаввурга эга бўлмаса ва билмаса.

Назорат саволлари:

1 Ўзгарувчан иқлим шароити юзага келишига сабабчи ҳолатларни аниқланг.

2. Табиатни ифлословчи асосий манбаларни аниқланг ва улар натижасида вужудга келаётган ўзгаришларни таҳлил қилинг.

3. Эндоген кучлар таъсирида қандай ўзгаришлар рўй бермоқда?
4. Экзоген кучларнинг иқлимга таъсирини таҳлил қилинг ва уларнинг ижобий ва салбий таъсирини аниқланг.
5. Озон туйнуги билан боғлиқ муаммонинг шаклланиш сабабларини аниқланг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Низомов А., Алимқулов Н.Р., Тилляходжаева З. Табиий географик жараёнлар. – Т.: 2015.
2. Нигматов А. Экологиянинг назарий асослариқлим – Т.: 2013.
3. Рафиқов А., Вахобов Х., Қаюмов А., Азимов Ш. Амалий география – Т.: 2008.
4. N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005

4-амалий машғулот:

Биогеография ва биологик хилма-хиллик.

Ишдан мақсад: Биогеография фанининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш.

Топшириқлар:

1. Биология ва география фанларининг ўзаро боғлиқлигини чизмаларда ифодаланг ва изоҳланг.

2. Географик картадан фаунистик ва зоогеографик областларнинг чегараларини ажратинг ва уларга хос хусусиятларни аниқланг. Областларга хос экологик муаммоларни кўрсатинг.

Областлар	Ҳайвонот турлари	Ўсимлик турлари	Областларга хос экологик муаммолар

1. Ишчи ўқув дастур асосида “Биогеография” фанида ўтиладиган ўзингиз танлаган мавзунинг технологик картасини тайёрланг. Унда интерфаол усуллардан фойдаланиш бўйича таклифлар киритинг.

Назарат саволлари:

1. Биогеография ва биологик хилма-хилликни изоҳлаб беринг.
2. Биогеография фанининг ўзига хос жиҳатларини санаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нигматов А. Экологиянинг назарий асослари – Т.: 2013.
2. Рафиқов А., Вахобов Х., Қажумов А., Азимов Ш. Амалий география – Т.: 2008.
3. Рафиқов А.А., Хожиматов А.Н., Алимкулов Н.Р., Холмуродов Ш.А. Геоэкология асослари – Т.: 2015.

5-амалий машғулот:

Иқтисодий ва ижтимоий географиядаги муаммолар, районлаштириш масалалари. Демография ва геоэкология.

Ишдан мақсад: Иқтисодий ва ижтимоий география фани муаммолари ва асосий категориялари хусусиятларини таҳлил қилиш.

Топшириқлар:

1. Саволларга қисқа жавоб беринг.

1. Иқтисодий география –
2. Ижтимоий география –
3. Иқтисодий географиянинг асосий категориялари –
4. Иқтисодий районлаштириш –
5. Иқтисодий район ҳосил қилувчи омиллар –

2. Иқтисодий географиянинг асосий категориялари бўлган ихтисослашув, географик меҳнат тақсимооти, иқтисодий районлаштириш, иқтисодий географик ўрин бир-бирининг шаклланишида қандай аҳамиятга эга? Ушбу боғлиқликни чизмада тасвирланг. Жавобингизни изоҳланг.

3. Маъруза машғулотни маълумотларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий районларининг чегараларини картадан кўрсатинг. Уларнинг ихтисослашув коэффициентини қуйидаги формула асосида аниқланг:

$$K = \frac{M}{A}$$

K – ихтисослашув коэффициенти


M – район маҳсулотининг мазкур тармоқ бўйича мамлакатдаги салмоғи

A – мамлакат аҳолисининг сонидан район аҳолисининг салмоғи

4. Демография фанининг ривожланиш босқичлари ҳақидаги билимларингиз асосида жадвални тўлдириш.

Фаннинг ривожланиш босқичлари	Илмий изланишлар олиб борган олимлар	Уларнинг асосий ғоялари

5. Демографиянинг асосий тадқиқот объекти бўлган аҳоли такрор барпо бўлишига давлатларга хос демографик вазият таъсир кўрсатади. Уларнинг таъсир даражасини аниқланг.



6. Геоэкологик вазиятнинг демографик жараёнлар хусусиятлар билан боғлиқлигини мисоллар ёрдамида кўрсатиб беринг.

Назорат саволлари:

1. Иқтисодий ва ижтимоий география фанининг таркибий тузилишини изоҳлаб беринг.
2. Иқтисодий географияда районлаштириш масалаларининг талқин қилинишини айтинг.
3. Демография фани асосий муаммоларининг назарий талқинини айтиб беринг.
4. Геоэкологик вазият ва унинг демографик жараёнларга таъсирини тушунтириб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рафиқов А.А., Хожиматов А.Н., Алимқулов Н.Р., Холмуродов Ш.А. Геоэкология асослари. – Т.: 2015.
2. Солиев А. Ўзбекистон географиясиқлим – Т.: 2014
3. N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography:Fundamental Debates. USA 2005.

6-амалий машғулот:

Географияда терминалогия муаммолари.

Ишдан мақсад: Географик топонимлар ва уларни гуруҳлаштиришни амалга ошириш. Этногеография фанига хос жиҳатларни аниқлаш.

Топшириқлар:

1. Блиц саволларга жавоб беринг.

1. Топонимика тушунчаси ва унинг луғавий маъноси?
2. Топонимика фанининг объекти нима?
3. Топонимика фанини ўрганишдан мақсад нима?
4. Топонимика қайси фанлар билан узвий алоқадор?
5. Географик номлар қайси даврдан бошлаб олимларни қизиқтира бошлаган?
6. Туркистондан чиққан қайси олимлар топонимика фанининг келиб чиқиши ва ривожга ўз хиссасини қўшган?
7. Маҳмуд Қашғорийнинг топонимикага оид қандай асарини биласиз?
8. Ўзбекистонда топонимика фанининг ривожланишига қайси олимлар ўз хиссасини қўшган?

2. Муаммоли саволларга биргаликда жавоб беринг

- а. Топонимика фани нимани ўрганади?
- б. Топонимика фани нима учун географик фанлар тизимига мансуб?
- в. Топонимика нима учун лингвистика, тарих, этнография каби фанлар билан боғлиқ ҳолда ривожланади?

3. Қуйидаги чизмани тўлдиринг.



4. Ўзбекистон Республикаси вилоятлари топонимиясининг ҳозиргача аниқланган лингво-географик қатламларини қуйидаги жадвалда ифодаланг:

Т/р	Тарихий қатламлар	Аҳоли пунктлари номлари
1		Жиззах, Миқ, Муғон, Порашт, Новқа, Нушкент, Андагин, Вақин, Пишағар.

2		Дуоба, Латтабанд, Тагоб, Танги, Сангзор, Гараша, Чорбоғ, Наврўз, Жўлангар.
3		Қорасой, Ўртақишлоқ, Ёйилма, Эгизбулоқ, туёқли, Қирқ, Болғали, Қалтатой, Минг.
4		Аламли, Қолибмозор, Талли, Сўмозор, Жума, Мавтан, Авлиё, Работ, Хўлкар.
5		Тўқай, Ёмчи, Сайхан, Кўтал, Жалойир, Мўғол, Сарой, Найман, Кўрик, Довон.
6		Зарбдор, Бирлашган, Иттифок, Ульяново, Октябрь, Партсъезд, Коммунизм, Рассвет.
7		Истиклол, Нурафшон, Истиклол, Бахтли, Мустақиллик, Бунёдкор, Янгитурмуш.

5. Этногеография фанининг ўзига хос хусусиятларини санаб беринг.

6. Этносларнинг тарихий шаклланиш босқичларини чизмада ифодаланг ва уларга таъриф беринг.

7. Қуйидаги жадвални тўлдириг.

Қитъа	Қитъанинг асосий халқлари	Уларга хос хусусиятлар

Қуйидаги режа асосида “Ўзбек миллатининг географик тарқалиши” мавзусида қисқача маъруза тайёрланг.

Режа:

1. Ўзбекистон ҳудудида этник бирликларнинг шаклланиш хусусиятлари.
2. Ўзбек миллатининг пайдо бўлиш босқичлари.
3. Миллатнинг асосий мезонларининг ўзбек миллатида намоён бўлиши.

Назарат саволлари:

1. Топонимика тушунчаси ва унинг луғавий маъноси?
2. Топонимика фанининг объекти нима?
3. Топонимика фанини ўрганишдан мақсад нима?
4. Топонимика қайси фанлар билан узвий алоқадор?
5. Географик номлар қайси даврдан бошлаб олимларни қизиқтира бошлаган?
6. Туркистондан чиққан қайси олимлар топонимика фанининг келиб чиқиши ва ривожга ўз хиссасини қўшган?
7. Махмуд Қашғорийнинг топонимикага оид қандай асарини биласиз?
8. Ўзбекистонда топонимика фанининг ривожланишига қайси олимлар ўз хиссасини қўшган?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рафиқов А., Вахобов Х., Қаюмов А., Азимов Ш. Амалий география – Т.: 2008.
2. Рафиқов А.А., Хожиматов А.Н., Алимқулов Н.Р., Холмуродов Ш.А. Геоэкология асослариқлим – Т.: 2015.
3. Солиев А. Ўзбекистон географиясиқлим – Т.: 2014
4. N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005

7-амалий машғулот: Географияда картографик ёндошув ва унинг муаммолари. ГИС технологиялари.

Ишдан мақсад: Картографик тушунчаларни таҳлил қилиш. Картографик масалалар ишлаш бўйича билимларни синовдан ўтказиш.

Топшириқлар:

1. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Бурчак ўлчаш аниқлигининг асосий хусусиятлар нималардан иборат?
2. Жойда план олишда қандай асбоблардан фойдаланилади?
3. Жойда план нима мақсадларда олинади?
4. Теодолит, эккер ва бошқа асбобларнинг аҳамиятини кўрсатинг.

2. «Инсерт» усули ёрдамида топография ва картографияга хос тушунчаларни аниқлаштиринг.

Инсерт – самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

(V) – мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) - янги маълумот

(-) – мен билган нарсага зид

(?) – мени ўйлантирди. Бу борада мэнга қўшимча маълумот зарур

Тушунчалар	V	+	-	?
Ориентирлаш бурчаги				
Румб бурчаги				
Азимут бурчаги				
Магнит азимути				

Магнит бурчаги	оғиш				
-------------------	------	--	--	--	--

3. Муаммоларни, кичик муаммо ва хулосаларни шакллантириш

1-муаммони шакллантириш: Нима сабабдан картография фанининг ривожланиш тарихи ўрганилади?

Биринчи кичик муаммони шакллантириш: Умумгеографик карталар ва топокарталар фарқи нимада?

Кичик муаммони ҳал этиш учун саволлар:

1. Карталардан фойдаланишда нималарга эътибор қаратилади.?
2. Қандай шароитда карталар яратиш мумкин?

2-муаммони шакллантириш: Махсус мактаб ўқув карталарини айтинг?

Иккинчи кичик муаммони шакллантириш: 6-синфда қандай карталардан фойдаланилади?

Кичик муаммони ҳал этиш учун саволлар:

1. 7-синфда қандай карталардан фойдаланилади?
2. 8-синфда қандай карталардан фойдаланилади?

3-муаммони шакллантириш: Умумтаълим мактабларида қандай атласлардан фойдаланилади?

Кичик муаммони ҳал этиш учун саволлар:

1. 4-5-6-синфда қандай атласлардан фойдаланилади?
2. 7-8-9-синфда қандай атласлардан фойдаланилади?

4. Берилган масалаларнинг ечимини топинг:

1-топширик. Жойда ўлчанган масофанинг берилган масштаб бўйича планда қанчалик кичрайтирилиб кўрсатилишини аниқлаш.

Вариантлар№	Ер юзасида ўлчанган масофа, м ҳисобида	Масштаб	Картада (пландаги узунлик)
1	18.0	1:1000	1.8 мм
2	25.0	1:1000	
3	33.0	1:1000	

4	108.0	1:1500	
5	540.0	1:25000	
6	630.0	1:10000	
7	725.0	1:25000	
8	1550.0	1:500000	
9	320.0	1:10000	
10	44.0	1:1000	

2-топшириқ. Картада 2 нукта орасидаги узунлик (мм ҳисобида) берилган бўлса, унинг жойдаги узунлигини аниқлаш.

Вариантлар №	Масштаб	Картада (пландаги узунлик) мм ҳисобида	Ер юзасида узунлик
1	1:25000	540	
2	1:25000	350	
3	1:10000	32	
4	1:10000	72	
5	1:10000	54.7	
6	1:10000	11.5	
7	1:25000	143	
8	1:5000	17.3	
9	1:1000	38	
10	1:1000	44	

3-топшириқ. Картанинг масштабини аниқлаш.

Вариантлар №	Карта (план) даги 2 нукта орасидаги узунлик, мм ҳисобида	Ер юзасида ўлчанган узунлик, м ҳисобида	Карта (план)нинг Масштаб
1	21	210	

2	38	380	
3	25	250	
4	130	1300	
5	128	1280	

5. “Картанинг математик асослари”га кластер тўзинг.

6. Қуйидаги жадвални тўлдириг.

Картографик проекциялар таснифи

Картографик проекциялар номи	Проекция хатоликлари	Уларнинг таснифи
<i>Тэнг бурчакли</i>		
<i>Тэнг юзали</i>		
<i>Ихтиёрий</i>		

Назорат саволлари:

1. Бурчак ўлчаш аниқлигининг асосий хусусиятлар нималардан иборат?
2. Жойда план олишда қандай асбоблардан фойдаланилади?
3. Жойда план нима мақсадларда олинади?
4. Теодолит, эккер ва бошқа асбобларнинг аҳамиятини кўрсатинг.
5. Картография фани тарихий ривожланиш босқичларини айтиб беринг.
6. Замонавий картография фани муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари изохлаб беринг.
7. Картографияда ГИС технологияларининг афзаллик жihatларини айтиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Баратов П. Умумий табиий география. –Т.: 2010
2. Алимкулов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Холмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.

8-амалий машғулот: География, геозкология ва табиатни муҳофаза қилиш. Табиий офатлар географияси. Географик маданият ва глобал муаммолар географияси.

Ишдан мақсад: Геозкология фанининг асосий тушунчалари ва ривожланиш муаммолари ўрганиш. Глобал муаммолар ва уларнинг юзага келиш сабабларини ўрганиш.

Топшириқлар:

1. Чизмада экологиянинг тармоқларини кўрсатинг:



2. Б.Б.Б. жадвалини тўлдириг

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хохлайман	Билиб олдим
1	2	3	4	5
2	Аспект			
3	Эстетика			
4	Иқтисодий асос			
5	Экологик тарбия			
6	Санитария			
7	Гигиена			

2. Экологик омил турларининг таъсир даражасини аниқланг (таъсир мавжуд холларда “+” белгиси қўйилсин).

Экологик омил	Абиотик омил	Биотик омил	Антропоик омил
Иқлим	+		


Рельеф	+		
Ўсимлик		+	
Ҳайвон		+	
Инсон			+

4. Атмосфера хавосининг ифлосланишига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг турларини чизмада ифодаланг, тавсиф беринг.



1. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Глобал муаммолар деганда нималарни тушунасиз?
2. Глобал муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатинг.
3. Глобал муаммолар турларини санаб беринг.
4. Глобал демографик муаммога таъриф беринг.
5. Глобал муаммоларнинг асосий хусусиятларини тушунтириб беринг.



«Венн» диаграммаси ёрдамида минтақалардаги ҳаёт даражасини таққосланг.

7. Глобал муаммоларнинг ўзаро боғлиқлигини чизмада ифодаланг. Чизмангизни изоҳланг.

Назорат саволлари:

1. Глобал муаммолар деганда нималарни тушунаси?
2. Глобал муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатинг.
3. Глобал муаммолар турларини санаб беринг.
4. Глобал демографик муаммога таъриф беринг.
5. Глобал муаммоларнинг асосий хусусиятларини тушунтириб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рафиқов А., Вахобов Х., Қаюмов А., Азимов Ш. Амалий география – Т.: 2008.
2. Рафиқов А.А., Хожиматов А.Н., Алимқулов Н.Р., Холмуродов Ш.А.
3. Геоэкология асослари қлим – Т.: 2015.
4. . Рафиқов А., Вахобов Х., Қаюмов А., Азимов Ш. Амалий география – Т.: 2008
5. Алимқулов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Холмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс №1

Ўқув предмети: «Аҳоли географияси ва демографияси».

Мавзу: «Дунё халқлари классификацияси. Аҳолининг миллий-этник таркиби».

Таълимий мақсад: Халқлар, дунё аҳолисининг миллий таркиби, уларнинг географик тарқалиши ва уларнинг гуруҳланиши тўғрисида талабаларга чуқурроқ билим бериш.

Талабалар ушбу кейсни муваффақиятли ҳал этиш учун этник бирликлар, уларнинг шакллари, ўзига хос жиҳатлари борасидаги **билимларга эга бўлишлари** лозим.

Режалаштириладиган ўқув натижалари:

- Мавзуга оид маълумотларни таҳлил этиш ва баҳолаш қобилиятини ривожлантириш;
- топшириқни бажариш жараёнида аҳолининг миллий таркиби тўғрисида умумий тушунчалар, илмий қарашлар билан танишиш ва уларни таҳлил қилиш бўйича малакаларини орттириш;
- мустақил тарзда қарор қабул қилиш малакаларини эгаллаш.

Кейс топшириқ баёни:

Жаҳон аҳолисининг этник хусусиятлари

Ер шарида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишнинг турли босқичларида турган кўплаб этнослар тарқалган. Этнослар бир қатор умумий белгилари (тили ва яшайдиган ҳудудининг умумийлиги, маданияти ва маиший ҳаётидаги яқинликлар, тарихидаги ўхшашликлар, баъзан битта давлатга мансублиги) мавжуд бўлган кишилар гуруҳидан шаклланади.

Фанда қабул қилинган этносларнинг уч босқичли таснифига мувофиқ, уларнинг энг қадимий типига ибтидоий жамоа тузумига мансуб бўлган қабилалар ва қабила гуруҳлари киради. Қулдорлик ва феодал формасиялари билан янги этнос типи - элатлар боғлиқ. Иқтисодий алоқаларнинг кучайиши туфайли юқори даражада ривожланишган этнос типи-миллат шаклланди.

Турли мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишидаги нотэнгликлар оқибатида ҳозирги пайтда сайёрамизда этносларнинг юқорида кайд этилган барча типлари учрайди. Бирок, кўпинча у ёки бу халқни қандай этник типга мансублигини аниқлаш қийин кечади. Чунки уларнинг кўпчилигида миллатни элатдан, элатни қабила ёки қабилалар гуруҳидан ажратиб турадиган белгилари яққол акс этмаган. Бу нарса аввало кўпгина этносларнинг ривожланиш жараёни ҳозир ҳам давом этаётганлиги билан боғлиқ. Кўплаб кишилар гуруҳида миллий онг - у ёки бу халққа мансублик жуда тез, баъзан бир авлод умри давомида ўзгаради.

Тарихий жиҳатдан этносларнинг энг қадимий типи-қабила. Ҳар бир қабила бир қанча уруғлардан-қон-қариндошлик ришталари билан боғланган кишилар гуруҳидан таркиб топган. Ибтидоий жамоа тузуми даврида қабиладаги кишилар орасида ижтимоий табақалашув мавжуд бўлмаган. Ҳозирда баъзи бир (энг қоқоқ ва кам сонли) этник гуруҳларда, биринчи навбатда кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлар орасида қабилавий хусусиятлар сақланиб қолган.

Ибтидоий жамоа тузумининг парчаланиш жараёнида кўпгина қабилалар манфаатларининг умумийлиги уларни муайян Иттифоқларга бирлашишга олиб келди (масалан, Шимолий Америкадаги ирокезлар лигаси, Мексикада учта астик қабилалар уюшмаси, Жанубий Африкада зулус қабилалари Иттифоқи ва ҳ.к.). Бундай иттифоқларнинг шаклланиши қабилалар орасида хўжалик ва маданий алоқаларнинг кучайишига, бу эса ўз навбатида қабилаларнинг аста-секин қўшилиб кетишига олиб келди ҳамда илгариги қон-қариндошлик алоқалари ўрнини ҳудудий алоқалар эгаллай бошлади. Шу йўл билан янги этнос типи-кишиларнинг тили, ҳудуди, иқтисодиёти ва маданияти ўхшаш бўлган кишилар гуруҳи-элат шаклланди.

Дастлаб қулдорлик даврида қадимги Миср, қадимги Эллен ва бошқа шу қаби элатлар шаклланди. Европада элатнинг шаклланиш жараёни асосан феодализм даврига келиб тугалланди (қадимги рус, поляк, немис ва ҳ.к.). Одатда келиб чиқиши ва тили яқин бўлган қабилалар ўзаро бирлашганлар

(қадимги рус-полян, древлян, вятч ва бошқа шарқий славян қабилалари, поляк-поморян, вислян, маъзовшан ва бошқа славян қабилалари, немис-сакс, алеман ва бошқа герман қабилалари) ёки бирининг иккинчисига босқин уюштириши натижасида турли тилда сўзлашадиган қабилалар қўшилиб кетганлар (шимолий француз ва провансал элатлари-галл қабилалари, рим колонистлари, герман қабилалари, франклар, вестготлар ва бургундлар ва ҳ.к.).

Элатларнинг қўшилиши жараёнида ҳамда уларнинг айрим қисмлари орасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кучайиши натижасида улардан бирининг тили (одатда кўп сонли ва нисбатан ривожлангани) умумий тилга айланади, бошқа қабила тилларининг ахамияти пасайиб, шева даражасига тушади ёки бутунлай йўқолиб кетади; муайян ҳудудий, маданий ва хўжалик бирлиги шаклланади. Бироқ, бундай бирлик ҳали анча (айниқса, иқтисодий жиҳатдан) беқарор ва бўш эди. Иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кучайиши билан элатлар аста-секин миллатларга айлана борди. Элатлар учун хос белгилар янги сифат даражасига кўтарилади: миллат барқарор ҳудудий, иқтисодий ва маданий бирлик билан, умумий тил билан ажралиб туради; ва ниҳоят, қайд этилган хусусиятлар натижасида миллий характернинг умумий жиҳатлари ҳамда миллий онг шаклланади.

Одатда миллат-номи сақланиб қолган элатнинг этник ривожланиш маҳсулидир. Бироқ, давлат чегараларидаги ўзгаришлар туфайли айрим элатлар негизида бир қанча этник бирликлар юзага келган (масалан, португаллар ва галисийликлар, немислар ва австрияликлар ва ҳ.к.). Қадимги рус элати рус, украин ва белорус элатларининг умумий илдизи бўлиб хизмат қилди. Кейинчалик уларнинг ҳар бири алоҳида миллатга айландилар. Шундай ҳолатлар учрайдики, битта миллатнинг шаклланишида бир қанча элатлар иштирок этади (масалан, индонезия миллати яваликлар, сундлар, мадурлар ва бошқа элатлардан, филиппинлар-тагаллар, висайялар, илоклар ва бошқалардан шаклланган).

Кўпгина майда элатлар миллатга айланмаслиги мумкин. Улар камсонли бўлганликлари туфайли айрим замонавий йўналишларни маҳаллий кадрлар билан таъминлай олмасдан, тараққиётдан орқада қолдилар. Вақт ўтгач, бундай элатлар бошқа анча ривожланган элат ёки миллат билан алоқага киришадилар, уларнинг маданияти ва тилини ўзлаштирадилар ва аста-секин улар билан қўшилиб кетадилар.

Вазифа.

1. Этнослар ва уларнинг турлари бўйича маълумотларни ўрганиш.
2. Мавзу бўйича турли ахборот бера олувчи манбааларни топиш ва улар орқали ўзларига керакли маълумотларни тўплаш.
3. Ўзбек миллатининг географик тарқалиши бўйича маълумотлар топиш ва уларни таҳлил қилиш.

Топшириқни бажариш учун кўрсатмалар:

- Олинган маълумотлардан фойдаланиб, улар ёрдамида аҳолиси сон, илмий-техникавий маълумотлари 100 млн.дан ошган этник бирликлар тарқалган худудлар аниқланиб, зарурий маълумотлар ўзлаштирилсин;
- Гуруҳда “Ўзбек миллатининг географик тарқалиши” мавзусидаги баҳс-мунозарада қатнашиб, фикр мулохазаларини алмашинсин.

Ўқув предмети: «Сиёсий география».

Мавзу: « Ўзбекистоннинг геосиёсий салоҳияти ва ташқи иқтисодий алоқалари».

Таълимий мақсад: Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсий картасида тутган ўрни тўғрисида талабаларга чуқурроқ билим бериш.

Талабалар ушбу кейсни муваффақиятли ҳал этишлари учун Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрин хусусиятлари, ҳамда улардан ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсирини аниқлаш борасидаги **билимларга эга бўлишлари** лозим.

Режалаштириладиган ўқув натижалари:

- Мавзуга оид маълумотларни таҳлил этиш ва баҳолаш қобилиятини ривожлантириш;
- мустақил тарзда қарор қабул қилиш малакаларини эгаллаш.

Кейс топшириқ баёни:

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги юксак маъқеи ва аҳамияти субъектив баҳолар билан белгиланмайди, балки стратегик хусусиятга эга бўлган объектив омилларга асосланади.

Биринчидан, Ўзбекистон-минтақадаги энг кўп аҳоли яшайдиган давлат. Бу ерда Марказий Осиёнинг қолган бошқа давлатларидан бироз кам бўлган аҳоли истиқомат қилади. Бу ҳолат минтақада Ўзбекистоннинг демографик улуши анча катта эканлигини кўрсатади.

Иккинчидан, Ўзбекистон, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, жаҳон миқёсидаги ёки минтақавий йирик давлатларнинг биронтаси билан ҳам бевосита чегарадош эмас. Геосиёсий нуқтаи назардан бу, шубҳасиз, муҳим устунликдир. Бошқа томондан, Ўзбекистон минтақанинг беш мамлакати билан умумий чегарага эга бўлган ягона давлат ҳисобланади.

Учинчидан, Марказий Осиёда қачонлардир мавжуд бўлган ва давлатчилик, фан ва маданиятнинг ривожланишида сезиларли из қолдирган барча асосий давлат тўзималарининг пойтахтлари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон ва Тошкент маданиятларининг цивилизацион таъсириўтмишда мамлакат ҳудудидан ташқарида ҳам жуда кучли бўлган.

Нима деб ўйлайсиз, Ўзбекистоннинг марказий геосиёсий ўрни унинг ривожланишида қандай қулайликларни яратиб бериши мумкин?

Топшириқни бажариш учун кўрсатмалар:

- Геосиёсий ўриннинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш;
- Геосиёсий ўрин хусусичтларидан фойдаланиб ташқи иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқариш.

2-кейс. Материклар ва океанларнинг келиб чиқиши кўп олимлар томонидан турлича талқин этилади. Ўйлаб кўрингчи, материкларни келиб чиқиши ва ҳозирги ҳолатига келиши ҳақида қандай қарашлар мавжуд? Вегенернинг плиталарни сузиб юриши ҳақидаги гипотезаси қай даражада исботини топмоқда?

Кейснинг мақсади: Евросиё материги ҳақида умумий маълумот бериш ҳамда Европа қитъасининг пайдо бўлиши, ривожланиш тарихи, рельефи, геологик тузилиши ва фойдали қазилмаларининг тарқалишини ўрганиш.

Саволлар:

1. Муаммо нимадан иборат?
2. Мазкур муаммони ечишда ҳукумат қандай ишлар олиб бормоқда?
3. Сиз бу муаммога қандай ечимлар таклиф қиласиз?

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.

Ер шари ахолисининг ярмидан ортиғи яшайдиган ва планетамиздаги энг катта қуруқлик массиви бўлмиш Евросиё материгини тўрт океан Шимолий Муз океани, Атлантика океани, Тинч океани ва Хинд океани ўраб олган бўлиб, у экватор билан 77° шим. кенглик орасида жойлашган. Материкнинг чекка нуқталари - Челюскин бурни ($77^{\circ} 43$ ш.к.). Пиай бурни ($1^{\circ}16$ ш.к.). Рока бурни ($9^{\circ}34$ г.у.) ва Дежнёв бурнидир ($169^{\circ} 40$ ғ.у.). У шимолдан жанубга 8 минг км га, ғарбдан шарққа 16 минг км га чўзилган. Евросиёга киритиладиган баъзи ороллар бу материкдан анча олисда жойлашган. Шпицберген, Франц Иосиф Ери ва Северная Земля ороллари 80° ш.к. дан

шимолга кириб борган. Малайя архипелагидаги ороллар эса жанубий ярим шарда 11° ш.к. гача тушиб келган. Атлантика океанидаги Азор ороллари 28° ғ.у. дадир. Оролларнинг умумий майдони 2,75 млн. км², Евросиёнинг майдони ороллар билан бирга -53,4 млн. км.кв. Материкнинг жуда катталиги унинг табиий шароити жуда мураккаб ва хилма-хил эканлигига сабаб бўлган. Евросиёнинг ғарбий қисми, яъни Европа китъаси энг тор бўлиб, уни денгизлар жуда парчалаб юборган: майдонининг 1/3 қисми ороллар ва ярим оролларга тўғри келади ҳамда денгиздан энг узокдаги жойи атиги 600 км келади. Материк шарққа томон кенгая боради. Осиё қисмида ороллар ва ярим оролларга материк жами майдонининг 1/4 қисми тўғри келади.

Ғарбдан шарққа томон материк ер юзасининг характери ҳам ўзгара боради. Европанинг парчаланган рельефи Шарқдан Шарқий Европа, Ғарбий Сибир ва Турон текисликларининг ҳамда Ўрта Сибирь платосининг кенг сахни билан алмашинади.

Евросиёни ғарб ва жануби-ғарбдан Атлантика океани ва унинг денгизлари ўраб туради. Бу океаннинг Евросиёга бевосита туташиб турувчи шимоли-шарқий қисми Ўрта Атлатика тизмасидан шарқда Ғарбий Европа сув ости сойлигидан иборат; унинг энг чуқур жойи 6000 м дан ортади.

Материк саёзлигидан шимолда Шимолий Муз океани бир қанча чуқур сув ости сойликларига бўлиниб кетган: бу сойликларни бир-биридан ажратиб турган сув ости тизмаларида бир группа материк ороллари-Шпицберген, Франц-Иосиф Ери ва бошқалар жойлашган. Баъзи ороллар 80° ш.к. дан шимолдадир. Шимолий Муз океанини Тинч океанидан сув ости баландликлари ажратиб туради, бу баландликлар устида чуқурлиги 50 м гача бўлган Беринг буғози жойлашган.

Евросиёнинг шарқий қирғоқларини Тинч океан сувлари ювиб туради, бу океан бутун Дунё океанининг ярмини ташкил этади. Тинч океанининг ғарбий қирғоқлари нихоятда ўйилиб кетганлиги ва оролларнинг жуда кўплиги билан ажралиб туради. Деярли меридионал йўналган қатор ороллар ва ярим ороллар бир-бирига туташ чекка денгизлар системасини океандан ажратиб

туради, чунончи, Камчатка ярим ороли ва Курил ороллари Охота денгизини, Япон ороллари ва Корея ярим ороли Япон денгизини очик океандан ажратиб туради. Материк, Корея ярим ороли ва Рюкю ороллари ўртасида материк саёзлигида Сарик денгиз билан Шарқий Хитой денгизи жойлашган: Хиндихитой, Филиппин ва Зонд ороллари Жанубий Хитой денгизини чегаралаб туради. Тинч океанининг чекка қисми материк ер пўстидан иборат геосинклинал структурага эга, марказий қисми эса чуқурлиги 5000 м дан ортиқ жойлари бўлган океан типидеги чўкмалардан иборат. Курил-Камчатка чўкмасининг чуқурлиги 10542 м, Ер шаридеги энг чуқур Мариана чўкимасининг чуқурлиги 11022 м Филиппин чўкмаси - 10265 метр. Ороллардаги тоғларнинг баландлиги 2-3 минг м ва ундан ортиқ. Ороллар ёйи орасида жойлашган сувости тектоник сойликларининг чуқурлиги 2-6 минг м (Япон денгизи – 4036 м, Жанубий Хитой денгизи 4400 м, Филиппин сойлиги - 6363 м).

Осиёнинг жанубий қирғоқларини ювиб турувчи Хинд океанининг катта қисми океан ер пўсти типидеги қадимги сув ости чўкмасидан иборат. Океаннинг ғарбий қисми Африка, Арабистон ярим ороли, Мадагаскар ороли Хиндистон ярим оролини бир-бирига туташтириб турган қадимий куруқликнинг чўкишидан ҳосил бўлган. Шарқда Зонд оролларининг жанубий сохиллари яқинидан энг чуқур жойи 7430 м бўлган букилмалар полосаси ўтади. Океаннинг катта қисмида 3000-5000 м ли чуқурликлар устун туради. Евросиё қирғоқлари яқинидаги энг катта сув ости сойлиги Арабистон сойлигидир.

3-кейс. Ўйлаб кўрингчи Европа иқлими билан дарёларининг серсувлиги орасида қандай фарқ ва умумийлик мавжуд.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.

4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.

Европа иқлими шаклланишида бевосита унинг географик ўрни, орографик тузилиши жуда катта аҳамиятга эга. Жумладан уни Атлантика океани хавзасида жойлашганлиги океандаги Илик оқимнинг мавжуд эканлиги ҳамда худуднинг шимолий-шарқий томон кенгайиб бориши худуд иқлимини ўзига хос тарзда шаклланишига сабаб бўлади. Худуд иқлимини шаклланишида радиациянинг умумий миқдори ва радиация балансини аҳамияти жуда атта. Худудда радиация баланси ва радиация миқдори жанубдан шимолга томон кенгайиб боради. Сицилия ва Болқонда йиллик радиация миқдори 160, Париж кенглигида 100 ккал.см га тенг. Радиация баланси ҳам Европанинг жанубида 80, Париж кенглигида 40, Шимолий Скандинавияда 30 ккал.см га тенг. Бутун Европа ёзда радиация баланси мусбат, кишда эса фақатгина Ўрта денгиз буйидагина радиация мусбат бўлиб, қолган районларда манфий ёки 0 га яқиндир. Европа устида асосий типдаги ҳаво массалари хукмронлик қилади. Ўрта кенгликлар ҳаво массалари, Арктика ва тропик ҳаво масалари мавжуд. Худуд иқлимини шаклланишида Атлантика океани устида таркиб топадиган ўрта кенгликлар ҳаво массалари таъсири жуда юқоридир. Мўтадил кенгликлардаги денгиз ҳавоси ҳамда континентал ҳавоси ўртасидаги фарқ жуда катта бўлиб куруқлик ҳавоси унча катта роль ўйнамайди. Арктика ҳавоси эса асосан шимолий худудларга жуда катта таъсир кўрсатади. Атмосфера циркуляцияси атмосфера босимини худуд бўйича тақсимланишига боғлиқ. Жумладан Арктика ва субтропикларда юқори босим минтақалари ва уларнинг оралиғида паст босим минтақаларининг мавжудлиги, худудга кириб келадиган ҳаво массаларини асосан шу юқори босимли минтақалардан келишига сабаб бўлади. Худудга Марказий Осиё ва Азор ороллари яқинидаги Азор максимумларини таъсири кучлидир. Атмосфера циркуляциялари мавсумий характерга эга бўлиб мавсумлар бўйича алмашилиб туради. Шарққа борган сари ҳаво массаларининг ўзгариши натижасида ғарбий ҳаво

оқимининг ҳароратси камая боради ва бу ерларда денгиз иқлими типи бир мунча ўз хусусиятини йўқотади.

Термик шароитнинг худуд бўйлаб нотекис бўлиши қишда қор қоплами узоқ вақт турмаслигига сабаб бўлади қор Фенноскандиянинг шимолида 6-7 ой, жанубида ва Германия-Польша текислигининг шарқида 1-2 ой, Дунай бўйи текисликларида 3-4 ҳафта қолган худудларда ундан ҳам кам муддат сақланиб туради.

Атлантика соҳилида айниқса ёғин кам ёғиб шарққа томон камайиб боради.

Бунга сабаб циклон фаолиятининг камайиб денгиз хавосини қуруқлик хавоси билан алмашилишидир. Қиш фасли ҳаво ҳароратси Мадридда -12, Пимла - 4,, Лондонда -13, Берлинда -26, Мурманскда - 38 кўрсаткичга эга, Ёзда эса Мадридда +44, Пимла +39, Лондонда +34, Берлинда +38, Мурманскда +33 кўрсаткичга эга.

Ёғин микдорини географик тақсимланишида худудга кириб келувчи Исландия минимуми ва ғарбий йўналишидаги шамоллар оқими катта таъсир кўрсатади. Худуднинг намлик коэффиценти бир мунча юқори эканлиги худуда ёғин микдорини ҳам материкни ички қисмига нисбатан бир мунча кўп бўлишига сабаб бўлади. Худудни катта қисмида 9 000 мм ёғин ёғади.

Европа арктика, субарктика, мўътадил ва субтропик иқлим минтақаларида жойлашган.

Арктика ва субарктика минтақалари. Бу минтақаларда Европанинг Шпицберген, Исландия, Ян-Майен, Медвежий ороллари жойлашган. Арктика минтақасида йил давомида Арктика хавоси ҳукмрон. Субарктикада қишда арктика ёзда мўътадил ҳаво массалари алмашилиб туради.

Мўтадил минтақа. Бу минтақада йил бўйи ўрта кенгликлар ҳаво массалари ҳукмронлик қилади. Ғарбдан циклонлар келиб туради. Минтақанинг шимолий қисмида ёз салқин жанубида эса иссиқ. Океан таъсирига кўра денгиз ва қуруқлик иқлим типлари ажратилади. Минтақанинг жанубий қисмида Европа Атлантика соҳилининг денгиз иқлими; Европа

Атлантика соҳилининг денгиз иқлимидан шарқий Европанинг қуриқлик иқлимига ўтувчи иқлим Дунай бўйи текисликларининг континентал иқлими; ўрта баландликдаги тоғлар иқлими; баланд тоғлар иқлими типлари мавжуд. Субтропик минтақа. Бу минтақада ёзда тропик, қишда мўътадил минтақа хавоси ҳукмронлик қилади. Жанубий Европанинг катта қисми Венеция–Падан пасттекислиги Пиренея ва Болқон ярим ороллариининг шимолидан ташқари шу минтақада жойлашган. Ғарбий Европа қисмида Ўрта денгиз типи характерли. Бу минтақада ҳам денгиз ва қуриқлик типлари ажратилади.

4-кейс. Европадаги табиат зоналарининг шаклланишида ыитоанинг киёфаси қандай рол ўйнайди?

Кейснинг мақсади: Европада шаклланган табиат зоналари, уларнинг табиий шароити, ландшафт компонентларининг ҳолати ҳақида маълумот бериш.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.

Европанинг кичик бир қисми жойлашган. Арктика минтақасида Свальбард (Шпицберген) архипелаги, субарктика минтақасида Исландия, Ян-Майен ва Скандинавиянинг шимолидаги қирғоққа яқин қатор ороллар бор. Арктика минтақасида Арктика муз ва тошлоқ саҳролар ландшафтлари мавжуд. Арктика саҳролари зонаси иқлимининг энг муҳим хусусияти радиация балансининг кичиклиги. Радиациянинг баланси деярли ҳеч қаерда йилига $10-20 \text{ ккал/см}^2$ дан ошмайди. Ҳавонинг ўртача йиллик ҳароратси 0°C дан паст. Қутб туни 120 кунга яқин давом этади. Йиллик (фақат 3-4 ой

давомида) ўртача ҳарорат 0°C дан юқори бўлади, бироқ бу ҳам кўп ҳолларда 5°C дан ошмайди. Ёз ойларида ҳароратнинг паст бўлиши, қисман, иссиқликнинг муз ҳам қорни эритишга сарф бўлиши билан боғлиқдир. Свальбард иқлими анча қаттиқ бўлишига қарамай, Осиё ва шимолий Америкадаги бу зонанинг баъзи бир бошқа қисмларига қараганда илиқроқ. Бу ерда қишда илиқ Шпицберген оқими ҳамда кучли циклон фаолияти таъсир кўрсатади. Циклонлар вақтида ер юзасида жанубий ҳамда жанубий-ғарбий шамоллар ҳукмрон бўлади. Буғланиш ниҳоятда кам. Шу сабабли ёғин у қадар кўп ёғмас (йилига 300-250 мм) ёғин миқдори буғланишдан кўра кўпроқдир. Бу ҳол зонада кўпинча ҳарорат манфий бўлганлигидан қор ва муз тўпланишига олиб келади. Свальбарднинг тахминан 90% майдони муз билан қопланган.

Свальбарднинг муз билан қопланган ерларида тошларга ёпишган лишайник ҳамда мохдан иборат жуда сийрак ўсимликлар билан қопланган. Арктика тошлоқ саҳролари ландшафтлари ҳукмрондир. Майда жинслар тўпланиши учун шароит қулай бўлган жойларда асосан дриада (каклик ўти), тошёрар, айиқтовон, қизғалдоқ ва бошқа ўсимликлардан иборат ўт ва бута формациялари тарқалган. Ҳайвонот дунёсининг турлари ҳам кам: майда кемирувчилар, қутб тулкиси (песец), оқ айиқ, шимол буғуси учрайди. Фақат қушлар кўп. Қушлардан кўплари – чистик, кайра, чайка-моевка, гага ва бошқалар субарктика минтақаси зоналари учун ҳам характерлидир.

Субарктика минтақасининг Ғарбий Европа қисмида тундра ландшафт зонаси жойлашган. Евросиё тундра зонасининг бошқа қисмларидан фарқ қилиб, ғарбий Европа қисмига Атлантика океани катта таъсир этади ва қиш у қадар қаттиқ бўлмай, илиқ кунлар бўлиб ёз ойларининг ўртача ҳарорати паст бўлиб, 10°C дан ошмайди, шу сабабли бу ерда ўрмон йўқ.

Вегетация даври қисқалигидан гулли ўсимликлар орасида кўп йилликлар ва доимий яшил буталар кенг тарқалган. Буталар пакана бўлади, ер бағирлаб ўсадиганлари кўп учрайди. Бундай шакл ўсимликларнинг ҳавонинг ер юзасига яқин қатламидан иссиқлик олишга имкон беради.

Мох ва лишайниклар ўсимликлар орасида асосий фонни ташкил қилади. Оғир гил тупроқли ясси ерлар асосан мохлар, қум тупроқли ва тошлок тупроқли тепаликлар лишайниклар билан қопланган. Лишайниклар ягель билан тундрани ҳосил қилади, бундай тундрада асосан буғу мохи, Исландия мохи ва бошқа лишайник тури ўсади. Мох ва лишайниклар устида буталар ва кичик буталар, рангбаранг гулли ўтлар, қиёклар кўтарилиб туради. Қумли ерларда пакана, багульник, толокнянка ва бошқалар кўп учрайди. Пакана қайин қумли ерларда бутазорлар ташкил этади.

Исландиянинг анча жанубий районларида, шамоллардан тўсилган водийларда тундра зонасининг бошқа формациялари: анча баланд бўйли хархил ўтлар ва бошоқлилардан иборат ўтлоқлар, қайин, тоғтерак, четан, арчадан иборат бутазорлар учрайди. Бироқ бундай ўсимликлар майдони жихатдан мох ва лишайникларга қараганда кам территорияни эгаллайди. Тундра тупроқлари жуда сернам. Тупроқ ҳосил қилувчи асосий жараён глей жараёни бўлиб, бу жараён торф-глейли тундра зонал тупроқ зонал типларини вужудга келтиради. Бундай тупроқлар минерал бирикмаларга камбағал ва қатлами юпқа, чунки тундрада биохимиявий жараёнлар жуда секин боради. Тупроқдаги чиринди одатда нордон бўлади. Ўтлоқ тупроқлари учун чимли тупроқ ҳосил қилиш учун жараёни характерлидир. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи кўчманчи буғучилик бўлиб, буғулар йил бўйи яйловда боқилади.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Географиянинг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари модулини тинловчиларга ўқитиш билан бирга уларнинг мустақил изланишларини ташкил этиш ва материалларни мустақил ўзлаштирилишини назорат қилиш учун қуйидаги мавзуларда мустақил иш мавзулари берилади.

1. Ўзбекистонда география фани ва таълимнинг ривожланиш босқичлари
2. География фанлар тизимида инновацион таълим бериш йўллари
3. Ўзгарувчан иқлим шароитида атроф муҳит ҳимоясига замонавий ёндашув
4. Урбанизация жараёни ва унинг замонавий кўринишлари
5. Топонимик классификациялаштириш мезонлари
6. Этнослар ва уларнинг таркиб топиш босқичлари
7. Аҳоли такрор барпо бўлишининг минтақавий хусусиятлари
8. Табиий географик жараёнларга хос хусусиятларнинг назарий таҳлили
9. Глобалистика фани ривожланиш хусусиятлари
10. Жамият ва табиат муносабати натижасида юзага келган глобал муаммолар

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Аграр ислоҳат	Қишлоқ хўжалигида давлат томонидан амалга ошириладиганижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар	Agricultural policy - the socio-economic transformation in the agricultural sector by the State.
Азимут	Кузатув нуқтасида меридиан ва вертикал юза ўртасидаги бурчак	Azimuth - angle between the plane of the meridian observation point and vertical plochkostyu passing through this point and the observed object
Айсберг	Музликдан синиб тушган сузувчи йирик муз парчаси	Iceberg - floating block of ice broke away from the glacier
Аккумуляция	Ер юзаси ёки денгиз тубида тоғ жинслари оқизикларининг тўпланиши	Accumulation - accumulation, deposition of sediments or rocks on the Earth's surface or on the bottom of the sea
Анклав	Давлат ёки унинг бир қисмининг бошқа давлат ҳудуди билан ўраб олинганлиги	Enclave - a country or a part thereof, with all sides surrounded by the territory of another State
Артезиан бассейни	Сув ўтказмайдиган қатламлар орасида йиғилган, босимга эга бўлган ер ости сувлари	Artesian Basin - pressure underground water concluded between waterproof layers
Атмосфера	Сайёрамининг ҳаво қобиғи	Atmosphere - air ground shell
Атом электростанцияси	Атом энергиясини электр энергияга айлантирадиган станция	Nuclear power station - power which nuclear energy is converted into electrical energy

Табиий ресурс	табиатда мавжуд бўлган турли кўринишдаги ресурслар бўлиб, улар мамлакатлар иқтисодиётини шакллантириш ва кишилик жамияти ривожига учун муҳим аҳамиятга эга	Natural resources - components and properties of nature necessary for a person to obtain material and other benefits. Natural resources are natural (natural) origin
Ресурслар билан таъминланиш	табиий ресурслар миқдори ва улардан фойдаланиш миқдори орасидаги тафовут. Маълум турдаги ресурсларнинг неча йилга етиш ҳолати ҳамда аҳоли жон бошига миқдори асосида аниқланади	Resource supply index - the ratio between the amount of diluted stock of resources
Саноат	Иқтисодиётнинг жамият ишлаб чиқарувчи кучлари тараққиёти даражасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган тармоғи	Industry - the largest and most technically advanced material manufacturing industry. creating tools and other means of production, as well as most of the commodities
Ундирувчи саноат	Минерал ресурсларни излаш ва қазиб олиш билан шуғулланувчи тармоқлар мажмуи бўлиб, шу билан бирга мажмуа таркибига уларни бирламчи қайта ишлаш ҳамда ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш тармоқлари ҳам	Extractive industry - complex industries engaged in extraction and enrichment of minerals at oil and gas enterprises, mines, quarries, mines, mining enterprises and other similar companies.

	киради.	
Қишлоқ хўжалиги	Моддий ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, биологик ресурслардан фойдаланган ҳолда маҳсулот яратади	Agriculture - a branch of material production using biological processes for the creation of plant and animal products.
Интенсив йўл	Маълум ер майдонига катта миқдордаги маблағ йўналтирилиши асосида қўшимча техник воситалар жалб этиш, ер таркибини яхшилаш мақсадида меллиоратив ва ирригацион тадбирлар ўтказиш	Intensive way - the application of new technologies in the cultivation of the land and the development of new, more productive varieties.
Транспорт	иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлиб, халқ хўжалиги ва аҳолининг юкларга эҳтиёжларини ўз вақтида муттасил таъминлаб туради.	Transport - one of the main sectors of the economy. Is engaged in the movement of people, goods (products), information, energy from place to place, from one region (country) to another region (country).
Сиёсий карта	давлатларнинг жойлашган ўрни, чегаралари ва пойтахтларини кўрсатиб берувчи карта	The political map of the world - a geographical map showing the countries of the world, their form of government and polity.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар

1. Garry G. Azgaldov Alexander V. Kostin Alvaro E. Padilla Omiste The ABC of Qualimetry Fonts kindly provided by ParaType Inc Redero 2015
2. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
3. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
4. N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning eography:Fundamental Debates. USA 2005.
5. N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning eography:Fundamental Debates. USA 2005.
6. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
7. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
8. Ата-Мирзаев О.Б. О современной системе географических наук. «Амалий география» фанининг долзарб назарий ва амалий масалалари. – Т.: 2008.
9. Алимқулов Н.Р., Абдуллаев И.Х. Амалий «Амалий география» фанини соҳаларга йўналтириб ўқитиш методикаси. – Т.: 2012.
10. Алимқулов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Холмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.
11. Абдуллаев И.Х. ва бошқ. Маъмурий география. – Т.: 2014.
12. Баратов П. Умумий табиий география. –Т.: 2010.
13. Зокиров Ш.С, Тошев Х. Ландшафтшунослик. – Т.: 2013
14. Низомов А. ва бошқ. Ўзбекистоннинг экотуристтик ресурслари ва йўналишлари. – Т.: 2013.

15. Низомов А., Алимқулов Н.Р., Тилляходжаева З. Табиий географик жараёнлар. – Т.: 2015.
16. Нигматов А. Экологиянинг назарий асослари. – Т.: 2013.
17. Рафиқов А., Вахобов Х., Қаюмов А., Азимов Ш. Амалий география – Т.: 2008.
18. Рафиқов А.А., Хожиматов А.Н., Алимқулов Н.Р., Холмуродов Ш.А. Геоэкология асослари. – Т.: 2015.
19. Солиев А. Ўзбекистон географияси. – Т.: 2014.

Интернет ресурслар

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали:
www.gov.uz
2. www.ziyonet.uz
3. www.edu.uz
4. [Infocom.uz](http://infocom.uz) электрон журнали: www.infocom.uz
5. www.tdpu.uz.
6. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
7. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
8. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>